

ЖОНИБЕК СУБҲОН
СИЛСИЛА

Шеърлар, ғазаллар, ривоятлар, дostonлар

ТОШКЕНТ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1994

Уз2
С 95

С 4702620202—15 қўшимча ил. 94.
М 352 (044—94

ISBN 5-635-01415-1

© Жонибек Субҳон, 94 й.

ШЕЪР КИШИСИ

Шеърийят осмоннинг бир четида уфққа аралашиб кетган ажойиб сеҳрли, ложувард даланинг қоқ ўртасида тикланган чайла кабидирки, ул чайла сари талпинганларнинг сояси, шарпаси, изи гоҳ ердан бошланган, гоҳ эса қуёшдан. Шеърийят кўнгилга қурилган эпик кабидирки, уни кимдир силтаб очадди, кимдир чертиб, кимдир эса синдириб очадди. Жопибек ака Сувоиқулов шеърийятнинг сеҳрли чайласига узоқ йиллар машаққатли меҳнат билан, тоза кўнгил ила қадамба-қадам яқинлашиб, мана бугун элликли қоралаб, ўз тароватли қўшиқлари, наволари билан ўша чайлада истиқомат қилаётир. Истиқомат қилишлилиқ ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бу қонуният газета саҳифаларида ёхуд каттакон анжуманларда айтилмайди, зеро ҳақиқий маънодаги шеър одами илмий таҳлилларда ёки китобларда ангашиб тубига етилмайди. Шеър одами борлигини шеърийят билан оғриганлар, дардланганлар сўзсиз ангайдилар. Юракдан биладилар. Ўзаро мулоқотларда эътироф этадилар. Жопибек ака шу маънода эътироф этилган, юракдан билдирилган шоир. Замонлар бўладикки, улардан кўра инсонлар афзал, кунлар бўладикки, улардан кўра лаҳзалар афзал. Инсон ва лаҳза дунёни қайтадан яратишга қодир, шу аснода уни қайтадан барбод этишга ҳам қурблик. Инсон ва лаҳза худди гул таманносию, каналак завқидек кўнгилга уя қуради: Алалхусус, таманно ва завқ шоирлик қисматига битилган гўдаккагина насиб қилади. 1944 йил 9 июнь — айни ёз чилласида осмонга юзи тегиб ётган Зомин туманидаги Ҳайиткултепа қишлоғида шоир туғилиши ҳеч кимнинг хаёлига келмаган, аслида шоирлар мана шундай тўсатдан дунёга келадилар. Улар албатта осмон, ўнган жойларда ёхуд бийдек саҳронинг этак-

ларида туғилдилар. Дунёни тафаккур айлаб, темир шаҳарларга йўл оладилар. Бу жамики шоирларнинг тарих китоби саҳифаларидир. Шу ўринда чекинсагу, Жопибек ака тарихига тўхталсак. Расмиятчилик бўлса-да, у кишининг ҳаёт китобларидан айрим қайдларни, рақамларни эслаб, бугунларининг моҳиятини тушунишга йўл топишга уришиб кўрсак. Аввало. ўша Ҳайиткултепадаги етти йиллик 10 рақамли мактаб, кейин Н. Қўлдошев номли 3-ўрта мактаб, балогат — 1959 йил. Қишлоқда уч йил китобпарастлик, яъни кутубхона очиб, унда кутубхоначилик. 1962 йил Самарқанд дорилфунуни ўзбек ва тожик филологияси факультети талабаси. 1964—67 йиллар Туркманистон. Эрон чегарасидаги чегара қўшинларида хизмат. 1967—1970 йил талабалик йилларининг давоми. 1970 йил Гулистон шаҳри. «Сирдарё ҳақиқати» рўзнома-сида мухбир. 1980 йил ЎзТАГнинг Сирдарё вилояти бўйича махсус мухбири. 1984—86 йиллар вилоят ёзувчилар уюшмасида адабий консультант. 1986 йил 1 сентябрь. Ўшандан то ҳозирга қадар Гафур Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриётининг классик адабиёт, адабиётшунослик ва фольклор бўлимида муҳаррир. Хуллас, калом шу.

Бундай қараганда, шоирнинг қисмати жуда оддий, ҳамма одамлар қатори. Айнан мапа шу оддийлик замирида ғайритабiiй шуурлар ғалаёнлари ва ғайритабiiй қалб кечирган воқеалар борки, улар оддийликдан қаҳрабон янглиғ товланиб ярқ этаверадилар. Жонибек Субҳон ижоди ана шундай товланувчан, ярқ этган воқеалардан иборат. Поғонамапоғона тафтишдан ўтказиладиган теварак-муҳит — одамлар, уч йўналишдаги тадқиқ, бамайлихотир, босиқ баҳо услубиятин белгиласа, майин оҳанг, жим-жимасиз тасвир пчки моҳиятин билдиради. Жонибек ака фикримизча айнан шу услубиятда, шу моҳиятда қогозга қалам уриб келмоқда. Унинг «Зангори уфқ»

лар» (1978), «Қирралар» (1988), «Ота макон» (1991), «Газарру онлари» (1993), «Рўё» (1994) шеърӣ тўп-ламлари поғонама-поғона шеърӣ тадқиқотнинг давом эттирилганлиги, поғонама-поғона кўриб, билиб, мушоҳада қилинаётганлиги исботидир.

Деразадан кўринар кўзни
Алдагани бир бўлак осмон.
Ерда — майса, кўкда — юлдузни
Тўйиб кўрмас қавмга хосман.
(«Осмон» шеъри).

Мазкур тўрт сатрда кўз — бир бўлак осмон, ерда — майса; кўкда — юлдуз, тўйиб кўрмас қавм — хослик манзараларида шоирнинг нуқтан назари ботиний мулоҳазаси, тадқиқоти бўлса, бундан мустасно, шоир фарёди (бу ўринда мусиқавий муножот) кўздан ерга, кўкдан қавмга қараб отилади. Отилиш ўз муқоясасида фалсафий фикрни тортиб келади. Аммо Жонибек Субҳоннинг янги китоби «Силсила» (уни ўқимоқ шарафига муяссар бўлаясиз) тадрижий давомият эмас. У турли композицион изланишлар, шаклий тажрибалар маҳсули. Унда интуитив ифода, рамзий тасвир, импрессия истилоҳлари бор, лекин шоир истилоҳларни ва унинг мазмун-масофасини атайини ўзи севган оҳанг пардаларида ушлаб туради. Чунки синашта йўл, яъни шоирнинг маромига етган услуби шунини тақозо этади.

Янги китоб мавзу мундарижасининг кўлами ҳамда шоирнинг бутун ички дунёсининг даярлик барча ҳикоятлари берилгани билан эътиборлидир. Айниқса, ғазалиёт Жонибек ака «ижро»сида ўзгача тароват намоён этган.

Жонибек аканинг ғазалларида дунёнинг, замоннинг эврилишлари-ю ўйинларидан ҳайратда, ҳасратда куйлаб бораётган шоирни кўрасиз. Ва бу шоир — оқсоч тақдирнинг қадимдан-қадим йўлидан ўтиб бораётган ададсиз карвонлардан бири.

Ғамим юклогли карвон йўлга сиғмас,
Ва бу карвон оҳи ўнг-сўлга сиғмас.

Кўзи ёшлик, ёқа чоғлик, «ҳаммави оғушга олгучи» манзил ҳам тайинлик, аммо руҳда кишанга исён, дилда ҳаёт тегирмонига исён — «сиғмас». Одамзод ботинидаги бул тўфоннинг, бул сиғмасликнинг сирини нимада? Балки карвон йўлга чиққандан буён унинг дунёга бериб келадётган саволлари ҳамон жавобсиз қоладигандир.

Менга юз нозу фироқ-ла тутганинг
Гулмиди, пинҳон тигинг бу, билмадим.
Печалар маккор деганди сени хўб,
Раддинг ё тасдиғинг бу, билмадим.

Карвон тўхтаб, хуржунларидаги ғам юкларини бўшатади, дардининг шоҳона либосларини, аламларининг гулгун матоларини ёйиб кўрсатади:

Дуч келар йўлда тилдошлар,
Лекин бир дона дилдош йўқ.
Оломондек хаёл довдир,
Солувчи йўлга бир бош йўқ.

Алданишу хиёнатлар, вафосизлигу имонсизлик, мунофиқлигу кибру ҳасад, дилдузлигу дилкушлик — неки сир бор, ҳаммасини сазойи қилади, эвазига... Одам эса ўз сирини карвоннинг бу матоҳларига алишмайди — ошкор қилмайди. Яна алам зиёда, ғам зиёда. Руҳда яна исён, яна сиғмаслик.

Кўнгли очиқларга ёниқдир бу дунё қопқаси,
Ким мунофиқроқки, унга сирини фоти дунё экан.

Энди, ўз сирини фоти қилмаган, сирини сирга айирбош қилмаган олам ҳақида, унинг карвонини тақдирининг чувалган йўлларида не саргардонликларга солгани ҳақида қуйлашдан ўзга чора борми? Қуйининг, сўзнинг таъмига эса ҳаётнинг ўзи иқтибос:

Ҳаёт дер, зулму озорга
Этарман орзумавд ҳар дам.

Дог ўлгач қатма-қат бу дил
Калом бўлгайми қанд ҳар дам?

Эшитишдан олдин бир лаҳза тўхтавг. Жонибек ака газалларидаги дупёнинг сувратлари балки сизнинг кўзингизда ҳам шундай жилвалангандир, озурда руҳинг наволари кўнглингиздаги қўшиқлар ила ҳамоҳангдир. Зеро ҳаммамиз шу замоннинг фарзандларимиз, замон қандай ўйин кўрсатса биз ҳам шундай рақс қилдик, руҳимиз икки эмас, минг бир бўлакка бўлиниб яшаётирмиз. Ушбу бўлақларни қачон бир ерга йиғга оламиз, йиғишнинг имкони бормикан? Ҳақу ноҳақлик, нуру зулмат тортилаётган тарозунинг нур ва ҳақ оғир босган лаҳзасини кўрган бормикан, биз кўрармиканми? Яна савол, яна саволлар.: Қалбпнгизда чўкиб ётган ушбу саволларни қайта ҳаволантирадиган газаллар китобда аптагина. Юраги бедор инсон ўзига ўзи савол бера олади. Фақат дард чекканларнинггина руҳида ботиний бир исён яшайди. Лекин бу ярадор руҳга қаҳру газаб эмас, билъақе, ўзини яралаган дунёга, алдаган замонга меҳру муҳаббат қанот беради:

Мен замонда алданурман, алданур менда замон,
Мен руҳан ўзга кишимен, зоҳиран бошқа ҳамон.

Тақдиримдан очди фоллар, ким ўйин қилди уни,
Бошим узра чалди қарсак ўша тақдирбоз шомон.

Ё ҳаёт солгайми дилга телбалик исёнини,

Бирда Машраб, дорни қўмсар, гоҳ Насимийдек...
сомон...:

Менга мушкулдир баногоҳ тўрт мучам соғ бўлмағи,
Эй ҳаёт, сен! Эй жаҳон, сен! Ал-омон бўл, ал-омон!..

Китоб баднияти хусусидаги мулоҳазалар у нашр этилгач, янада кенгроқ чуқур таҳлиллар орқали бил-

дирилар. Биз эса, яна бир чекиниш қилсагу, яна муаллифга қайтсак:

1987 йил. Ҳазрат Навоийнинг «Ҳамса»си нашрга тайёрланаяпти. Қўрқув даври ўшанда. Қўрқув ҳам-мани томиригача шалдиратган. Ҳазратнинг китобларида катта-катта қисмлари «ғоя»га тўғри келмайди, деб қайчи кўтарганлар бор.

Жонибек ака китобга муҳаррир. Кўзлари шишага, босим кўтарилган. Миқ этмайди. Қарасак, йиглаб ўтирибди.

Биз у кишининг йиғисини ҳали ҳеч кимга айтганимиз йўқ. Бу кун жазм этдик, чунки Жонибек аканинг кўзи нури томган ўнлаб алломаларимизнинг асарлари, қайчиланмай ўзбекнинг қўлига бориб етган. Кўплаб ҳозирги шоиру фозилларимиз, ёзувчиларимиз китоблари Жонибек ака томонидан тартиб берилган. Зеро, йиглолган одамгина мурувват қилишга қодир, йиглолган одамгина ҳақга яқин.

1988 йил...

Ҳикоя қилавераёликми? Унда биз у кишини ўнлаб қоғозларда ҳам айтиб тугатолмаймиз. Лўндаси: Жонибек Субҳон гўзал шоир, зукко, мурувватли муҳаррир, ҳалол, инжа дилли инсон. Мана шу таъриф фақат у кишигагина хос. Яна юз йил ўтар, сирлар қарвони уфқларга чўкиб кетаверар, лекин ўшанда ҳам, юз йил, минг йил кейин ҳам Жонибек акага ўхшаган шоирлар, одамлар дунёга керак бўлаверади. Улар тарозининг бир палласини босиб, зулматнинг тоши оғир келишида бугунни, эртани, индинни ҳимоя қилаверадилар, ва ҳамisha ҳаммамизга тасалли бериб айтаверадилар:

Минг йил аввалгидай очилади гул,
Минг йил аввалгидай яшамоқ ширин!

*Абдували Қутбиддин
Азия Саид*

I. Шеърлар

ЎЗЛИГИН ТОПГАН ВАТАН

Одатий қутлуғ кунлар сирасида — янгилик,
Ватаним, истиқлолинг бир бахтки, қувонгулик!
Туғронгда — ўзлик, туғинг — нилий рангда ёнгулик,
Тилагим — истиқлолинг умри бўлсин мангулик!

Бу бахтинг кўролмаган кўзлар учун мил раво,
Бугунинг шарҳламоққа шоирона тил раво,
Севмоқ учун сени — пок. ғубори йўқ дил раво,
Бағишлай керак бўлса сенга неча йил раво!

Шукрки, Ватанимнинг ўзлиги топди қарор,
Бўлди илк одимдан истиқлол шукуҳи ёр,
Сенга Торобийдан то Темур бобо руҳи ёр,
Жалолиддиндан қайтди бугунги авлодга ор.

Ўтди-я Ватан ичра ватансизлик замони,
Кесилди «Ватан» деган чўлпонларнинг забони,
Қайда қолди бир қисим тупроққа зор Усмони,
Охир ўзбекка насиб этди Ўзбекистони!

Заминида заминсиз ўзбек эдэк бир пайтлар,
Миллат эмас, биз эдик нишонда турган сайдлар,
Хатто хаёлимизни чеклади ниқоб — қайдлар,
Шундан арзир бу кунга айтсам шукрона байтлар.

Куйлай дедим юртимнинг чин озодлиги ҳаққи,
Халқим эркин нафасдан сархуш, шодлиги ҳаққи!
Эрк деган асрий орзу-ўй кушодлиги ҳаққи,
Қалбларга Ватан меҳри уйғув, ёдлиги ҳаққи!

Ўзбекистон — кўзимнинг эъзозли гавҳараги,
Сен башарий удумлар шарқининг соф юраги,
Сен минг йиллар от қўйиб келган эркиннинг дараги,
Сен ҳаётим боиси, умидларим тираги!

Гарчи дунё кенг, унда неча гўзал бўстон бор,
Аслида Ватанини севганларда иймон бор.
Башарти Жонибекда бўлганда мингта жон бор —
Барибир унга битта қутлуғ Ўзбекистон бор!

1993

ТУРКИСТОН

Юз ўттиз йил нафас олдинг ёлгондай,
Йўлингни ҳам тарихдан чап солгондай,
Мум тишладинг, оғзинг тўла талқондай,
Йўлдан уриб бир сариқ жин, Туркистон!

Замон экан, дилимиз-ла диллашдик,
Ўзларни ўз демай, ётдай хиллашдик,
Ёзуғ шу деб, ёвлар билан тиллашдик,
Гарчи дилда тирикдир чин Туркистон!

Ёвлашдик-ей, гўё беклик, хонликлар,
Халқ бўлмадик, биз шунчаки жонликлар,
Айшин сурди бунда қўли қонликлар,
Сочиб мудом адоват, кин, Туркистон!

Хаёлимга зилзилами солгон сен?
Аъмолимга силсилами солгон сен?

Қамолимга гулгулами солгон сен?
Қашф этилган янги очун, Туркистон?

Неки ёзсам, бу дилимнинг ҳолати,
Қимлар деди, бизни йўлда толади,
Шарқ даврадан лойиқ ўрнин олади!
Сенга қайтди иймон ва дин, Туркистон!

Осиёнинг юрагида ҳайқирик:
Туркий дунё, вақти келди, ақлинг йиғ!
Бир-бирингга қўлинг узат, сафга чиқ!
Сафингни қил пўлат-метни, Туркистон!

1992

ВАТАН

Савол, жавобинг билан,
Увол, савобинг билан,
Ғазаб, азобинг билан,
Тавба, тавобинг билан
Меникисан, эй Ватан!

Хоҳ қишли, хоҳ баҳорли,
Хоҳ чангли, хоҳ оҳорли,
Хоҳ болли, хоҳ заҳарли,
Хоҳ меҳр, хоҳ қаҳрли —
Меникисан, эй Ватан!

Замининг — қонинг ила,
Халқинг — виждонинг ила,
Покинг — иймонинг ила,
Орзу, армонинг ила —
Меникисан, эй Ватан!

Борлиғи — ҳадсиз имкон,
Бағри — қуёшга макон,

Ери — «очил дастурхон»,
Фидойи — Ўзбекистон —
Меникисан, эй Ватан!

Етмиш йилги қон ранглиғ,
Хотира каби занглиғ,
Оталар қабри явглиғ,
Оналар сабри янглиғ —
Меникисан, эй Ватан!

Дунёдай бедор қалбим,
Бедодликка тор қалбим,
Чин меҳрга зор қалбим,
Вафо барқарор қалбим —
Сеники фақат, Ватан!

1993

ХАЛҚ

Дарёси бор халқнинг қалби дарёдир,
Дарё халқ дарёдай тошар бир майдон.
Кимки ўз дарёсин қуритаётир,
Демак, уни йўлдан оздирган шайтон.

Тарих қайси халқни чақалоқ чоғи
Шўнғитиб ўстирса ўз денгизига,
Бошига тушганча денгиз фироғи,
Аvlo уни тирик кўмсанг тузига.

Ҳар халқнинг кўксини кўтарар тоғи,
Ўз тоғидан виқор юқар руҳига.
Тоғин кемирганнинг қурир булоғи,
Қомати дош бермай замон юкига.

Ҳар халқнинг бор томир отган тупроғи,
Тупроқ хислатидан атвори-феъли.
Ерни заҳарласа юраклар доғи,
Сўнгра юва олмас кўз ёшлар сели.

Халқининг дардини куйлар шоирлар,
Шоирдир юртининг бедор юраги.
Қаердаки шоир бошини ерлар,
Кесилар шу элнинг ишонч тираги.

1990

ИСТИҚЛОЛ ҚАСИДАСИ

Билармиз, тарихда кўп шоҳлар ўтган,
Биз узра кўп русум ва роҳлар ўтган,
Рухлардан ҳайқириқ ва оҳлар ўтган,
Бироқ бутунимиз — янги афсона,
Эртамиз — биз қураб нурли кошона!

Етди дово халқим охир ҳақликка,
Бошидан соясин йиғди таҳлика,
Ўзбек ҳам ўхшади тожу тахтликка.
Мен ҳам шоир бўлиб: «Мен!» — дейин энди!
Битганим — виждонга тенг, дейин энди!

Тарихбобо билар, кеча ким эдик?
Ёвқур саркардаю мунажжим эдик,
Ўта камтарликдан лекин жим эдик...
Йўлдан уриб сариқ шайтони ражим,
Ўтар сояларга айладиқ таъзим...

Бугун — Ўзбекистон, ўзбек — росмана,
Эрки — узугига кўздек росмана,
Тили — Навойча сўздек росмана,
Бизга ҳам кулгани замон келди-я!
Кўп кулганлар ранги сомон бўлди-я!

Ниҳоят ўзбегим топди ўзлигин,
Қизлар — унут бўлган қора кўзлигин,
Йигитлар — ўзидан кетган бўзлигин.
Ватаним чиндан-да қайтди аслига,
Ўзининг ўзлиги ўсар фаслига!

Қаро ўтмиш бўлди чекилган оҳлар,
Қўлдан кишан кетди, йўлдан — тузоқлар,
Истиқлол йўлига тикдик нигоҳлар,
Томири уйишган қўллар, ал-омон!
Эрк йўлига йўллар оллоҳу киймон!

Турон, деб ҳайқирар замона келди,
Уйғонмоқ гали биз томона келди,
Учган ўқлар қайтиб камона келди,
Унга рағбат тилар қўллар қўлиман,
Уни эзгу ишга йўллар йўли — ман!

Рухий кнпапларинг пароканда қил,
Ўзбегим, ҳурман деб ҳайқир, ханда қил!
Тутқун эдим деган ўйинг канда қил!
Ўзинг Алпомиш бил ақалли бугун,
Кўнглингда қолмасин армонли тугун!

Чироқ ёқса лойиқ мазори кўп халқ,
Меҳр бериб чеккан азори кўп халқ,
Гулининг хоридан оҳори кўп халқ —
Қутлуг Ўзбекистон сенга суянгай,
Ҳар азиз чирогинг уни деб ёнгай!

Бўлилма, дема «сен — ўғиз ё қипчоқ»,
Уруғ суриш сени сўяр бепчоқ.
То ўзбек бўлмагай «бир қўр, бир ўчоқ»,
Умид манзилига етмайди минбадъ,
Йўллни тўсади минг фитна, ҳасад.

Боболар бош тикиб истиқлол, деган,
Момолар ёш тўкиб, истиқлол, деган,
Дилга умид экиб, истиқлол, деган
Асрлар эмасдир кўмилган видо,
Турон тонган эрур ундан ибтидо!

Қайсики томирда оқар туркий қон,
Кимгаки азиздир бу замин, замон,
Магар дили йўллар ўзлиги томон —
Саждага бош қўйса истиқлол, десин!
Ниҳолга ер ўйса истиқлол, десин!

Турондир, Туркистон — юракка туташ,
Уни қуритодмас каллак ё буташ,
Бироқ қайлардадир ҳамон ҳире — юташ
Ўзбекнинг эркини олмоқни ўйлар,
Ризқига чапгалини солмоқни ўйлар!

Қураш қийнар бўлса ўқинмагаймиз,
Ҳеч кимнинг шайига тегинмагаймиз,
Сўнгги нафасгача чекинмагаймиз!
Истиқлол — бу бизнинг ҳаёт йўлимиз,
Бу бизнинг халоскор, нажот йўлимиз!

Ким бизни «кечаги» дея олади?
Ким мудраб, кечаги кунда қолади?
Қалблар — уйғондим, деб сурон солади!
Руҳим татиб ҳурлик нашидасини,
Битдим истиқлолнинг қасидасини!

1993

ОСМОН

Деразадан кўринар кўзни
Алдагани бир бўлак осмон.

Ерда — майса, күкда — юлдузни
Тўйиб кўрмас қавыга хосман.

Мени қуршаб турган самода
Ғуборлардан иборат бир ранг.
Кўзим тиксам унга мабода
Гуё қонлар нигоҳимни занг.

Юлдузларга боққани тўйиб,
Кашф этгани мовий самони,
Кетиш керак шаҳарни қўйиб,
Болаликка, шудир ёмони!

Юлдузлари қўлинг етгудай
Болаликнинг осмони қайда?
Кўзларингни тиндирмоққа шай
Мовий само куларми қайта?

Соф майсалар, беғубор само
Болаликнинг маҳри эдими?
Кеч бўлса-да англадик аммо:
Барип замон қаҳри едими?

У мовийлик ва у кенгликлар
Энди сизмас юракка, нетай.
Орзуларим ув тортиб йиғлар,
Мен нечоғлик демайин кетай.

Танамнинг ҳар бўғинида бод —
Булар дастхат бетон девордан.
Улар ўчмас энди умрбод,
Тирик чиқмоқ қийин бу гордан.

Юлдузларни кўролмай ғашман,
Уйлар — қилдч занглатар қиндир.

Деразамдан кўринган осмон
Менга юпанч, менга таскиндир.

1993

ШУКРОНА

Мирзачўлда чироқ ёнган уйим бордир,
Юрдошларим юрагида куйим бордир,
Йўқлаб борсам, қучоқ очар тўйим бордир,
Печун демай шукронамни бу ҳаётга?!

Биламанки, чим босмайди юрган йўлим,
Одамларнинг дуосида бўлди қўлим,
Мен ўтсам ҳам кўнгила боғим яшнар сўлим,
Деғулигим бордир десам зурриётга!

Ўзимни деб асрамадим асабимни,
Ичга ютдим, ҳеч сочмадим газабимни,
Бирон марта мен ўз наслу насабимни
Қўйганим йўқ заррача ҳам ранж, уётга.

Гарчи бошим силамаган менинг гардун,
Не тўзонлар аямади кўздап гардин,
Юрагимга йига-йига йиллар дардин,
Ўз аравам тортавердим ўхшаб отга...

Умр тори бирда таранг, бирда салқи,
Шодлик билан ғамлар туташи — ҳалқа-ҳалқа,
Мен ҳам замиң, замон каби қалқа-қалқа
Дуч келарман бир кун бешак пулсиротга.

Азал шундай дунёни дун деганлари,
Доно қолиб, водонларда жуганлари,
Уқувлилар бўйицадир кўганлари,
Шокир бўлгин шундай ҳамки илтифотга!

Замонимдан — не яхшилик ҳулқимдадир,
Дард — нигоҳда, бахтим бўлса кулқимдадир,
Одамларсиз — дунё чучмал ва нимтатир,
Қўшиқларим айланади оҳ-фарёдга.

Мен ўзимнинг нигоҳимга юмилганман,
Дунёдаги илк оҳимга чўмилганман,
Шеър тўшалган чин роҳимга кўмилганман,
Дуо бирлан ўтар кимки олса ёдга!

1993

БИР КУН

Нечоглик оқилман, печоглик авом,
Вақти келиб тугар ҳаётга даъвом.
Бироқ ўзга танда этарман давом,
Гарчи тугаб битгай имконлар манда!

Одамки тугилган, ўлиши бўлгай,
Ғаму шодликлардан улуши бўлгай,
Гуллашнинг бир куни сўлиши бўлгай,
Бир қабр буюргай, битта гўшанга...

Бир кун бошимда най чалар шамоллар,
Шохларин афсусдан чайқайди толлар,
Соч ёйиб, оҳ урар соҳибжамоллар —
Бироқ тоша олмас мени ўшанда.

Изларим йўллардан излаб толар ким,
Ҳали хотирамни сизлаб қолар ким,
Ғамдан узр сўраб, тизлаб олар ким,
Орзу-хаёллари толиб кишанда.

Баҳор юм-юм йиғлар сенинг помивгдан,
Қизғалдоқлар қаҳ-қаҳ урар томивгдан,

Файз ўчиб кутилган субҳи помингдан,
Руҳини маъюслик қилмайди канда.

Дунё татимайди сўнган чоғ руҳинг,
Қулогимга етмас оҳу андуҳинг,
Кўз ёш тўфонда мен бўлиб Нуҳинг
Қайиқ билан ҳозир бўлмасман анда.

Кимдир ўтиб борар армони билан,
Кимдир йўлдан тояр сарбони билан,
Кимдир ўлчар умрин кармони билан...
Ахир баримиз хом сут эмган банда.

Очиқ ҳолда кўрмас дунёни кўзинг,
Бировнинг овози туюлар сўзинг,
Ерга омонатдай ҳис қилиб ўзинг,
Дунё сузиб борар гўё туманда.

Ул дам кел дегувчи савр бўлмагай,
Ёшингдан ёш тўкар абр бўлмагай,
Булар кўз юмганга жабр бўлмагай —
Мендан садо бўлмас, оҳ бўлмас сапда.

Бирда суврат, бирда китоб бўлиб ман,
Бирда рағбат, бирда хитоб бўлиб ман.
Сендан сўрагайман: «Наҳот ўлибман?!»
Чироғим ёнаркан токи гўшангда!..

1993

ҚИЗ НИГОҲИ

Тушди бир қиз нигоҳи.
Ул парими, дил шоҳи?
Қўрдим-у юрагимдан
Ўт бўлиб чиқар оҳим.

Бегонам, ўзмисан?
Гапир, ширинсўзми сан?
Мунча истаранг иссиқ,
Узугимга кўзмисан?

Келгил, жонона, келгил,
Бўлай парвона, келгил.
Ўзинг ётликка солмай,
Қилмай баҳона, келгил.

Қизга ҳаё ярашар,
Ҳаёлига қарашар.
Юзинг тўсган сочингни
Нигоҳ билан тарашар.

Кел, эй, шинҳона келгил,
Менга ягона, келгил.
Мени гадоийинг қилиб,
Бир бор шоҳона келгил!

Нигоҳи адо қилди,
Васлига гадо қилди.
Уни дуч қилиб менга,
Не қилса худо қилди.

1993

ТОПАРМАН

Балким бир кун топарман
Юмалаб-юмалаб толемни.
Қиларсан бир кун армон,
Сўрамадинг ҳолимни.

Нима дердим, имконим
Чамалаб-чамалаб кўрармэн. •

Еир кун, қандайсан, жоним,
Дея ҳолинг сўрарман.

Ўша пайтлар жамолинг
Бозори ўтган бўлар.
Татиб ҳижрон шамолин
Чеҳранг гул каби сўлар...

Икки юзинг куйдирар
Юмалаб-юмалаб аччиқ ёш.
Сени тирик сўйдирар
Кибр деган бағри тош.

1993

РАҚҚОСА

Чалинганда «Тановар»,
Бўлиб кетарсан лобар.
Сен рақсга тушганда
Даврада йўқ баробар.

Шайдо бўлдим рақсингга,
Дилим — кўзгу аксингга.
Ўзингга хос санъатинг
Сазовордир таҳсинга.

Даврада гир-гир айлап,
Ташна дилларга жойлап.
Ошиқ шоир нигоҳи
Иплари билан бойлап!

Сенга ҳамма ҳавасда,
Бўлди, кўз тегар, бас-да!
Ўйнайверма бешарво —
Менинг жонимга қасдда.

Рақсда бор қалбинг зоҳир,
Оҳ, менга бўлди оғир:
Сен унда-ю, кўксимда
Юрагим ўйнар ахир!

Ўйна, шўх парвона бўл,
Даврада фарзона бўл!
Сендан ёлғиз илтимос —
Либоси шарқона бўл!

Кийиб ҳарир либослар
Токи қиз қаддин ростлар,
Унга топа олмаган
Шоирлар ҳам қиёслар.

Товусдай товлан, дейман,
Оҳудай овлан, дейман.
Шарқона назокат-ла
Айдагил жавлон, дейман.

1993

УМР

Умр — бир чашмадир,
Қушдан тортиб то
Ҳар туп майса, гиёҳ,
Ҳар туп ниҳолнинг
Илдизига сурур айлаган ато!

Умр — карашмадир,
Илоҳий садо,
У инсоний бўлмиш
Юксак хаёлнинг
Моддий қиёфаси азал-ибтидо.

Умр — қарашмидир
Еки илтижо
Нурафшон тахтига
Бахту иқболнинг
Ки ундан ҳаққимни бер деган видо?

Умр — курашмидир,
Ё иттифоқо?
Сермашаққат йўли
Еки камолнинг?
У педир, қанчадир — бергандир худо!

1993

АЗОН

Ҳар наҳор ёйилгани чоғда азон,
Бил, кирар гофил жаҳон тавига жон.
Бу садодан ким оёққа қалқимас,
У ҳаёт боғида бир барғихазон.

Ул садоким чашма, руҳинг пок этар,
Нардасин зудматни нурдай чок этар,
Бир умид айлар мусаффо борлигинг,
Уйларингни беҳудуд афлок этар.

Неча пайт бу эл азонга ёт эди,
Дилдаги тангри уйи барбод эди,
Элни уйготган саҳар, шом чоғлари
Бу табаррук сас эмас, фарёд эди.

Дўнди чин барғихазонликка замон,
Тангри топмай бандасидан ал-омон,
Айлагин огоҳки, ўтди деб бари,
Уйготиб юр бор гофилларни, азон!

1993

АЛЛА

Умрин айлантирар она қўшиққа:
Ой туморинг бўлсин, аллаё, алла!
Жажжи оёқларни тангир бешикка:
Йўл хуморинг бўлсин, аллаё, алла!

Умринг узоқ бўлсин, дўмбоғим, алла,
Пойингда тоғларнинг тоши қум бўлсин.
Йўлинг гулга тўлсин, дўмбоғим, алла,
Мардлигинг тилларда тарапнум бўлсин.

Гўдакликда меъданг сутларга тўйсин,
Ниятинг оқ бўлсин, аллаё, алла.
Кўзларинг меҳрга, ўтларга тўйсин,
Нигоҳинг пок бўлсин, аллаё, алла.

Ўз эли меҳрига тўймаган каснинг
Ўзгалар элига тушармиш ишқи.
Ўз ери меҳрини тўймаган настинг
Бўлмайди табаррук остона, кўшқи.

Гўдак, оёқчангни эҳтиётлаб бос,
Бу тупроқ бир пайтки гадодир, шоҳдир.
Замин садоларин айлай бил пайқос,
У бир пайтки алла ёйинки оҳдир...

Кўнглингда умидинг, юарга роҳинг,
Борарга манзилинг бор бўлсин, алла.
Дунёни англаб бўлсин нигоҳинг,
Ниятинг умрингга ёр бўлсин, алла!
...Умрин айлантирар она қўшиққа:..

!

1992

УМР ЙҮЛИ

Унутиб ўзининг илк ингасини,
Йиғлаб, қува бошлар гўдак умрини.
Қуритади узун тун тинкасини,
Ундан қувмагунча токи кўмирни.

Дунёни оқ кўрай, кўрай деб нурли,
Ўзини топширар ёғду маҳрига.
Бундан ўз умрини қилиб сурурли,
Шўнғиди шодлигу ғамлар наҳрига.

Йилни қува-қува инсон шу зайл,
Нигоҳини олис уфқларга қадаб,
Йўлларга қанча кўп бўлса-да майл.
Қўзларини бир кун қоплайди садаф.

Биринчи мартами ёки сўнгги бор
У погоҳ йўқотиб қўяр ҳассасин.
Атрофни пайпаслаб чиқар умидвор,
Қийинмас ҳис қилмоқ унинг ғуссасин..»

Унга ким ҳассадай йўл кўрсатади,
Ким таянч бўлади қадди долига?
Ҳассалилик ажиб бир фурсат эди,
Епишгандай хивчин тулпор ёлига.

Ўғли бир қўлидан етакласа-да,
Ҳассани қўймасди иккинчи қўли.
Чунки чиқар эди кўксидан нидо:
«Кимки кўрмас, йўқдир ўзининг йўли!..»

1992

ЭРТАКДАГИ ДУЛДУЛЛАР

Дулдулимиз эртакдаги таблаларда депсинар,
Қиличпмиз қияи — тушдан чиқмай туриб кўп синар.

Бутунларин қайраб руҳга, тозалайлик запгидап,
Тарихимиз пок қилайлик бўҳтонларнинг чапгидап.

Биздан ўтмиш паноҳ топмай кийди жамп совутни,
Қайдан топсак дубулгалар ясатгани Довудни?

Қайдан олсак орзумизга сарбадорлар шаҳдини?
Озод кўрмай элни, дорга бошни тикиш аҳдини?

Кейинги пайт биз ўз-ўздап ганим излаб банд эдик,
Тарчи бундан ҳатто тарих кечиролмас панд едик,

Неча замон бўйин эгиб ётлар берган тақдирга,
Аждодларнинг пок руҳини маҳкум этдик таҳқирга.

Бивқур аждод удумидап бир-бир тоғиб келдик биз,
Кунлик тапвиш, майда гаплар йўригида елдик биз...

Қўрқаманки, хивчин отни чуҳлаб умр ўтмаса,
Хивчин отлар ўзимизга косов бўлиб кетмаса.

Бизнинг умид ниҳллари етармикин камолга,
Чиллалардан омон ўтиб, етармикин ҳамалга?

Эвоҳ, бизнинг руҳимизни бўғар кишан ва гуллар,
Эртакларда ўтлаб юрар биз ўйлаган дулдуллар...

1990

ОЛАМ СИРИ

Бу олам асли сир узра қурилган,
Териб сир узра ғишт, ҳужра қурилган.

Эшигин ҳужранинг ланг очганинг он
Бўлар бир ичкари ҳужра намоён.

Ки унинг-да эшигин очганинг дам
Қошида ўзгасян бошинг бўлур ҳам.:

Бу олам шу қабилда жумла сирдур,
Бу сир занжирига одам асирдур.

Бу олам мулкига сирлар эрур шоҳ,
Одам — сирлар аро изғувчи гумроҳ.

Ҳаётнинг бешакл сир дегани кўп,
Одам — сир базми ичра сарсари тўп.

Вужудинг битта сирдан битта сирга
Отурсен бош уриб олатасирга.

Гўё сир даштининг саргаштасисен,
Азал жумбоқларин сўнмас сасисен.

Биридан қатра маъни уққанинг зум,
Қилурсен янгися сўқмоғини гум.

Бири кашфинг бўлиб, ўзгаси — мубҳам,
Қолурсен айланиб сирга ўзинг ҳам.

Кўриб ўзинг ўзинг англарда мушкул,
Қилиб ўз хоҳишингга ўзлигинг қул, —

Бўлб дунё ичинда сирли дунё,
Қолурсен лол билолмай кунми, тун ё.

Ҳаёт каштаси шундай серчизиқдур,
У сирга гарқлиги бирла қизикдур.

Синар сир бирла гар одамни олам,
Шу сирдан ахтарар оламни одам!

1992

ВАТАНГАДО

Ўзи истаб, бўлгач ватанга гадо,
Бу истаги охир айлади адо:

Чоптириб ташлади икки оёғин,
Не керак босмаса Ватан тупроғин...

Термагач она-ер гулларини у,
Қирқтирди нотавон қўлларини у.

Ўйдириб ташлади охир кўзларни,
Кўрмагач теграда азиз ўзларни...

Кестирди ниҳоят бийрон тилини,
Ҳеч кимга айтмагач дарди дилини.

Эшита олмагач бирон таниш сас,
Қўргошин қуйдирди қулоқларга, бас.

Кўтара олмагач Ватан фироғин,
Итларга ташлатди ёлғиз юрагин...

...Шундай қилмаса-да аслида, зотан
Шу кўйга тушади шаксиз беватав...

1989

ДЕҲҚОН ЖАЛИЛ ҲАКИМОВ ФАЛСАФАСИ

Ҳар ким чопонини ўз кифти билан қияди,
Бола-чақасини ўз қалби билан суяди.

Чайнаганин ютади ўз жигилдони билан,
Дунёга берар баҳо ҳар ким виждони билан.

Қадами етганича босар дунё йўлларин,
Қучоққа олар уфқни ёзганича қўлларин.

Юртини юрак тафти етганича суяди,
Шу суюши боис ҳам умри бўйи куяди...

Нигоҳлари заминдан башарга ризқ излайди,
У сувга сиғинади, у ёмғирни сизлайди.

Оҳиста очар кўнглин сирдоши шаббодага,
Бедана қовоқларин осганида ходага...

Куртакка кўмиб асрар одамларга меҳрини,
Моддий этар пояда у қуёшнинг сеҳрини.

Кулиб қўяр мийиғда кулса гиёҳида гул,
Ҳар йил бир етилади ҳосил етилганда ул.

Ўзун тунлар тутайи дер юлдузлар жилвасини,
Сўрида ётиб тинглар қадим замин сасини.

1991



Дўстим, сени гоҳо йўқлаб келаман,
Чорлайди ёшликнинг қадрдон саси.
Сен баҳона, қишлоқ сари еламан,
Юзимга урилар қирлар нафаси.

Дўстим, гоҳ ёлгондан дўқлаб келаман,
Уйдирма айбларни бўйнингга қўйиб.
Кўнглингга олмайсан, буни биламан,
Ёлгондан дўқлайсан қовоғинг уйиб.

Гиналар милтигин ўқлаб келаман,
Дўстдап гина қилмай кимдан қилайин.
Сенга айтилажак дардга тўламан,
Сенсиз юрагимни бўшатиш қийин...

Дўстим, севдан кўнгил тўқлаб келаман,
Ҳислар софлигига болалик кафил.
Биз суянган дўстлик — улғайган эман,
Камол топиб борар ўтган сайин йил.

1977

ЭРТАҚДАН СЎНГ

Эртақларга ишониш ёшидан ўтсак ҳамки,
Бизга мослаб эртақлар тўқишди устамонлар.
Кўрдик — баковул бўри, ясовул тулки жамки,
Қақимчи, чақимчига таъзим қилди замонлар.

Рухимизга сийнасин тутган буюк гоялар
Усти ошпоғу бироқ таги шундай қон экан.
Пайгамбарлик даъвосин қилганлар-ку, соялар,
Бизнинг қўлтиқларга сув пурикан — ёлгон экан.

Уйдирмалар йўргакка олишди чақалоқни,
Гарчи гўдаклар умри уйдирмалардан қисқа.
Бир чизиқ тортини билан йўққа чиқариб оқини,
Кўчариб юрдик галпиз қораламадан нусха.

Фақат болалар учун тўқилмаскан эртақлар,
Биз эканмиз дунёнинг сочи оқ болалари.
Вақти келиб гашингга тегаркан бу эрмақлар,
Аён бўлиб қолганда эртақнинг чалалари

Одамлар хаёлига гоҳо солгувчи губор
Эртақлар жозибаси дунёни чалғитса гар,
Ора киролмай қолар бу кун яратган кибор,
Аслида шу киборлар қавми — дунёга хатар!

Эртақлар руҳи шунча сингиб кетишти қонга,
Бир масхарабоз каби туюлади ҳақиқат.
Немалар ўрғапишти фақат оқим томонга,
Қарини сузишига ожиз қолдик сўнгги дақиқа.

Аҳён-аҳён кўкрагин чапгаллаб қолади жим
Одамлари сингари минг дардга дучор асрим.
Ўйламанг, дунёни жар бўйига етаклар ким —
Уни барбод этажак шу галамислар касри.

Электрон миялар ҳам ниҳоят ҳориққандай
Бошу сўнги тахминий ҳисоб карраларидан.
Бугун умид қилармиз ҳавога зориққандай —
Ирсий ҳужайрамизнинг поклик зарраларидан

1988

* * *

Гоҳ танамга синмай қоламап ўзим,
Менга торлик қилар гўё бу олам.

Ўзимдан юлқивар ихтиёр-изм,
Илтоқлавийб турса қаршимда одам.

Нафратимга торлик қилади кўзим,
Сохталик жойлашса кўз-қароғларга:
Насиб этса ҳалол одам нон-тузи
Лошга ташлашмоққа шайдек зоғларга.

Тилимга сизмасдан қотади сўзим,
Ожиз кўксин эвса ноҳақлик тоши.
Ҳаёт, юракларга ато эт тўзим,
Тошларини енгмоққ етсин бардоши.

Табассумни қувар бехосдан юзим,
Афтларда кўрган чоғ кибр тўрини.
Келгандай туюлар заҳилранг кузим,
Вужудим йўқотиб қўяр қўрини.

Ўлчовли эмасман мисоли назм —
Менга зиддир сизгим қонуният
Ҳаёт дер: «Ўзингга сизмай юр, қўзим!
Нисовдан юксакда яшар пияти!»

1984

ЧОРЛОВ

Эгарланг аргумоқ хаёлларини, ҳей!
Хотирот йўлларини бир қур чангитивг.
Кузатишга чорланг саволларини, ҳей!
Йўлларини суронга бир қур танг этивг.

Қанот чиқишини кутмай куртақдан,
Хивчин аргумоқлар чиқсин табладан.
Юлқинийб чиқишсин ёшлик — эртақдан,
Пойгага уларни соғинч тоблаган.

Бу йўл — бизнинг ўша Ипак йўлимиз,
У бизсиз ҳувиллаб, унут бўлади.

У бизнинг чопқиллаб ўтган йилимиз,
Бизсиз у яшолмас, тирик ўлади.

Эгарланг тез хивчин аргумоқларни,
Умри қантариқда ўтмасин зое.
Кўзлашар биз етмас манзилгоҳларни —
Улар биздан кўра анча фидойи.

Бизни бир зум йўлга болалик бошлар,
Жавоб беринг унинг сўроқларига.
Қулар юракларда қаланган тошлар,
Ёғду қўнсин кўзлар қароқларига.

Келинг сўзларимни олмай ҳазилга,
Йиллар оша хивчин отлар сурайлик.
Умримиз қувилган сирли манзилга
Хаёлда ҳамки гоҳ бориб турайлик

1984

* * *

Одамлардан қочиб яшар бахт,
Қувиб яшар одамни қайғу.
Ҳаммасини янчиб яшар вақт,
Эмиш дунё таомили шу.

Муҳаббатни букиб яшар рашк,
Оқибатни манфаат эзар.
Кўз ёғдусин ўчиради ашк,
Чаманзорни қарғалар безар.

Ҳақиқатнинг кўзин ўйгани
Фисқу фитна яшар иттифоқ.

Иқтидорни қўйдаи сўйгани
Пичоқ қайраб яшайди пиҶоқ

Ҳаёт барча қувончу ғамни
Ҷойлаб олган гурзи муштира.
Пақ бошидан урар одамни —
Зарби етгай етти муштира.

Ким дупёни билмай ўтар ҳеч,
Кимнинг басдир ўтса ризқ-рўзи.
Кимнинг кўзи очилади кеч,
Керакмас чоқ ўзига ўзи.

1988

ШАВКАТНИНГ БУВИСИ

«Малик» давлат хўжалигида тугилиб ўсган Шавкат ҳарбий хизматиининг тўққизинчи ойида Афғонистонда мардларча ҳалок бўлди. Унинг бувииси хўжаликка келган хонанда Ортиқ Отажоновдан Шавкатнинг ота-онаси учун бир жуфт кўшиқ айтиб беришни илтимос қилди.

(Ойнаин жаҳондаги кўрсатувдам)

Форишдан келиб чўл қувган онахон
Концертда илтимос айлади бир кун:
«— Бир жуфт кўшиқ айтиб беринг, Ортиқжон,
Шавкатнинг ота ва онаси учун!..»

Сукуват тишига босди лаҳзани,
Оналар, келилар, қизлар боқар лол.
Буюк мусибатнинг чақиб мағзини,
Хонанда юзида аке этди савол:

«— Урушга қариндош бало ҳам қазо
Туфайли ўлпмга кўнган бувижон,

Наҳот бир жуфт қўшиқ қилолса ризо,
Наҳот неварангиз шунчалик арзон?!

Сиз қўшиқ айтишим сўраётган чоқ
Ахир бўғзингизга тикилди нафас.
Гарчи ўлимзада юракда титроқ,
Қўшиққа ташналик барибир сўнмас...

Дунё ўрни эмас қасоснинг — кекнинг,
Пайтимас гинани ташласанг қалаб.
Эй содда бувиси Шавкат — ўзбекнинг,
Таскин учун қўшиқ қиласиз талаб...»

Ҳа, осонмас сизга. бувижон, ахир
Жудолик дардига ҳали малҳам йўқ.
Қайтара олмайди ҳеч қандай сеҳр,
Фарзандлар кўксини кўзлар экан ўқ.

Кўзларингиз айтар: «— Мен асли йўқман,
Мен ҳам Шавкат билан бирга кўмилдим.
Юрагим тешилган ўша бир ўқдан,
Кўзларим қонимга қониб чўмилди...»

Шавкатни ўйласам, кўпларга таниш
Майзара қалқийди кўз ўнгимда бот:
Темир тобут келди неча ёзу қиш
Умидлар қалъасин қилганча барбод.

Буюк муртадларнинг райига қарам
Ўғлонлар йўл олди афғонга қараб.
Йигит ўлса агар қилмасди алам
Ватаннинг бирон-бир корига яраб.

Афсуслар чекамиз кеч англаб доим
Ҳақиқат оғзиде талқонлигини.

Кўриб туришти-ку барин худойим —
Афгонга ким қандай «қалқон»лигини..

Ўлим ҳам ғафлатдан уйғотмас бизни,
Кўзимиз ҳамиша очилгандир кеч.
Тинглашни билмадик юрагимизни,
Ақлимиз кирмади-кирмади-да ҳеч.

Содда ўзбеклигин қўймайди кўнгил,
Тўпорялик бизни ҳеч қилмас канда.
Ўлим очолмаган дил кўзини, кел,
Зеро қўшиқ очса, куйла, хонанда!

1988

НАВОЙИГА ОЧИҚ ХАТ

Бизни маъзур тутасиз бобо,
Феълимизнинг торлиги учун.
Мукамалдан излашдай хато
Одатимиз борлиги учун.

Майдалашиб кетгандай бўлдик,
Ёки пишиб кетганмиз ичдан.
Эҳтиёткор қайчилар қилдик
Сизнинг замон тутган қиличдан.

Ажабланиб, деманг «Алҳазар!»
Қайчиланиб ташланса «Хамса».
Биз ҳайратга тушмагандай, гар
Экран тугса янги бир Ҳамза.

Кўзгар улуг боболар номи
Кимнинг эски тутқаноғини.
Улар кўрар ўтмишдан шому
Қилич сермаб ўтган ёғийни..:

Бизнинг қалам аҳли аро ҳам
Таомилда юмалоқ хатлар.
Бўлган, яшар, дейдилар, ҳар дам
Имонфуруш, қора калхатлар.

Ҳамон тирик ўша сиз билган
Мажидиддин, Низомулмулклар.
Ҳақиқатни зўрлаб, сўнг кулган
Кўз чалгитар, хуфёна сулҳлар..:

Наҳот улар абадий тирик?
Ваҳимага тушаман баъзан.
Асли шулар ўтмиш-ку, чирик,
Асли шулар — куз, барғихазон!

Кечирасиз, буюк ҳазратим,
Беш аср сўнг чиққан овозга.
Бола каби бугун ҳасратим
Бейхтиёр тўқдим қоғозга.

1988

* * *

Одамки, таваллуд кунидан бошлаб
Қилар экан²билиб-билмасдан хато.
Баъзан омадсизлик кўнглини гашлаб,
Йилларин елларга айларкан ато.

Баланд-паст йўлларда йиқилиб-туриб,
Хатолар мағзини чақиб оларкан.
Гоҳо ношудлиги берганин фйриб,
Бош деворга теккач англаб қоларкан.

Дўстларин бой бериб бир-бир, осуда,
Ғамлари домида қолганда ёлғиз,

Тортиб тивик ақл тарозисыда,
Ўтган гуноҳларин қила бошлар ҳис.

Барча синовлардан ўтганда омон,
Барча қийноқларга бериб бўлгач дош,
Бўлдим деганида мукаммал инсон,
Хув бир жойга бориб қолар экан ёш.

Инсон дунё сирин қилганда идрок,
Ҳаётни қадрлай бошлаган айём,
Умидлар уфқини қилганича хок,
Кексалик сездирмай тутар унга жом.

1979

ТАВАЖЖУҲ

Танангни тарк этиб гоҳида,
Ўзлигинг ўзингдан чекиниб,
Вужудинг пойласанг бекиниб,
Кўрсанг, не бор вужуд чоҳида...

Ёки олсанг шу лаҳза холис
Бир кишининг кўзларин қарзга,
Кўзлар хоҳин билдирса арзга —
Билки, қалбинг имондан олис.

Ўзинг қулоқ солсанг сўзингга,
Қолиб кетмай тананг чоҳида,
Ундан чиқиб турсанг гоҳида
Баҳо бермоқ учун ўзингга.

Ўрин қолмас эди ўшанда
Гоҳ кимлардан ноҳақ гинага.
Виждонингдан ўзни панага
Олмоқни ҳам этардинг қанда.

Дуёни қўй, аввало, инсон,
Ўзинг ёққа қилгил таважжух.
Тергамаса сени бир пок руҳ —
Татимайди замону жаҳон!

1989

ОТЛИҚ БОЛА

Билмадим, болани чорлар қаёқлар,
Йўл адашиб қолар чанг қуюнида.
Мухрдай босилар ерга туёқлар,
Қора гулхан ёнар отнинг бўйнида.

Асрлардан ошиб келмоқда гўё
Йўлнинг кушандаси — қорабайир.
У борки, боланинг ўйлари — рўё,
Бола умрин бўлмас йўлдан айириб.

Қорабайирми ё орзуми елган,
Қайси бири экан тутқизган тизгин.
Нима бўлса, бода омади келган,
Қорабайир, унинг ўйидан ўзгин!

Болага-ку, оқ йўл тилагачлар кўп,
Қаерга етар у — буниси гумон.
Олдинда умрлик сурон, тало-тўп,
Ишқилиб, баридан ўтолсин омон!..

1988

МУҲАББАТ

Қўшиқдан ҳам қутлуғ муҳаббат,
Сочиб бўлмас уни ҳавога.

Қуёшдан ҳам ўтлиғ муҳаббат,
Тафти сиғмас ҳеч бир навога.

Юрак туйган муҳаббатини
Ошиқ юрак ҳис қилар якка.
Қулоққа ҳам айтмагин уни,
Қулоқ ҳасад қилар юракка.

Уни яшир бахил кўзлардан,
Нигоҳлари ўқдан совуқдир.
Уни асра ҳасад сўзлардан,
Хиёнатга улар ёвуқдир..:

Дунё билар: асл ошиқлар
Улуғвордир азим шоҳлардан.
Ошиқ дилдан айтган қўшиқлар
Бу дунёни сақлар оҳлардан.

Тилида-мас шоирнинг, ишон,
Шеърларида очилар гуллар.
Шоирларни, билсанг, ҳар қачон
Муҳаббатнинг худоси қўллар.

1989

ҲАЁТ

Ҳаёт, бундан кўп олис мурғак бола чоғимда
Тафаккуримга кирдинг бўлиб жавобсиз сўроқ.
Ёшлиқнинг тонги отди жумбоқлар қийноғида,
Кўнглимизга ўзимиз умидни қилдик чироқ.

Гарчи фармонларингга ёш руҳим эмас мойил,
Темир қонуларингга эгмоқчи бўлдинг туйғум.
Бир-биримизни асло қолдирмасак ҳам қойил,
Орамиздаги кураш бироқ тинмади бир зум.

Ҳа. тараф-тараф бўлиб яшадик аввалига,
Ҳар ким ўз омадидан қувонди пинҳон, ёлғиз.
Гоҳо толеимизни синаб таваккалига,
Пайт пойлалик, қани ким кимга чўқар дея тиз.

Бу адоват эмас, йўқ, рақобат экан асли,
Шу рақобат қотирган бизнинг ҳам зувалани,
Азалдан шу тахлитда улғайган инсон насли,
Қалбида бунёд этиб виждон номли қалъани.

Бизга шоир бўлганда ҳар соҳада муроса,
Қизиғи қолмасиди у пайт кураш завқининг.
Отимни қистаётган йўлим бўлиб аросат,
Мен қули бўлармидим ҳаёт тутган мавқенинг.

Ҳаёт бергувчи подир эҳсонлар керак эмас,
Майли, насиб этмасин кимлар яратган чаман.
Кўнгил асло арзонга келувчи бахтни демас,
Кимдир туҳфа этажак омадлардан кечаман.

Овлоқ бугдойзорларга етаклаган сўқмоқлар
Ёлимда мен битталаб терган бошоплар каби.
«Алифбо» нималигин ҳали билмай у чоқлар
Саводимиз чиқариб қўйди турмуш мактаби.

Бир уюм бола эдик, сандал четига сиғмай
Интилар эдик сал-пал оёқни иситмоққа.
Ёшлик майлларининг чорловига туриб шай,
Ҳар биримиз йўл солдик жумбоқзор ҳаёт ёққа.

Суяги қотмай қўллар таниб олди кетмонни,
Ховоснинг шамолида қоврулиб бўлди дағал.
Юракнинг амри билан пешлаб бордик имонни,
Гарчи бундан баъзида тақдирлар бўлди чигал.

Билиб бўлмасди буни: гўрликми ё ёшлиқдан,
Чидардик бўйнимизга бесабаб айб тақсалар.
Гоҳ ора йўлда қолдик ноҳақ кўнгли ғашликдан,
Ёддадир ташвиш солиб довдиратган лаҳзалар.

Дейдилар, ҳар кишининг ҳаётда ўз йўли бор,
Ким ундап отлиқ ўтар, кимдир пою шёда.
Раҳнамо бўлди бизнинг йўлимизда иқтидор,
Йўл гардин роҳатлардап кўрдик доим зиёда.

Ҳаёт бир қўли билан магар бошни силаса,
Йўлга хато тузоғин қўяр ўзгаси ила.
Гоҳо содиқ дўст каби бахту омад тиласа,
Бир томондан гангитар одамни гўё хийла.

Бироқ ўзимдай ўжар, қайсарликларинг ҳаққи,
Сени яна ҳам қаттиқ севиб борурман, ҳаёт!
Сен билан мулоқотсиз — қолурман ғариб, якка,
Сенга садоқат орти менга бир умрга ёд!

1977

ХОТИРА

Ота орзу қилган масканда ўқиб,
Ёлғиз ўғил қолиб кетди шаҳарда.
Келди кўзларидан ёшини тўқиб,
Нохуш хабар етгач унга саҳарда.

Иzzат-ҳурмат билан кўмди отани,
Урфу одатларнинг кўниб барига.
Ишга яратганда ипсон зотини,
Сўнг шўнғиди тубсиз кунлар қаърига::

Ёшлик хаёлларининг босилгач чанги,
Англади, тириклик ташвиши — сўнгсиз.

Орада ўнгишти сочларини ранги,
Қишлоғида ўчиб упдан қолган из.

Вужудини кемирди виждон азоби,
Бир бормапти ота руҳини этиб ёд.
Тушлари кўзини тарк этар хоби —
«— Шу қадар бемехр, тош эдим наҳот?»

Кўп ўтмай қишлоқда — хилватгоҳ қирда
Найдо бўлиб қолди баланд ёдгорлик.
Чим босган ва чўккан кўҳна қабрда
Сукут сақлаб турар қора мрамар тик.

Ўғил қайтди кунлик ташвишлар томон,
Отанинг руҳини қилдим дея шод.
Ўғил қулоғига етмас ҳеч қачон
Отанинг қабридан юлқинган фарёд:

«— Ўғлим-а, чектирдинг яна жабрни,
Тамом бошқа гўрда ётипти жисмим.
Обод қилиб кетдинг бир ёт қабрни,
Баҳайбат мрамарга ёздириб исмим!..

1986

СЕВГИ АРМОНИ

Тунларидай узун қиш ўтди,
Тоқатим ҳам эриди қордай.
Қалб баҳорни интизор кутди,
Ёлғиз унда тасалли бордай.
Куттиш азоблари овутди,
Узилганда умидлар тордай,
Кутдим, ўтиб кетди қиш, аёз...

Топарманми дея изларнинг
Таниш дала, қирларга бордим.
Такрор этсин дея сўзларнинг
Гунчаларга қанча ёлвордим.
Балким унга таниш ҳисларинг,
Деб булбулга кўнглимни ёрдим, —
Тақдирингдан айладингми поз?

Айт, упутиб бўларми амир
Биз ишқдан маст кезган далани?
Қучогимиз тўлдириб, адир
Тухфа этган олов лолани?
Биз ўшада қилардик таҳрир
Тўрғай кўкда чеккан полани...
Қўмсарсан шу дамни, сарвиноз?

Қулогимга шивирлар аста
Еллар сенинг азиз помингни.
Чучмомалар чайқалар хаста,
Тўкиб қўйиб тутган жомингни.
Самоларга бўдиб пайваста,
Турна ошқор этар комингни
Деганмидинг: «Самоларга ёз!»

Менга сенсиз нега ҳам керак
Муҳаббатнинг жилвагар ранги.
Сенсиз асло тан олмас юрак
Бу ҳаётнинг жаъми оҳанги.
Мингта қуёш порласин, бироқ
Сенсиз менга отмас бахт тошги,
Қўшиққа ким бўлар жўр овоз?

Сен паҳотки мазахга йўйдинг
Ишқнинг дилга дармонларини?
Негай, ғамгин куйлатиб қўйдинг
Илк севгимнинг армонларини.

Юрагимга ҳарфма-ҳарф ўйдинг
Левафелик фармонларини, —
Мен шуларни айладим бас!

1977

ЎЗБЕКЛАР

Кўпдан буён печундир руҳимда сокинлик йўқ,
Хаёлот дунёсида бир ажойиб тало-тўш.
Эшитилгандай бўлар тилсимдай оғзи юмуқ
Ва лекин асрларни силжитиб келгап жувбуш.

Чорлайди гаройибот олами оғушига,
Бир давра қўшилсанг-чи, дейди, кўҳна гуруннга.
Жон қулогин тут мозий ўзбекларин тушига,
Кўпларин гарчи тарих айлантиргандир гунгга.

Аждодлар-ку асрдан асрга қараб дадил
Кўтариб келди қонли тарихин елкасида.
Гарчи шум фалак унга бўлмади асло одил,
Қолдирди гоҳо шуҳрат, гоҳ иснод кўлкасида.

Биз учун ривоятга айланган қадим сирий
Шоҳидларин ҳижжалаб қулоққа сўзлайди гоҳ.
Елғиз Широқ берди деб бутун лашкар таъзирийн,
Фидойиллик илмидан айлайди мени огоҳ.

Жаҳонгир Искандарни ҳусни билан этиб лол,
Рўпарамда кулар тоғ сеҳргари Рохшанақ.
Ўзи сезмай Хоразм мулкига бўлган даллол
Шоҳни овлоқ оролга қувади одил фалақ.

Ўстирганидан фунун мулк учун ихота,
Ватанида Берупий топмади лойиқ нуфуз.

Юлдуз билан тиллашиб қолгани учун ота,
Унга қилди сермаган жоҳилдан эл бурди юз...

Ҳакамлар етмай қолса ҳақ ишлар сапоғига,
Адолат мезони-ла ўлчайди кўҳна тарих.
Аму ютмоқчи бўлган Шайбоний чаноғига
Тилла қоплаб форе шоҳи шароб қуйди, во дариг!

Ватан деб Жалолиддин киргани учун жангга,
Ўғлининг юрагини еди Чингиз тозиси.
Замон ўйнаб разолат чалган мудҳиш оҳангга,
Топи топа олмай қолди тақдирнинг тарозиси.

Дунёнинг беш асрини бутуплай тўлаб божга,
Бориб тавоб қиламан шеъроят султонини.
Ҳамон лойиқ даъвогар чиқмади олтин тожга,
Ҳамон бўм-бўш кўраман Мир Алишер ёнини.

Янграр Ганг соҳилидан бир латиф, дилбар садо,
Шоҳона даврасида газал ўқийди Бобур.
Жисми тахтида шоҳу руҳи — Ватанга гадо
Юртдошим лолдир топмай саргардонликка таъбир...

Замонлар тарозиси юз карра тартиб кўрган
Ўзбеклар ҳақидаги тасаввур ойдинлашур.
Тарихчи топгапидай замин қаъридан қўрган,
Гумон соясидаги изларда балқийди нур.

Дунё қадар кўҳналик, ёғдупараст теранлик
Зарб берса-да асрлар, кетмади чок-чокидан.
Боши кетса ҳам чиқди жанггоҳлардан қадди тик,
Ёқсалар — самандардай пайдо бўлди хокидан.

Ортиқча мақтовларга муҳтож эмас буюклар,
Сўзланга келипти гал — айримларини этдим ёд.

Санайверсам оз эмас бу эл учун суюклар,
Ҳар бирининг ҳаёти — тириклар учун имдод.

Халқи бахти йўлида белни маҳкам боғлаган
Ҳар заҳматкаш ўғлингга боққанда ҳайратландим.
Шуларчалик бўлар-да Ватанин ардоқлаган,
Шулар меҳрига туташ ёзган ҳар шеърий бандим.

Аждодларнинг хокини авайлаб сурдик кўзга,
Уларга лойиқ авлод бўлмоқнинг ўзи бахтдир.
Розиман, боболардан бир зарра эмас ўзга,
Деган оддий баҳога мушарраф этса тақдир!

1980

* * *

Ошёнлардан учдик олисга,
Бошдан учган қушлар сингари.
Кўзда кўчган қушлар сингари
Қанот бердик туйғуга, ҳисга.

Манд емагап ёшликнинг шаҳди
Берганидан бизларга далда,
Доим қийин, мушкул маҳалда
Қалблар бўлди ишонч пойтахти.

Кимлар кулди, кимлардир эса
Умид билан боқди бизларга.
Йўллардаги ўчмас изларга
Паноҳ бўлдик памоллар эсса.

Бизнинг она ошёнлар меҳри
Орзуларга еткизган кучдир.
У ҳар қачон юксакка уч, дер,
Чорласин, дер, чўққилар сеҳри!

1980

ИСМИМ — ЎЗБЕКИСТОН

Гўдак кўзларимнинг илк ихтироси
Менга жопажонроқ жонга нисбатан —
Ота-боболарнинг қутлуғ мероси
Ўзбекистон деган бир мунча Ватан.

Кўксимда тепарқан тугилган муштдай
Юрагимки, унга шу ватаним жо.
У борки, ёнамасан самандар қушдай,
Чўкмасан ҳам денгиз тубига ҳатто!

ИсмиМ деб билганман Ўзбекистони,
Вужудим у билан қўйма-қотишма:
Ихлигимиз, бизларни — тав билан жоним
Ажратмас ўлимлар билан отишма.

«— Сиз — Самарқанд?» — деди бир зот хоршад,
Бу қадим исмиМдан кўксим бўлди тоғ:
«— Тошкент!» — деди бири самимий ҳисда,
«— О, Мирзачўл!» — деди кубалик ўртоқ.

Жон деб қабул қилдим бу исмларни,
Минг-минг йиллик гурур қалбимда ёниб.
Ҳасад ўртаб қўйди аллакимларни,
Боболарим қўнган исмиМни таниб:

Шундан мен ўзимни уч ё тўрт мингга
Қирган шумер чолдай ҳис қилиб қолдим:
Етаклаган Ҳинд ва Мағрибни Чинга
Ипак йўлидай гоҳ чангларда толдим.

Менга қилич тутар руҳлар исёни —
Тариқни қуюндай кесиб ўтарман:
Билинг, Жалолиддин, Муқанна қони
Менинг юрагимга бермоқда фармон:

Дейман: Ўзбекистон отлиқ қомусдан
Фунун сураларни ўрган, эй башар.
Боқ, гофил фарзанди учун номусдан
Ҳамон юлдузаларда Улуғбек яшар...

Ифтихор осмонга етказар бошим
Ўйласам қадимдан алломалигин.
Қувончдан кўзимдан тирқирар ёшим
Уқисам дунёга солшомалигин.

Ўзбекистон билан тирикман, ҳали
Кўп яшарман шаҳру ватап бўлиб мен.
Келди уни шеърга солишим гали,
Куйлаб ўтажакман завққа тўлиб мем!

1984

КЕЧАГИ КУН

Кечаги кун юрпти яшаб
Севдирмасдан бугун биз билан.
Тишларидан сизилар газаб
Келишолмай янги ҳис билан.

У уринар айтишга ҳамон
Ўша эски топишмоғини.
Уддасидан чиқолмай ҳайрон,
Билмас кимга ёпишмоғини.

Интилади бу қайноқ кунни
Солмоқ учун ўз қолипига.
Дилидаги пинҳон тугунни
Севдирмай биз — муҳолифига.

У ўзини олиб қочади
Меҳнат билан қўли қадоқдан.

Овсарларга кўнгил очади —
Гапни бошлаб кечанги ёқдан.

Ахир кеча унинг қўлида
Эшилларди ҳар қандай қонун.
Халқ бош эгиб унинг йўлида,
Кутар эди гўё хоқонини.

Сўзларини инкор қилиш-ку,
Не балони солмасди бошга.
Кўзларини бир қадаса у
Айланарди одамлар тошга.

Унинг пинҳон қиличи эди
Дили тоза одамдан ҳадик.
Қўли попок нақ ичи эди,
Гурунгдаши — бир неча бадик.

Қўйиб чиқди у ўзинча нарх
Юлдуздап партбилетга қадар.
Қаричидан қилар эди фарқ
Дилидаги ўлчови — хатар.

«Гўза билан деҳқоннинг фикри
Хавф — кесилса битта нуқтада.
Қайга бошлар олимнинг зикри —
Елкасини силаб, тўхтатар».

«Жимоятдир чигит упиши
Қарордаги муддатдан аввал».
«Нега унинг кўривар тиши?
Кимлигини англлатингиз сал.:»

Саҳродаги туяни кўргач,
«Борми бунда ҳукумат? — дерди.
— Ўрнатгани иккинчи ўркак
Қайси душман ижозат берди?»

Минбарларни муштлади дангал:
«Чигит билан эгизак халқ бу!»
Дўппимизга ташлаб тўрт танга,
Зимдап тилла ҳайкал бўлди у.

«— Бутифосга, очигин айтай,
Бошқоронги бўлар аёллар.
Боқчалардан афзал-ку қайта
Елбешиклар боғланган толлар».

Кўп минбарда бордир кечанинг
Тирсагидан қолган ўйиқлар.
Қай бир минбар ҳамон кучаниб
Кечанги кун изини йўқлар...

Бирда чуқур ва бирда саёз
Бугунга хос турфа оқимда,
От сурмоқда қитмир чавабдоз,
Омадни босиб тақимда.

Бекатларда турувчи гавжум
Ишга етмай толган оломон,
Руҳияти у учун мавҳум,
Мавҳумликча қолмоқда ҳамон.

Мункиганча унинг оти то
Биз ҳориб ҳам қолармиз чангда.
Уни баланд кўтарган хато
Ҳамон куйлар авжли оҳангда.

Ўзпга йўл очар пўшт-пўштлаб,
Жонни асло қойитмай яшар.
Олға борар қўксига муштлаб,
У бир сафда... гўё... курашар.

Кутмаганда, у ҳар қадамда
Келар сиз-у менга рўпара.
У яшайди ҳар бир одамда,
Кўрсатганча ўзин тўпори.

Чорраҳалар тартибига зид
Йўл бермасдан ўтарди янчиб.
Энди тўхтар — ўзгарди муҳит —
«Қизил»га кўз заҳрипи санчиб.

Халқ вомига қилинди тамға
Шу кечаги куннинг иллати,
Халқим, қалбинг чўқтирма ғамга,
Живоятнинг йўқдир миллати!

Юқоридан бўлар ҳимматга
Сен ҳеч қачон умид тикмадинг.
Кечанги кун қанча қимматга
Тушса ҳамки қаддинг букмадинг.

Кечанги кун доғи-зангидан
Қалбимизни қилайлик фориг.
Бугуннинг мусаффо тонгидан
Юзларимиз бўлмоқда ёруғ...

1988

ЧОРРАҲА

Жангу жадалларнинг чанг-тўзонида
Кўп қадим чорраҳа бўлгандир ниҳон.
Тарих дарёсининг қоқ ўзанида
Сўзсиз ривоятдир қанчалаб инсон.

Боши берк кўчага кирганларга ҳам
Умид сўқмоғи бор — гоҳ топган омон.

Иккилашиб қолди дунё баъан дам,
Чорлаб турганида бирдай тўрт томон

Ўтмишнинг дубулға кийган йиллари
Кезди елвизакдай тарих вужудин.
Аждодларнинг ўтда қолган йўллари
Димоғини қурумга тўлдирган тутув...

Чорраҳа ҳақида хаёл сурганда,
Ёки ҳар гал келсам унга юзма-юз,
Бир фикр мени ҳеч қилмайди қанда:
Чорраҳага ўхшар одам, шубҳасиз.

Ҳаёт чорраҳаси — юракларимиз,
Ўлардан бошланар шарқу гарбга роҳ.
Демак, дунёнинг энг кераклари — биз,
Биздир унинг барча дардидан огоҳ.

Бир-бириши қувиб, бироқ етмаган
Топг ва шом сўқмоғи шунда кесишар.
Бир кўчадан минбаъд бирга ўтмаган
Тақдир шамоллари шунда эсишар.

Юракдан ўтар кўп туйғу йўллари,
Ўтар Бахт, Қайғуни ортган қарвонлар.
Ундан ўтар совуқ шимол дўллари,
Ўтар қўйнида тош пинҳон сарбонлар...

Машриқдан жилмайиб боқувчи қуёш,
Юракларга қўнар қиём туш маҳал.
Бегуноҳ Фаластин тўккан ўтли ёш
Бизнинг вужудларни куйдирар аввал.

Тинчлик орзуси-ла тирик оналар
Шом-саҳар зорланиб айлаган нидо —

Урушни қаргаган лаънатномалар
Аввал шеъримиздан топар акс-садо.

Тўрт фарзанди яшаб тўртта даҳада
Қайга боришни гоҳ билмагандай чол,
Бугун дунё турар бир чорраҳада,
Қайси йўлдан нажот топарман, деб, лол,

Эзгу ниятларга чорраҳа бўлгин,
Шунда мен ризоман сендан, эй юрак,
Дунё юракларни истехком қилсин,
Эртанги кун учун бўлайлик тирак.

1983

ҚАРЗ

Болалар дунёга келмасдан туриб
Пинҳона бошланар улар ташвиши.
Кечалари мижжа қоқмас ўй суриб,
Чиройли исмлар танлар ҳар киши.

Бир парча тил билмас эт туғилар-да,
Хоҳлаган куйига солади кейин.
Унга ўтмас-асло миннату зарда,
Унинг хоҳишига эгасиз бўйин.

Ҳаёт бардош ато этади бизга,
Тоғдан қазигандек игна билан ганж.
Гўдакда отамиз ё онамизга
Ўхшаш қош-қабоқни кўриш — бир юпанч.

Унинг бир қулишин кутамиз мустар,
Чучук тилларини тинглаш қанча бахт.
Кўнгил тезроқ юриб кетишин истар,
Йиқилса юраклар уюшар карахт.

Сўнг чиқар деб ҳаёт йўллари чангин,
Одамлар сафига қўшамиз, бироқ,
Улар тушунганча турмуш оҳангин
Сочу соқолларни оралайди оқ...

Буни ҳеч афсус деб қилмангиз гумон,
Биз бахт дермиз шундай ҳаёт тарзини.
Ўмрин болаларга бахш этиб инсон
Ота-онасидан узар қарзини.

1977

* * *

Ҳаёт севар ёрдай қучоқ очганда,
Баҳор йўлларингга гуллар сочганда,
Қалбда яшаш завқи тўлиб-тошганда,
Дўстлари сафини этганча канда.
Ёстиққа төкмасин йигитнинг боши.

Йил бўлиб туюлар бедор саҳарлар,
Умидсизлик ҳисси қалбни заҳарлар,
Алдоқчи саробга ўхшар меҳрлар,
Муз бўлиб кўксингда қотар қаҳрлар,
Ёстиққа төкканда йигитнинг боши.

Кўланка солса дард навқирон юзга,
Соғломлик дамларинг кўринар кўзга,
Кўнгил орзиқади бир илиқ сўзга,
Билинар ким дўс-у, ким эса ўзга —
Ёстиққа төкканда йигитнинг боши.

Аламлидир авжли ҳаёт қўшиғи
Ўрни нўгалласа андуҳ ва йиғи.
Элга тафти бермаса юрагинг чўғи,

Тошга урилгандай қиличнинг тиғи
Естиққа текканда йигитнинг боши.

Елғизларни енгар ҳаётнинг ғами,
Киприклардан сизар тушкун руҳ нами,
Дилларни доримай мусибат шоми,
Ёнсин, ёнаверсин умрлар шами,
Естиққа тегмасдан йигитнинг боши.

1976

БОҒЛАР

Болалигим хаёлида шовуллаган боғ кезар,
У боғлардан юрагимга армон эсар. оҳ эсар.
Ўтин бўлиб кетган ҳар бир куртак эзар, шох эзар,
Болалигим Ўзбекистон боғларини сўроқлар.

Бенхтиёр хўрсинтириб боғ-чорбоғли кечаси,
Хотирасин тирнаб нохуш шамолларнинг нечаси
Ва ниҳоят ёригандай қисматининг кўчаси,
Кўзида ёш. Ўзбекистон боғларини сўроқлар.

Тушунолмай дарахт боши солиқ солган кишини,
Гоҳо қарғаб болта тутган эллик тўртнинг қишини,
Бодом, ёнғоқ нархи қоқиб ўттиз икки тишини,
Ҳайратдаги Ўзбекистон боғларини сўроқлар.

Боғ-роғларга арра солди пахтазорлар беаёв,
Ўз боғини қуритади ким ўзига бўлса ёв,
Боғларини эмас. гўё қилиб ўзин кундаков,
Ранги хазон Ўзбекистон боғларини сўроқлар.

Кечамизга човут солди кўп хашаки доҳийлар,
Хавфли экан ўз бағрингда униб-ўса ёғийлар,

Юз йилда ҳам ювилмас бу ерга тушган оғулар,
Боши гангиб Ўзбекистон боғларини сўроқлар.

Қурт тушмаган бир олмани тополмагач боғида,
Иқлимларга донғи кетган боғларининг доғида,
Саратонда бир тангадай сояга зор чоғида
Қалби лоҳас Ўзбекистон боғларини сўроқлар.

1989

* * *

Ҳаётнинг энг тотли лаҳзаларини
Тўзғитдик қоқигул уругисимон.
Ишқнинг ловуллаган лаҳчаларини
Отибмиз кўз ёшлар кўлмаги томон.

Ёшлик уйқусидан чўчиб уйғондик,
Ҳаётдан топмадик тушларга таъбир.
Гумонлардан толдик, жаҳлдан — ёндик,
Фармондорлик қилди орада кибр.

Биримиз — жаҳлнинг, биримиз — арав
Кўчасин билганча тўлдирдик чанга.
Сезмай урон солдик: ҳавасми, ғараз
Бизни ҳар лаҳзада ундаган жангга.

Умрнинг ўзи-ку, қисқадир, бироқ
Уни бот қуюнга ташлаш шартми, айт?
Гулханнинг ўрнида ёнар жинчиरोқ,
Биз эса ундан тафт кутамиз лоқайд.

Фисқу иғво гаплар мисоли эгов
Муҳаббат тоғини емирса наҳот?
Наҳот ўртамизда пайдо бўлар зов,
Мункир ора йўлда биз мингашган от?

Инсон ўз умрида қилар кўп хато
Ишда, дўст танлашда, сафарда ёки.
Имони бут бўлса, мушкулот аро
Яна ўнглаб олар ўзини ҳаттоки.

Муҳаббат икки соф юрак садоси,
Сеп яшаб, у ўлса огирдир, ҳайҳот!
Ўлимдан аламли севги хатоси,
Бу мудҳиш хатодан асрагин, ҳаёт!

1983

ШОИР

Унга шоир қалбини
Айлаган чоғи ато,
Ҳаёт — тақдир фолбини
Қилмаган эди хато.

Гарчи ғамлар гардини
Йўқотмас бирданига,
У одамзот дардини
Олай, дер гарданига.

Далада эмас, халқи
Ишлайди юрагида.
Қушлар жанубмас, балки
Қишлайди қароғида.

Унингча, ишқ аввало
Пок руҳлардан садодир.
Қиз, кам — Момо Ҳаво,
Йигит — Одам Атодир.

Гўё унинг наздида
Дунёда йўқдир ёмон.

Яхшиликнинг қасдида
Тузоқ қўймайди замон...

Лоқайдлик қасрига у
Тиклар сўздан шотини.
(Фироқлар асрига-ку,
Чндаб яшар хотини...)

Дунёни жойлай олар
Юрагига, ўйига.
Ўзи чи, сизмай қолар
Ижрачи уйига.

Ўйлар уланиб тонгга,
Уйғонганда кўчалар,
Секин чиқиб Сағбонга,
Тутун ҳўплаб, куч олар...

Тунашга жой сўрар, тил
Учидаги сўзидаш.
Гоҳо мурувват тахчил
Хасисларнинг кўзидаш...

Кимдир саҳар палладан
Қотириб борарди бош,
Қочгандай маҳалладан
Оврупо либосли Шот...

Уни кутар таҳсиллар,
Иши ётдир ғаразга:
У шаҳрини тақсимлар
Ҳами жанубпарастга...

У замон елкасига
Ортиб қўймай сўзини,

Халқининг кулгусига
Кўмиб яшар ўзини

Халқим деганин, худо
Қилиб қўйса оломон,
Шоирдан бўлур жудо
Фақат ўшанда замон.

1989

ДУНЕ

Дунё — ўша, тоғу дарёлари шул,
Шу-шу ёмғир, дўллар, шу — қор, изгирын.
Минг йил аввалгидай очилади гул,
Минг йил аввалгидай — яшамоқ ширин.

Минг йил аввалгидай доно — қонбағир,
Сотқинлик барқ урар кўзлар ўнгида.
Эзгулик — қадимги сингари сағир,
Муҳаббат гангийди алдоқ чангида.

Замонлар учун хос фарқсизлик шулки,
Кетиб борар қингир йўлидан тақдир.
Бордир ҳар даврнинг Низомулмулки,
Хадичабегими борлиги ҳақдир.

Замон ўзгармагай, фақат кийимин
Янгилатиб турар қараб фаслига.
Танасин кўрсатар бизларга сиймин,
Синчков боқтирмасдан сира аслига...

Қун сайин ўзгарар одамлар бугун,
Билмайман, эртага кимлар туғилар,
Ҳеч ким ҳисобламас қаддини нигун,
Ўзин, кам деганда даҳо ҳис қилар.

Дунё — ўша, боши узра — шу қуёш,
Одамзотни янчар ҳаёт — тегиримон.
Фақат сўз кўтарар унга қарши бош,
Бошқа исёнларнинг барчаси ёлғон!

1988

* * *

Нуроний чолларнинг дуоси ёдда:
«— Эй болам, илоё бағринг бут бўлсин!»
Баъзан эса чоллар туюлди содда,
Деса: «— Учоғингда ўчмас ўт бўлсин!»

Гоҳ қулоққа олдик, гоҳ олмадик
Табаррук чолларнинг пок нафасини.
Нега ўша чоғлар англай қолмадик
Дуоларнинг даҳо фалсафасини?

Оқ оралаб қолди соч-соқолларга,
Ҳаёт синовлари биздан олди бож.
Хаёлан бош эгиб ўша чолларга,
Мен ёш умрларга тилайман ривож.

1989

ОНА МАДҲИ

Хонанда Шерали Жўраевга

Эй, йигит, жисмингга ҳаёт берган ким?
Лочиндай учгин деб қанот борган ким?
Халқингни севгин деб сабот берган ким?
Арзигаъ минг карра этсанг ифтихор —
Буларни бахш этган онажоннинг бэр!

Олис бир қишлоқда, хилват гўшада,
Сени эркалатиб ҳатто тушида,
Сени деб гоҳ беҳуд, гоҳо ҳушида,
Кўзлари йўлингга доим интизор
Мунису муштирап онажонинг бор.

Чақалақ тилингни бийрон сўйлатган,
Камолга етказиб, ишқни куйлатган,
Сенга бу дупёнинг дардин ўйлатган,
Умрингга ҳар лаҳза маъни ва виқор
Нуриин сочгувчи онажонинг бор!

Болам, деб, у ўзин ўтдан тиймаган,
Мисоли самандар — ёшиб куймаган,
Фарзандлик меҳрингга қониб тўймаган,
Борлиги — бунёдкор, умри -- фидокор,
Сенга жони нисор онажонинг бор!

Йиллаб йўлинг тушмас ҳузуринга уч,
Тавоб эт, ранжиган кўнглини ол, қуч!
Токи у ризомас, даҳолигинг пуч!
Хоки пойига қўй бошингни такрор,
Токи ҳаёт шамси — онажонинг бор!

Кўкда—қуёш танҳо, Ерда — у тоқдир,
Умри поклигидай сочлари оқдир.
Опаси бахтлилар — дунёга шохдир,
Магар сенга бўлса азим дунё тор,
Бағри ундан кенгроқ онажонинг бор!

Гарчи замонамиз зурёдидир биз,
Гарчи ҳақиқатнинг фарёдидир биз,
Аввало оналар бунёдидир биз...
Негай, бугун онам қабрии босди қор,
Рухим ҳайқиради: «Онажоним бор!»

1988

Эшикли уй борки, бўлар ялоғи,
Бўлар шу ялоғни яловчи ити.
Ҳаётнинг азалий ҳукми шу чоғи —
Насибаси шу уй суяк, сарқити.

Ит ўз борлигини билдириб турар
Бирда ҳуриб, бирда тишлаб балоқдан.
Уйни қўриб эмас, аслида ҳурар
Ёгуликни тама қилиб ялоқдан.

Ўзга эшигида асралган кўппак
Кимгадир ёқмайди, кимга ёқад.
Менимча ҳар киши ўзига кўпроқ
Муносиб кўппакни тавлаб боқад:..

1989

АЕЛ ОРЗУСИ

Қани эди қушга айланиб қолсам,
Қанотларим ёзиб учар эдим-а,
Тўғри қишлоғимга парвоз этолсам,
Бориб онажоним қучар эдим-а!

Оплоқ сочларини ҳидлардим тўйиб,
Қучоғига сингиб кетардим бир дам.
Бошимни бир фурсат кўксига қўйиб,
Қанийди қиёссиз меҳрига қонсам! .

Хаёлан қизалоқ чоғимга қайтиб,
Бир дам эркаланиб, йиғлаб олардим.
Қўнглимда йиғилган гапларим айтиб,
Соғинч ҳисларимни тўкиб солардим.

Қанийди айланиб қолсам бир қушга,
Қанот бўлса эди менга хаёллар.
Шаҳар ташвишлари айланиб тушга,
Бир дам сирдош бўлса сўри ва толлар...

Хаёт қанот бермас ҳатто жўрттага,
Алчадир, бундай хом ўйлардан толдим.
Қизалоқ чоғларининг барча эртаги
Шунчаки гандиген тушуниб қолдим...

Қани эди қушга айланиб қолсам...

1988

ҲАҚҚАНИНГ ФАЛСАФАСИ

Қушлар ҳайратда: Ҳаққа
Нега ҳар доим якка?
Еқтирмас Майна қушни,
Зогчани қилмас қўшни.
Билар, ўзга сир очар,
Шу сабаб четга қочар.
Кимнинг касби — ўғрилик,
Унга ёқмас тўғрилик.
Ненидир ўмарган чоқ
Гувоҳ бўлиши чатоқ.
Икки бўл, дер, ўлжани,
Бўлмасдан кўрчи, қани!
Мана шу ваядан Ҳаққа
Ҳадик-ла учар якка.
Омади юришган чоқ
Ўмарса боғдан ёнғоқ,
Аланглаб учар якка,
Сўнг қўнар чакалакка.
Шошиб кўмгани учун
Тополмас эртаси кун.

Авжи баҳор чоқларда
Кўмилган ёнгоқлардан
Униб, ўсар кўп ниҳол,
Бундан ҳар йил ҳаққа лол...
Қушлар жам бўлган пайтда
Мақтанар қайта-қайта:
«— Ёнгоқларни эккан — мен!
Бог деб заҳмат чеккан — мен!»

1986

МЕРОС

Яқинлигин сўнги дам
Сезиб қолди балким чол,
Чорлаб икки ўғлини ҳам,
Қилди бирдан ҳайрон, лол:
— Тугилганки, ҳар одам
Кетар бир кун дунёдан.
Бунга тутманг ҳеч мотам,
Алам чекманг зиёда.
Юмарман ҳадемай кўз,
Кўмарсизлар бегумон,
Сизга берар ризқу рўз
Мерос — сув ва тегирмон.
Биринг доим ярагин
Тегирмоннинг қорига.
Биринг тун-кун қарагин
Ариқ, тўғон — барига.
Доим яшанг соз, аҳил
Гўё сув ва тегирмон.
Мақон бўлмас ҳеч сабил.
Зориқмайди хошадон...
..Жон берди секин ота
Қилиб шундай васият.

Ахир ҳаёт — ҳаёт-да,
Ушалвермас ниёт.
Васиятга ўғиллар
Жиддий амал қилмади.
Ахир озми бахиллар,
Ким дўст, дунман — билмади.
Дея, нима билан банд,
Бири бирин пойлади.
Шубҳа азал берур панд —
Ишонч қўлиб бойлади.
Гоҳ — ҳуда, гоҳ — беҳуда
Чиқиб икки ёқдан гап,
Ака-ука, (эх, худо!)
Бўлди худди ёв — тараф.
— Еган нонинг, тириклик
Тегирмондан, дер ака.
Сувимсиз — у нақ ўлик,
Элга бўлур калака.
Ҳанжал-у гап-сўзнинг ҳам
Чегараси билинди:
Ота мерос охир дам
Қайта тақсим қилинди.
Укасига аччиқда
Тамбаланди тегирмон.
Атроф ботди балчиққа
Сув ҳайқириб жар томон...
Сулолани кўп йиллар
Боққанди шу тегирмон.
Энди шамол ҳувиллар,
Бойқушларга бир мақон...
Шу найт ёдда қалқди-ку
Шарққа хос бир ривоят.
Ривоятмас, бизнинг бу
Бадфеълликдан пиқоят:
Талашса ога-нини
Меросга Осиёда,

От топар чин эгани,
Улар қолур пиёда.

1988

ХОТИРОТ

Дўстим Абдумажид Қодир ўғлини эслаб

Оламда ўзгача фусундир бугун,
Олмалар фарқ пишган сен эккан боғда.
Бироқ шамолларнинг тилида тугун —
Чунки сен ётибсан қора тупроқда.

Чумчуқлар чирқиллар сарғиш войишда,
Нечундир уларнинг дили титроқда.
Токлар тезроқ кўминг, деган хоҳишда —
Чунки сен ётибсан қора тупроқда.

Хоналар бўм-бўшдай каттакон уйда,
Фақат йиғи изғир унда бу чоқда,
Сувратинг чизилар кўп хотир-ўйда,
Чунки сен ётибсан қора тупроқда.

Рухингни чўчитиб қўймай деб ҳатто
Жунбушга келолмай юраклар доғда.
Тан олмоқда дунё қилганин хато —
Наҳот сен ётибсан қора тупроқда?!

Тун эмас, маҳзунлик чўкади ҳар кеч,
Нур ҳам шалаббодай ёнган чироқда.
Тан олгиси келмас кўнгилларнинг ҳеч
Сенинг ётганингни қора тупроқда.

Спиймонг балқир дунё ғубор-чавгидан,
Ёдинг чўмилмоқда кўз ёшу оҳда.

Жудолик алами ўртар янгидан —
Ётганинг туфайли қора тупроқда.

Гарчи уруғ эқдинг ерга умрбод,
Ажаб, балким бу дам замин мудроқда.
Хотира уруғи деди у наҳот
Сенинг ётганингни кўриб тупроқда?!

1992

ИШОНГАНМАН ГУЛЛАРГА

Чим девордан ошиб ўтган, шекилли,
Йиглаб турар қизғалдоқлар, бағри қон.
Келиб отам сўроқлардим ҳар йили,
Энди сиз ҳам шу ердасиз, онажон!

Қирлар кийган гўё алвон кўйлакни,
Буркагандай бор дунёни қизғалдоқ.
Ўт-ўлашлар тўсган сўқмоқ-йўлакни,
Деган каби: «Қабристон йўқ, бу — алдоқ!»..

Тўрт тарафни қошлаб олган турфа гул,
Унутинг, деб, гўё ўлим, мотамни.
Қизғалдоқлар буюради: «Мендай кул!»
Кўрмасам, дер, борлиқ, муигли одамни.

Қизғалдоқлар марҳумларни этар ёд,
Қон қалбимиз тимсолини қилгандай.
Чучмомалар ўқиб турар тилолот,
Бизнинг аҳён келишимиз билгандай.

Мен аслимни излагандай ўзимдан,
Оҳистароқ шивирладим билганим.
Қабрларга гуллар қилган таъзимдан
Соҳтароқдай меннинг сажда қилганим...

* * *

Кимда-ким сиғиниб ўткинчи шоҳга,
Қачон айлангандир ялтоқ маддоҳга,
Иснодга қўйгандир қавму авлодин,
Шеъри фоҳишадек ботган гуноҳга.

* * *

Одамки келишти дайри фанога,
Мойиллиги бордир ҳамду санога.
Мақтов кимга ёқмас, мақтовнинг кучи
Шоҳлик гурурини берар гадога.

* * *

Мен чўлда тошган бир ошнам бор эди,
Ўзини ҳақ билиб, сервиқор эди
Билмадим, нечоғлик ҳақли, виқорли,
Лекин дўст деганга ғоят зор эди...

* * *

Тонг чоғи кўзимни элителиб уйқу,
Қорғин сезганида ўзини туйғу,
Ғаму ташвишлардан чин халос эдим —
Мен учун оламда йўқ эди қайғу.

* * *

Ҳар ким бу ҳаётда ўзича дорбоз,
Гарчи қуш эмасдир, этади парвоз.
Бировни юксакка чиқарар олқини,
Кимдир мор — тубанда, ҳаёт-чи, морбоз.

* * *

Табаррук ҳунардир кимга яхшилик,
Кимдир эзгуликнинг шамига инлик.

Биров бехосият туғилар, шу важ
Унинг тириклиги — турфа кўргилик.

* * *

Қорипиб келади азоб ва ором,
Аралан юради ҳалол ва ҳаром.
Ҳаётнинг ўз маром қонунлари бор,
Бир паллада турар зулм ва карам.

* * *

Биров умид билан экади ниҳол,
Ги ундан бир мева тотай деб ҳалол.
Тиканли, бесамар дарахт экар ким,
Ундан одамларга етсин деб малол.

* * *

Менга — сен заминга босган ҳар из — гул,
Асли ҳар бир одам — сену мен, биз — гул.
Мен бир гул кўрмадим сендек, дунёда,
Ўзинг ҳамма гулдан нодир, азиз гул.

* * *

Дунёга келибмиз токи сену мен,
Билмабмиз, дунёнинг чоки сену мен.
Уни тикувчи ҳам, сўкувчи ҳам биз,
Ҳаммадан нияти поки сену мен.

* * *

Кимдан ушалмасдан қолар бир ният,
Кимнингдир номидан қолар бир уят.

Нима олиб кетдинг кўзингда пинҳон,
Сендан нима қолди, билар райят.

* * *

Умр синов учун берилган мавсум,
Синов саволлари мураккаб, мавҳум.
Уларга ким жавоб берипти тўлиқ?
Мен, дер на бир тирик, на бирор марҳум.

* * *

Фалак — бошимизга тўнқарилган жом,
Майида сузишни этамиз давом.
Шу майда туғилдик, унга чўкармиз,
Шундан ким масту ким ҳушёр ё авом...

* * *

Юлдузлар биз учун самовий чечак,
Улар руҳимизни қувнатар безак.
Очилай деб улар кутмас кўкламни,
Улар учун йўқдир қиш ёки кузак.

* * *

Ҳар наҳор орзиқиб кимни кутганман?
Кимнинг шарпасига қулоқ тутганман?
Армон бўлиб қолган кимнинг дийдори?
Балким кута-кута қуруқ ўтган — ман?

* * *

Тўйга ҳам элтувчи, азага ҳам — йўл,
Шонга ҳам элтгувчи, сазога ҳам — йўл.

Йўлдан бошланармиз, йўлда тугармиз,
Ҳаётга элтгувчи, қазога ҳам — йўл.

* * *

Айланган, айланур бу чархпалак,
Тинмайди, гўёки йўли яхмалак.
Айланиб ўзи ҳам оворадир ул,
У билан айланур одамлар ҳалак.

* * *

Дунёни атармиз чархи бедод, деб,
Иши гоҳо ношод, гоҳида шод, деб,
Ҳар ким яшаб ўтар ундан ўзича,
Унинг қонунлари дилмда ёд, деб.

* * *

Ким келиб кетмаган бу кўҳла сарой,
Ҳаммада топилар оғушида жой.
Ҳаммани бирма-бир оқизиб кетар
Бу тиним билмаган, тинимаган сой.

* * *

Дарахт-ку, ҳар баҳор чиқаради барк,
Одам ва дарахтда бордир катта фарқ.
Бир баҳор баркидир аслида одам,
Биринчи кузиёқ олиб келар марғ.

* * *

Оловни сақладим пинҳон кўзимда,
Меҳр тимсолида тавда — ўзимда.

Тафтга ташчалардан аямадим ҳеч,
Кимлар-чун асрадим уни сўзимда.

* * *

Дунё яралсин, деб кўрилган раво
Тўрт унсур, яъни ер, сув, олов, ҳаво.
Меҳр бўлмаганда буларга замир,
Ҳаёт бўлмас эди менимча бино.

* * *

Умр дегани — арқон,
Ярайди корга ҳар он.
Қайда, қачон узилар —
Бандага эмас аён..

●
* * *

Не қусурим бўлса фанодан кўрдим,
Эски тоқ, устули бинодан кўрдим.
Хулқимда нечоғлик кибру ҳаво бор —
Замини йўқ мадҳу санодан кўрдим.

* * *

Эй, мени беҳуда мақтагувчи дўст,
Нутқингдан ҳашамни бирров қувчи, дўст!
Мақтов ҳақиқатни ўлдерган азал,
Айбни юзга айтар сақлагувчи дўст.

* * *

Тўқмоқли бўлса ҳам тўғри сўз авло,
Нон-қоқли ҳам, ҳалол ризқу рўз авло.
Ётлар эъзозда роҳат кўргандан,
Ранж, азобли ҳамки, ватан, ўз-авло.

Чашпасга кетиб бирдан дунё иши,
Ғанимларга мустар бўлиб қолса киши,
Билса, ортда Ойбарчини собит тургай,
У ўзини ҳис қилар эл Алпомиши.

* * *

Дунё азал кишан яшагга толиб,
Евузликнинг эмас, эркининг қўлига.
Қопқонлар ясатди, қашқирлар қолиб,
Хаспўшлаб қўйдирди одам йўлига.

* * *

Йўлга солай деб ҳар нодон, андини,
Ҳаёт ҳар қадамда айтар пандини.
Матлаби — узмасин бевақт бир шамол
Умр япроғининг нозик бандини.

* * *

Пўлатдан бир игна қилди сўзангар,
Либос тик, турсин деб тану вужуд пок.
Қилич, ханжар қилди ундан бир зангар,
Одамлар кўксини этмоқ учун чок.

* * *

Сену менга бориб, айт, нима ютдик?
Нечун андишанинг ёқасин тутдик?
Бор-йўқ қилғилиқни қилиб иккимиз,
Айбни тўнкагани бошқани кутдик...

* * *

Кимга айтсанг, асли яхши гап яхши,
Совуқ гап вақтида бўлса дафъ, яхши.

Бир кун миннат бўлар совуқ гавҳардан,
Оддий, писандасиз бир садаф яхши.

* * *

Кимнидир ҳушидан кеткизса қўрқув,
Ўзига келсин деб сепадилар сув.
Кўпларни ҳушидан қилсин деб жудо,
Учрар қўлтиқларга сув пурковчи қув.

* * *

Ҳар кун бир саҳнадир яхлит ҳаётдан,
Чала ёки тугал мисра — баётдан.
Ҳар ким дунёнинг бир кунига ўхшар,
Ким жой олиб қолар, ким ўчар — ёддан!

* * *

Кимнидир эгади бугуннинг ғами,
Бугундан ошолмас кимнинг қадами.
Бироқ ҳатлай олар келажак уфқин
Умидли эртанги куннинг одами.

ҲАСБИ ҲОЛ

Акам Анварбек хотирасига

Мени тўрт тарафдан қуршар бир оташ,
Кўринмас оловда ёнади сийнам.
Нечундир юрагим кундан-кунга ғаш.
Гўё ёниб, тугаб бораётган шам...

Ўтди бу умримнинг кўпи ё ярми,
Гоҳ босар кўнглимни хавотир, алам.

Мени ҳам соғиниб ёки қўмсарми
Менинг шўх, бепарво болаларим ҳам?!

Мен учун дунёда ягона соғинч.
Мени бу дунёда ушлаб турган ҳам,
Менинг вужудимни тутиб турган синч —
Бор умидим эди бир пайтлар онам.

Кўнгил безовтадир, умр — безовта,
Дунё азалгидай совуқ, хотиржам.
Нархимиз чиқариб қилмоқда савдо
Бизни — ким-кимлардан қолиб келган ғам.

У кетди... Бўм-бўшдай жаҳон кўзимга,
Энди замин бўлди менинг волидам.
Мен келиб улгурмай сал-пал ўзимга
Кетди жондан суйган Анвар акам ҳам.

Машъум кун. Ҳаммамиз йилгадик юм-юм,
Бизга қўшилганча йилгади осмон.
Шоҳизиндадаги ғира-пира зум
Нечундир ёришиб кетди ногаҳон...

Эвоҳ, хато тушди бизнинг қаторга —
Жигаримни қўйдик зиёратгоҳга.
Нечун исён этмай мен Биру борга,
Юрагим отилгач айлашиб оҳга?!

Тутилган мушт эдик беш оға-ини,
Бри бри учун суявчиқ, далда.
Бизга панд берар деб ўлимнинг кини
Хаёл ҳам қилмабмиз бирор маҳалда.

Ҳатто инсонликнинг парти учун ҳам
Ўтманги орадан совуқлик, гина.
Топган бурда нонни кўрибмиз баҳам,
Мехримиз бўлипти бизга хазина.

Балким айтганида бирор совуқ гап,
Балким ранжитганда эди қачондир,
Мен бу кун бағримни бу қадар ўртаб,
Узим қилмасмидим тупроқ билан бир?!

Қайси бир оёққа кирганда тикон,
Мудом беш юракка тушган зирқироқ.
Бизни туташ қилган чпи меҳр экан,
Гоҳо йўллар олиб кетса-да йироқ.

Раво кўрмагандик бир совуқ елни
Тақдирнинг чақиртош йўлларида ҳам.
Ташвишларни енгдик ёш боғлаб белни,
Бўлди бизга доим йўқчилик ҳакам.

Ҳаёт бўлди бизга азалдан ўгай,
Кимларга тўкса-да меҳрин қўш қўллаб.
Асабимиз бўлди доим унга бай,
Келдик ноҳақликка йилларни тўлаб...

Бу кун сафимизга тушган хатолиғ
Тақдирнинг бемавруд гурзиси мисол.
Нигоҳим олдиға тортди қаролиғ,
Қилди бир лаҳзада идрокимни шол.

Еққан ёмғирмиди? Совуқ ёмғир-а?
У мени томчиси қаърига солди.
Ўйларим сўнгига етмайман спра,
Гўё умидларим ўша зум толди.

Менинг ҳаётдаги бор-йўқ орзумни
Шу ёмғир руҳимдан ювиб юборди.
Мен ёза олмаган қутлуғ мавзумни
Шу ёмғир бепарво тупроққа қорди.

Шу ёмғир маҳали сесканганим ҳақ:
Томчи ёмғирча йўқ инсоннинг қадри.

Жигарим устига тортилди тупроқ —
У гўё бир тоза томчининг қабри...

Ажабо, бир зумда бўлса хотирот
Яшаш, дунёдаги тириклик, борлик.
Айтип, шундай инсон яралса наҳот
Қабрга бергали нури анворлик?!

Наҳотки ҳаётга боғлаган қудрат
Ажалнинг қошида бўлса мўйчалик?
Борлик, юриш-туриш олинса пудрат,
Умр — бир зум бўлса, қисқа, ўйчалик?

Жудоллик савдоси тушгунча бошга
Наҳот ўйламабман ўлим ҳақда ҳеч?
Наҳотки бошимнинг тегишин тошга —
Ўлим зўрлигини қилишни пеш —

Ҳатто хаёлимга келтирмабман-а!
Ҳаёт — боқийлик деб қилиб тасаввур,
Осмонни бошимга қилиб бошпана,
Ерни ер дебман-а ҳозиргадавур...

Ернинг ҳар бир касга оналигини,
Бошига кўтариб бизни умрбод,
Сўнг бизни қучар хилхоналигини
Шупчаки эслатиб қўйдими, ҳайҳот!

Жудолик дамлари бўзлаш пимадир,
Уни қандай қилиб чиқарай ёддан?!
Йилларим бамисли синиқ кемадир,
Умрим иборатдай унсиз фарёддан.

Урилиб тақдирнинг соҳилларига,
Маккор тўлқинларда чайқалиб абгор,
Тупуриб дунёнинг жоҳилларига —
Ғаму шодлигимга бўлиб сабабкор,

Келарман тобора қулфлаб қалбимни,
Бирон-бир сўзимни кетказмай зое.
Чунки мен қалбимга киритдим кимни,
Кимга туйғуларим бўлди фидойи —

Фақат риё кўрдим дўст деганимдан,
Нафратдир меҳрингдай қайтажак садо.
Ишона-ишона панд еганимдан
Ҳаёт этди ҳадик ҳисларин ато.

Кўрдим, бани одам сиғинган азал
Юксак эътиқодлар — писбий тушунча.
Дунёда оғишмас қудрат — бир ажал,
Елғиз у собитдир дунё тургунча.

Танҳо уни йўлдан ура олмади
Шайтонни лол қилар одамзот макри.
Дунёда келгандир унинг омади,
Ҳамиша ногаҳон йиқитар қаҳри.

Акам хотираси бўлиб бир сабаб,
Дунё ғамларидан бошлабман калом.
Ким бемавруд ўтган — руҳини тавоб
Этмоқ эди менинг асил муддаом.

Биламан, дард-алам ҳаммада ҳам бор,
Мендек азизидан жудолар қанча?!
Инсонни унутмоқ нақадар душвор,
Хотири ҳамроҳинг кўзинг юмганча.

Биласиз, шоирлар оташин сўзи
Ҳамиша эл кўзин ёшдан аритар.
Бесабаб қаримас шовринг ўзи,
Қаритса, фақат ҳалқ ғами қаритар.

Кечиринг, мен бу кун кўзларимда ёш,
Шеъримга тўкибман бор-йўқ дардимни.

Ахир кўксимдаги эмас совуқ тош,
Худо шопр қилмас экан ҳар кимни —

Кў у йиғлай олмас эл учун асло,
Йиғлашни билмаса жигар бошида!
Сиёҳга қўшдим мен ёшим, шу асно
Ҳисоб бергум акам руҳи қошида!

1993

II. Ғазаллар

НАВОИЙГА

Илтижом шу: эй Навоий, қўлла бир, пири ғазал,
Пири муршидлик ғазал бобида ҳам сири азал!

Мен ичрай муршидга онтим: ким ғазалда сохтадир,
Кўзларим бўлгай садоқ, ҳар кииригим—тири ажал.

Сайради Шерозда булбуллар, сеҳргар—Деҳлида,
Тожига ҳар қайсисин синчков аср қўндирди лаъл.

Мен ғазал лутфини Лутфийдан уқипни фарз билиб,
Сўнг санамлар шарҳига олдим Атоийдан тамал.

То ҳануз бармоқ узолмасмап Бедилнинг сатридан,
Англамоқ душвор, нечоғлик, бу не жодули асал?

Мен ғазалга интилиб юрдиммикип умрим бўйи,
Еки қалбимни ғазаллар занжири қилди қамал?

Мен умидвори эмасмап ҳеч шараф гултожининг,
Баски, байтим ошиқ аҳли кўзини ёндирса ял.

Жонибекнинг жоннидап ўзга тикар жонлиги йўқ,
Қи ғазалнинг покдомон йўлига умри — бир бадал.

1993

ИСТАДИМ

Мен аруз боғига, эй дўстлар, саёҳат истадим,
Танга ранжу кўзга завқ, рудимга роҳат истадим.

Шундайин боғдирки у, йўқ бағрида фасли хазов,
Унда мен пири арузлардек саодат истадим.

Ким дедикки, бу фано боғин дарахти бесамар,
Демаки, ўзга бақоликдин фарағат истадим.

Қайси дамлар бесабаб кечтим жаҳоннинг айшидин,
Англамай гоҳи ўзим не сир-синоат истадим.

Мен кечиб жонимга роҳатдин бу боққа қилдим аҳд,
Ки гунаҳкор жонима бир лаҳза тоат истадим.

Мен ситамлар нелигин кўрдим бериб нафсимга эрк,
Токи бир фурсат тазарруга қаноат истадим.

Гоҳ Навоий, гоҳ Бедилдан мен кутиб шеър пандини,
Ул бақолик сарвларига чин итоат истадим.

Бу бақолик боғига келтирмади ҳою ҳавас,
Унда мен қолмоқчимаң, деманг омонат, истадим.

У муқаддасликда менга қиблагоҳ — Каъба қадар,
Ҳар нафасда ёлғиз унга мен ибодат истадим.

«Ё мадад!» — деб нола этсам-ку, пири дастгир кўп,
Мен фанода ўз-ўзим қўлловчи соат истадим.

Дайри дунда менга бир Маширабга восиллик мурод,
Ерда—бир шеър, кўкда—бир ҳақдин ҳимоят истадим.

Бўлса ҳам ер узра юрмогим гаҳи кони азоб,
Шу азобдан ўтди деб иршод учун хат истадим.

Мени не қўйларга солди бу арузга ташналик,
Ҳоқ руҳимдан қувгани руҳимни ҳилқат истадим.

Истаганда Жонибек гарчи муруват қўп эди,
Мен аруз оллоҳидан танҳо иноят истадим.

1993

ҚАЙТМАГАЙ

Қайтмагай рашжиса ёр гар, минг узр айт, қайтмагай
Айланиб қайтар ғаслдай эрта-кеч пайт қайтмагай

Бир ғазал янглиғ мусиқий, дилгир оҳанг бу ҳаёт,
Унга солма ногаҳон дарз, мухтасар байт қайтмагай

Биз-ку, писонмиз, отилган бир палахмон тошнга
Йўқ кафолат, боз палахмон сори лоқайд қайтмагай

Ранжиган дил мисли тоғ ирмоғи, ғурурдай ўжар,
Орият — тоғига милбадъ панд еган сайд қайтмагай

Қўймагил ишқ торига пойингни, сўнгра ул наво
Кўзда ёшинг, Жонибек, юз карра де қайт, қайтмагай

1973

СИРЛИ МАЙ

Ҳаёт, сирли майингдан қуй қапи, сармаст қилиб

Бу қагдай май дея Хайём сўроқ этсин келиб бизни

Кўнгли қулғи очилсин, қолмасин оҳангга тушмай

Кя хушбавликда устозлар десин ҳар андалиб бизни

Еқиб гулхан чаманда лолалардан навбаҳор фасли,
Этинг ташриф дейишин мутрибона куй чалиб бизни.

Юзига гард қўниб улгурмагаи симоб сифат барқлар
Чалиб қарсак, кутишин ўрнидан ҳам қўзғалиб бизни.

Суруру завқбахш даврон ҳаёт жомини сиққор, дер,
Этай хушнуд десин ёшлик умр бўйи қолиб бизни.

Шафақлар чулғаган уфқлар бир одим йўлга айлансин,
Этишин орзулар парвоз қанотига олиб бизни.

Шижоат-шахдимизни имтиҳон этмоқ бўлишса гар,
Рақиблар тан олишин чин курашларда толиб, бизни.

Қадахники тутибсан қўлга, қуй бахт бодасин ҳар дам,
Ярим йўлда йиқитма мобадо оғунг солиб бизни.

Яшаб ўт Жонибек, шундай видолашмоққа гал келса,
Хотирга олсин одамлар ўлимдан юз нолиб бизни.

1974

ЁНДИМ ЎТУН ЯНГЛИҒ

Олов экан бу муҳаббат, ёндим ўтун янглиғ,
Дили қаролар исинди тафтимда, тун янглиғ.

Кўзум сочиб муҳаббат мулкига инжуларин,
Тирик юлдуз билан тўлди у ғуж, гардун янглиғ.

Солди кипан ақлу ҳушимга сирли нигоҳ сеҳри,
Кўрдим мурод йўлида ғов неча Бистун янглиғ.

Адаштирди хатолар баҳри синай дебми, танҳо,
Мени олди туман домн гаҳи тутун янглиғ.

Сўнар висол умиди гоҳ ишқ сароби кэби,
Умрим баҳори ўтгандай бесамар кун янглиғ.

Қолмас экан кипшига ҳеч шому саҳар фарқи,
Шафақ акси туюлар нақ кўзимга хун янглиғ.

Кўзларимдан оқан қонми, ёшми, билолмадим,
Кириқларим бўлди ларзон, эгилди нун янглиғ.

Аёв билмас, дегандилар, ишқий тало-тўшлар,
Садоқатни баён этмоқ қийин Мажнун янглиғ.

Тоқат айла, эй Жонибек, дейман ўз-ўзимга,
Ишқнинг шарҳи қолса қолар қалбда тугун янглиғ.

1975

ЭТМАС

Шошиб қошингда ҳеч ким розини мендек ҳижо этмас,
Чаманда андалиблар ҳам бу янглиғ илтижо этмас.

Бўларми ошиғига шунчалар беилтифот дилбар,
Кўзим гулханидан кўзинг наҳот учқунни жо этмас?

Ғанимлардан сени кўзим қароғига яширгайман,
Наҳотки кўзларинг кўз қиррини менга фидо этмас?

Сўра ишқ оламин иншо этиб келган замонлардан,
Бу даргоҳ аҳли бир-бирин висолига гадо этмас.

Бу оҳу кўзларинг майл айласин бир бор итоатга,
Таваккалсиз гаҳи ишқ саҳни ҳам омад ато этмас.

Сўроқларман хаёлимдан: «Умид тонги оқаргайму?»
Бисол биз ёққа юз тутса, ишонурман, хато этмас...

1975

ЭТОЛМАСМАН

Муҳаббат майидан сархушлигим ишкор этолмасман,
Бироқ дил розига сени нечун иқрор этолмасман.

Кўнгул аҳдини айтдим бир, ахир бир отилар ўқ ҳам,
Нетай, булбул каби дил розини такрор этолмасман.

Биларсан, тарки ишқ айлан — бу тарки жон қилиш
менга,
Биларсан, ўзгани, ой бўлса ҳамки, ёр этолмасман.

Муҳаббатдек мунажжим дуч этипти икки юлдузни,
Фалакда қудратим-ла ўзга юлдуз бор этолмасман.

Кўзим ашқи билан йўлингда ундирдим гулу райхон.
Умидсизлик руҳин улар учун муз-қор этолмасман.

Хаётим матлаби бўлди садоқат зикрини қилмоқ,
Севиб ёнмоқдин ўзга нарсани мен кор этолмасман.

Оловларга солиб, майли, синагил Жовибек сидқин,
Бироқ айлаб таваллолар, ўзимни хор этолмасман.

1975

ТУРФА ОҲАНГ

Хаёт — пикдаги созлар каби турфа оҳангликдур,
Тутар гул бир қўли бирлан, яна бир қўли сангликдур,

Ҳаёт йўлида кимни ғаму кимни омади қутгай,
Бу йўл тоғу доволари гаҳи лой, гоҳи чанглиқдур.

Ўтиб бўлмас бу йўлни ҳеч маҳал танҳо ва беҳамрох,
Суянмас кимки дўсту ёрига, аҳволи танглиқдур.

Бу йўлда ҳар киши эзгу умид маъзилнип кўзлар,
Умидсиз ким, у гарчи қуш, қапотлари кипанлиқдур.

Бу шонқин олам ичра ким узангидош эмас вақтга,
У ҳайкалдай турар, икки оёғи тошли янглиғдур.

То инсон қалбида элга мурувват учқуни йўқдур,
Али шамшири ҳамки ул, кесолмас, тиги занглиғдур.

Ҳаётга, Жонибек, умринг токи бермас экан сайқал,
Ҳабиблар демагай асло уни гуллик, чаманлиқдур.

1975

НАВРЎЗ САБОСИ

Эсиб наврўз сабоси, бойчечак бизга салом айлар,
Тутиб варрак инин шўхлар баландда сайри том айлар.

Дарахтлар силкиниб, кифтидан отди қиш қировини,
Қи куртаклар кулиб, чиллага чиндан интиқом айлар.

Кўкатларга чўкиб бўзда гуруннга руҳ берар чоллар,
Фалакда чарх уриб тўрғай гўё шарҳи калом айлар.

Бири излаб ариқ бўйларида ялпиз, бири — қоқи,
Баҳор бағрида яйраб қизчалар кундузни шом айлар.

Бугун булбул каби барча баҳорнинг маҳлиёсидур,
Тераи ҳислар кўнгулда майса, гул янглиғ мақом
айлар.

Висол бахти мушарраф бўлган онлар ҳеч ажабланманг,
Агар гул шеvasида лутф этишни кимки ком айлар.

Бу ишқ фасли майиди бир умрга етгулик сипқор,
Бу сирли май учун ўзин шафақранг лола — жом
айлар.

Шу дилбар дамда ким топса таваллуд, беқиёс бахтдир,
Баҳорни умрига йўлдош, ўзига гўлини — ном айлар.

Қачонлар бизни тарк этган баҳоримиз солиб ёдга,
У янги ранглари бирла кўнгилни қайта ром айлар.

Баҳорнинг гуллари янглиғ суҳавлардан битиб бир
шеър,
Ғазал шайдосига бу Жонибек, ол, дер, пнъом айлар.

1977

ЖИЛВА ЭТДИНГ

Жилва этдинг лола янглиғ қирда гул айёмида,
Гулга шайдо сенми ёки гулми ҳуснинг домида?

Сен билан фахр этдим ё сенга қилгандан ҳавас
Бир сеҳрли майни тутди лола алвоп жомида.

Гулпарастлик хосми одамлар учун десам фақат,
Шарҳи гул янграр эди ҳаттоки ел илҳомида.

Розу иқрорликни айтиш мавсуми бўлмиш баҳор,
Гулга булбул сажда айлар қутлуғ ишқ аҳромиди.

Мен баҳорни таклиф этдим нузли қалбим қасрига,
Унда сен бирлан чаманин бирга кўрмоқ комида.

Жонибек, ким баҳр аолмаскан гулу ишқ завқидан,
Умри қисқа лолақизғалдоқ у — қишлоқ томида...

1978

СОЧЛАРИНГ

Илтимос, бошингга тугмай эркига қўй сочларинг,
Изма-из юрсин кетингдан ўлчашиб бўй, сочларинг.

Майдалаб ўр, тўлдириб кифтингни, турсин чайқалиб,
Айласин маст елга елпиб мушқу хушбўй сочларинг.

Қирқта қилган кокилингдур — қирқ йигитнинг
кўнглига
Қирқ висолнинг мавжларини оқизар жўй, сочларинг.

Нозу истиғносида қирқин йигитни қийратур;
Айрилиқмп, қирқта торда чалди бир куй, сочларинг.

Чайқалиб, йўқ-йўқ дегайму гар силай бир бор, десам,
Бўлди мўнга қирқ алам ҳам қирқ хаёл-ўй, сочларинг.

Жонибек минг бор ризодур лутфу амринг бирлаким
Қалбини мангуга банда қилса шу кўй сочларинг.

1981

ЧАЙҚАЛУР

Кулгу йўлдош бўлса кимнинг умрига, ғам чайқалур,
Беҳуда кулгувчида кинрик аро нам чайқалур.

Кулгу бўлғайки, юракка ниш урар, захри баланд,
Унга дуч бўлган гўё ел қошида шам, чайқалур.

Дўсту ёрлар чехрасига кулгуни кўргин раво,
Нола чекса дўст мабодо чархи олам чайқалур.

Кулгусиз ўтган умр хоршждаги хорлик каби,
Ўоядан қудратли ҳамки, ундан одам чайқалур.

Ҳар умр дарё эрур, бағрида оққан — кулгу, ғам,
Кулгу гоҳ қирғоқдан ошса, ғам гоҳо кам чайқалур.

Кимки кулгай этмай ижро гоҳ ақл фармойишини,
Боқа олмай кўзга тик, боши бўлиб ҳам, чайқалур.

Жонибекиннг муддаоси — оналар кулсин абад,
Бўлмасам кўксен яра кўҳна замин ҳам чайқалур.

1984

ЎТАР

Умр — дунё олдидан йилт этгандай шам, ўтар,
Аср — йилдай, йил эса мисоли бир дам, ўтар.

Вақтдай ҳакам қошида ҳар қандай умр титрар,
Унинг чизиғи бўйлаб шоҳ ҳам, гадо ҳам ўтар.

Ҳаёт — виждон кўчаси, ким ундан ўтса мағрур,
Кинриги ерни чизиб, кимдир боши ҳам ўтар.

Бир умр солса ғулу, бири — ёзғуриш қули,
Ким эса тўлиб-тошиб, кимдир — бири кам ўтар.

Ўтар-кетар жафоси зуғмидан эмас, менинг
Кўзларим намдур, магар дўстим кўзи нам ўтар.

Ким башарти, Жонибек ўтди, деса ишонманг,
Ўтса — виждон кўчасин у хотири жам ўтар!

1986

ЕЛҒИЗ

Бу дунё тун, қани моҳи тобони?
Келар ёлғизгамн ёруғ замони?

Ҳаёт кимни магар ёлғизлатибдур,
Жазонинг бўлмағай бундан ёмони.

Ҳаёт потантидир, кардир табиат,
Кўнгли сўрмоқ учун йўқдир забони.

Азал дунёда гарчи тўрт тараф бор,
Лекин йўқ яккани излар томони.

У шум тақдирга ёлғиз санчилибдур,
Наҳот бедод уни отган камони?

Тасаллидан бўлак дил маҳрамин йўқ,
Сабрдан ўзга йўқ суянч жаҳони.

Ажал четлаб ўтар доим ёмондин,
Азал йўқ яхшиининг гамдин омони.

Деманг одам, қараб бу келбатимга,
Суратдир Жонибек, йўқ танда жони...

1986

БОР ЭКАН

Во дариғ, қайдан билибман, бу аламлар бор экан,
Қўлларида заҳри қотил қайғу-ғамлар бор экан.

Не мусибат тожини бу кун бошимга кийдириб,
Тоқатимни имтиҳон этгувчи дамлар бор экан.

Отганида оташига беаёв қисмат мени,
Мисли ўйингоҳга боққан не одамлар бор экан.

Ким биров кўзимга оташ, дилга таскин берди ким,
Яхшиям, қалби меҳрга не ҳотамлар бор экан.

Шукрилиллаҳким, вужудинг чўғидан ёндирганинг—
Севгимиз зурёди бўлган нурли шамлар бор экан.

Менга дунё тангу тордай эрди бахтим зайлидин,
Қилди иқроқ: менга ўхшаш бахтли камлар бор экан.

Бул ҳаётда бўлма гофил, кўзларинг оч, Жонибек,
Ҳар қадамда соя янглиғ бахтли ямлар бор экан.

1986

СЕВГИ МУЛКИ

Севги мулки ичра яйраб чин яшар ёлғон билан.
Ким бўлиб булбулзабон, ким — оғзида талқон билан.

Ёри кўнглини англаёлмай ўтказар ким умрини,
Умрини ким боғлар ўзга кўнглини олғон билан.

Этмасин дуч тилда аҳду кўзда сохта ёшлару
Руҳи сендан ғамли ҳижрат куйини чолғон билан.

Қайси бахтли розини тан олса бир дилбар магар,
Тил топар ишқ ишқини ишқ кўйига солғон билан.

Тилларинг бурроми, ошиқ, айт висол алёрини,
Қўлларин бўйинингда бўлиб соғиниб қолғон билан.

Жонибек бир бор вафонинг чашмасига қўйса лаб,
Қалби толмас ишқ йўлида ўзи минг толғон билан.

1987

ШОИР — ЭЛ ҚАҚНУСИ

Демишлар: «Ҳар шоир эл Қақнусидур,
Битиги — халқ руҳи, ғам, қайғусидур!»

Шоир дил тори оҳанги баногоҳ
Бу дардчил дунёнинг бир афсусидур.

Шоир умри — замоннинг чўғ вужудда
Гидирган лаҳзалик танаффусидур.

Риёкор этди кўп шоирни дунё,
Ки исми — шеърларни тахаллусидур.

Нечун дунё кўз ўнгимизда гоҳ гуноҳ —
Бу чўлпонлар учун тазаррусидур.

Шоирлар кўксини излар ҳамон ўқ,
Шоирлар ўқ томон гул отқусидур.

Шоир лутфин деманг нечун шикаста,
Ахир бу кечанинг талаффузидур.

Магар шоир сўзи гоҳида тўмтоқ —
Дили — ўзбекидур, тили — русидур...

Жонибек руҳига ҳоким бу туғён
Ғофиллар хайлини уйғотгусидур!

1987

БУ ЗАМНИ

Эк чигитни бу замнига, чиққуси ўзбек униб.
Сўзини соҳсанг юз суҳандон чиққуси хома йўниб.

Бу заминда бир сеҳр бор оналарнинг меҳридек,
Музни ёриб чилла чоғлар чиққуси чечак ёпиб.

Лаб қўйиб тупроғига дардинг шивирларсан магар,
Лола очилгай-да, булбул чиққуси унга қўниб.

Соя солгай кимки бу заминга, ҳар бир ҳовлидан
Ўн Муқанна шамшири-ла чиққуси дулдул дўниб.

Бу заминда неча бедор руҳи аждоднинг ётар,
Унга шак келтирма, бир кун чиққуси биздан тониб.

То замин дориломондир, Жонибекка шубҳасиз,
Ҳар гули жомдир, баҳорлар чиққуси бода суниб.

1988

ОНАМ СОҒИНИЧИ

Соғиниб сизни келардим, онажон!
Қуш бўлиб мисли слардим, онажон!

Кўксингизга бошимни босганча жим,
Бир нафас гўдак бўлардим, онажон.

Интизор кўзлар тўларди ёп билап,
Мен қувонч бирла тўлардим, онажон.

Сирғалиб азиз бошингиз узра қўл,
Соч эмас, қорни силардим, онажон.

Ўжам бўлиб қишлоқда май айёмида
Сизга қирдан гул юлардим, онажон!

Сиз етолмас етти фарзиндан бири —
Мен фақат тўзим тилардим, онажон!

Энди бош урмай неча остонага,
«Кел, болам!» — деб ким чиқар, ким, онажон?

Энди биз кимга суйясак, билмадим,
Ер — бесас, девор турар жим, онажон.

Во ажаб, бу дунёнинг бир камини
Қилса бут охийри бир чим, онажон?!

1988

БЎЛДИ ТУЛЛАБ...

Бўлди туллаб кечанинг товуслари,
Қолди рангларнинг муайян туслари.

Энди борлиққа боқурмиз ўзгача,
Файласуф қилди хато афсуслари.

Сабру тоқатлар талони энди бас,
Кўзни зийрак қилди қайғу ҳислари.

Келди мавруд, силкиниб ҳар сийнада
Уйғонур кул қаъридан қақпуслари.

Қатради бул кун, аё дунёми бу,
Деб чечак, келгач ҳамал, наврўзлари.

Мангу муз қотган заминда қолмагай
Қалби оташли бу эл номуслари.

Кимлигимиз шарҳини айтмоқ учун
Билки, ожиздир замон қомуслари.

Чиқди халқим хизматига мисралар,
Қофиялпарвар кўнгул маҳбуслари.

Жонибек, бир ғайритаъб сўз дема, гар
Даврага чорлар ғазал мухлислари.

1988

ҚАСАМ

Кўзларимга тик қараб: «—Ич, —дер,—қасам!
Бир умр севмоқлигинга бер қасам!»

Тушди кўнглингга қаердан шубҳа, бил,
Шоиру ёр ўртасида шеър — қасам.

Мен қасамнинг қудратидан қўрқаман,
Гарчи кимлардир ҳаётда серқасам.

Токи дувёда яшашнинг қадри бор,
Бил, тирик бирлап ўликка — ер қасам.

Ҳар хиёнатга — қасос — ҳукми азал,
Содиқу сотқин аро шамшир — қасам.

Ул деди: «Қандай ишонай, шеърларинг
Мисрасига гоҳ «забар», гоҳ — «зер» — ҳашам!»

1988

ЁЗАЙМИ МЕН

Нетай, ишқим шоирлардай матоларга ёзайми мен?
Ғазал тордир, юрак айлар видоларга ёзайми мен?

Қаранглар, мен сизнинг ишқ худосидан сазо чиқмас,
Кўнгили арзин ё осмонга — худоларга ёзайми мен?

Имонлини суриб четга, гуноҳингни санаб бир-бир,
Жаҳовда юрмаги асли хатоларга ёзайми мен?

Туғаб тоқат, жами макринг этиб ошкор маҳаллага,
Тили — дому дили фисққа садоларга ёзайми мен?

Кечинглар ишқ балосидан деган қарғишли байтимви
Висолдан мен каби мангу жудоларга ёзайми мен?

1988

УЛ АЖИНМУ

Ул ажинму ё чизиб ўтган фалак тирноғиму?
Айт, қаердан бунча даҳшат — дилда шам титроғиму?

Кўзларим ўнгига кимдур тортди парда — лолагун,
Не ажаб, бу қонли ёшнинг кўзга тушган доғиму?

Бир замон еру самога нақди суянчиқ эдим,
Ушбу кун менга суянчиқ бир юрак ўйноғиму?

Бора-бора дил ситамлар тигини ҳис айламас,
Фарқи йўқ, жабри жаҳон ё дилбарим қийноғиму?

Гангитар бошим тамом гоҳ сир-сеҳрли лаҳза, бу —
Дўсту ёрлар тухфа этган рўзи маҳшар чоғиму?

Ошкор айтсам агар, умрим — пилик, гавдам — чироқ,
Бу чироққа шуъла берган кўзларимнинг ёғиму?

Жонибек сизга недур демоққа жуфтлабдики лаб,
Тил-дили куйган шоир аҳлин у бир аймоғиму?..

1988

ЛОЛА САЙЛИ

Лола сайли элга овоза бўлди,
Ки дийдорингга боқмоқ рўза бўлди.

Даҳанлар бўлди миш-мишлар булоғи,
Қулоқлар ланг очиқ дарвоза бўлди.

Менинг-ку лоладин бўлди дилим хун,
Бу хун ранги юзингга ғоза бўлди.

Тутувдим лола, бош эгдинг — қизординг,
Ҳаёнгга гул наҳот андоза бўлди?!

Юзларинг ёш ювдими, айт, сезмадим,
Мен ўпибми ғозадин тоза бўлди?

Жонибекка ёғди пипқдан марҳамат,
Гарчи кимлар учун восвоса бўлди...

1989

КУНЛАРИМ

Кунларим ўтган не кунлардан садо,
Гар бири бўлса сабоқ, бири — хато.

Бир куним — донога кулган маймуну,
Бир куним — телба ишим ўнглар худо.

Бир куним икки қуёшни қувди-да,
Айлади нодон кўнгул амрин адо.

Истамасманким бугуннинг қаърида
Ногаҳон эртанги кун этса видо.

Шухрату зардан бегона кунларим,
Одамий меҳру вафога бир гадо.

Ўзгалар умрида кўрсам кунларим,
Айлайин умрим фидо, шеърим фидо.

Кунларим, кунлар сурур, илҳомидан
Айламанг бу Жонибекни зум жудо.

1989

КЕЛМАДИ

Кут, келарман тунда, деб айтди-да дилдор келмади,
Йўл бўлиб ёстандиму мен узра бир бор келмади.

Тунни-ку, сўнгига етдим, етмадим ўй сўнгига,
Не сабабдин берган аҳдин қилди инкор, келмади.

Қолмади дунёда ёйинки мурувват, марҳамат,
Келди кимки кимни кутди, менга зинҳор келмади.

Бўлди юлдуз совчи унга, Ой бўлай янга. деди,
Номига қилдим тавалло, қилмади кор, келмади.

Мен ўзимни тонгга етмасман, дегандим, во ажаб,
Сирли олам кўзларимга не учун тор келмади.

Мен-да ҳайрон, тун-да ҳайрон, лол эди юлдуз-да Ой,
Қўлларин бермоққа менга қилдими ор, келмади.

Тун бўйи ҳижрон майин қуйди лабо-лаб косада,
Лоақал бир кўргани тонг олди хумор келмади.

Менда-ку, жон қолмади етмоқ учун сиртмоғинга.
Тантилик йўлида бошимга нечун дор келмади?

Жовибек не айласин унга муяссар бўлгани?
Шеърда қайд айлаб номим, эт дебми тумор, келмади...
!

1989

ЯХШИРОҚ

Бир умр миннатли бахтдан аслида ҳам яхшироқ,
Бахтми, давлатми магар бўлса бири кам, яхшироқ.

Салтанатда шоҳ бўлиб, гар бўлмаса шоҳ сўзларинг,
Тенгу тўшлар даврасида урганинг дам, яхшироқ,

Қанчалик ёғду берарди сенга ўзга машъали,
Камтарин кулбанг ёритган тамасиз шам яхшироқ.

Ташна чоғингда сароб дарёсидан не манфаат?
Берса баҳра, битта киприк тутгулик нам яхшироқ.

Элни кўрдим мен азобда баъзи кас вос-восидан,
Ваҳми ҳайбатдин кўра бошни этиш хам, яхшироқ.

Жовибек, минбадъ гуруннга чорлама лоф қавмини,
Даврамизда хокисорлар бўлсалар жам, яхшироқ.

1989

ЙИҒЛАГАЙ

Ўзбегим, руҳимда иймон йиғлагай,
Ўртаниб кўксимда бу жон йиғлагай.

Ютганинг заҳқум замона зайли деб,
Сенга йўргак — еру осмон йиғлагай.

Қилиб шаҳидларин шому саҳар ёд,
Қон сизиб захмида Қўқон йиғлагай.

Қанча ўгли ўққа афғонда учиб,
Онаизор — Ўзбекистон йиғлагай.

Уриб бошин темир тобутга бир-бир,
Онажонлар бағри бирён йиғлагай.

Токи гулхандай ёнаркан қизлари,
Чора топмай ўзбегим қон йиғлагай.

Ёши бирла оқса ҳам бу халқ кўзи,
Қолса бас бир сўнгги мужғон, йиғлагай.

Қўзи кулгай, дўст дединг ким-кимни сен,
Бир куни гар сенда виждон йиғлагай...

Ўзбегим, чеҳрангда кулгу урса барқ —
Розидир гар якка Субҳон йиғлагай!

1990

ҚАРЗ

Замондан битта жон қарзман, заминдан-жисму тан,
ёлғиз,
Ўзимга ўзлиги фарзман, ки менга бу Ватан ёлғиз.

Жаҳон — бу бебақоликдур, умр — сузган туман,
ёлғиз,
Имон — руҳий даҳоликдур, дил унга анжуман ёлғиз.

Билинмас кунми бу, тун ё? Тикан — тўда, суман —
ёлғиз,
Кетиб бормоқда бу дунё бўлибон юз-тубан, ёлғиз.

Сурар лашкар осий иснод, эвоҳ, титрайди шаън
ёлғиз,
Этай деб ўзлигим исбот ютарман оҳни ман ёлғиз.

Магар нафс дилга хоҳишдур, солар тоат кишан,
ёлғиз,
Ҳаётда кимга ком зар, дур — буюргай бир қафан
ёлғиз...

Чонишгай ким жаҳон бирлаки йиртилгай чатан
ёлғиз,
Сира ҳам қўйма тақдир-ла жаҳонни дафъатан ёлғиз.

1991

АЛДАНУРМЕН

Мен замонда алданурмен, алданур менда замон.
Мен руҳан ўзга кишимен, зоҳиран бошқа ҳамон.

Тақдиримдан очди фоллар, ким ўйин қилди уни,
Бошим узра чалди қарсак ўша тақдирбоз шомон.

Ё ҳаёт солгайми дилга телбалик исёнини,
Бирда — Машраб, дорни қўмсар, гоҳ Насимийдек —
СОМОН...

Мен дедим: қаддингни ростлай, гарчи дол қилдинг
мени,
Зурриётингмен, ҳаёт, эй, хоҳи яхши, хоҳ ёмон.

Шам билиб дунёни, аҳдим эрди бир парвоналик,
У экан яллиғли гулханки, тили — ҳақлар томон...

Кимга тутгандир замон гул, менга боқди мисли тул,
Менда — унга, унда — менга жовдирар етим гумон.

Йўқ ҳаёт захмига малҳам, ҳам ишончинг дарзи бор,
Токи оқсаб тентираркан кўзалари ўйиқ имон.

Менга мушкулдир баногоҳ тўрт мучам соғ бўлмаги,
Эй ҳаёт, сен! Эй жаҳон—сен! Ал-омон бўл, ал-омон!

Забт пла эртанга учган бир умид пайконимен,
Умри боқий ул ҳақиқатдур мени отган камон.

Неча зот ҳайқирди ҳақмеп, дебки, тасдиқ этди дор,
Ҳақлигин тан олдиришга Жонибекда борми жон?!

1991

БИРИ КАМ

Дегайлар, асли дунёнинг бири кам,
Бирида чўғ кўзип, ўзгасида пам.

Умр ўтмоқдадир дўстларга илҳақ,
Қачон кўрдинг, дилим, дўст даврасин жам?

Юрак амри мудом қистайди дўстга,
Бироқ дўстларни ҳар ён сачратур гам.

Азал дўстдан садоқат кутмадим ҳеч,
У деб битсам-да ёниб мисли бир шам.

Йигит қўлин баланд айлар-да тақдир,
Олиб қасдиға бошини қилур хам.

Тилини сўз учун айлар-да бурро,
Даҳанини ёпар урдирмайин дам.

Ками-кўсти учун балким жаҳоннинг
Яралгандир ямоққа Жонибек ҳам?!

1991

ТҮСДИ БУҲРОН

Тўсди буҳрон йўлни бизни бир элай деб чош билан,
Сўзлашур ул беписанд бамисли сирри фош билан.

Кимки шoirликни қисмат деб билур, гул кутмасин,
Кутди ҳар қайси замон ўз шoirини тош билан.

Отмади-да кўммади ким-кимни беқабру кафан —
Кавлатиб рамзий қабр сўнг кўзда ёлғон ёш билан.

Ким келиб ким кетмади ўткинчи даврон тахтига,
Кетди туғлаб юзга, кимни сийлагандик ош билан.

Қадримиз қаддини қилдай қилди қуллуғлар, қаранг,
Ким оёқ қўйди қаерга, бир борибмиз боп билан.

Ўйлатур: қолдими сўзда шарққа хос зийнат ва руҳ?
Ким етар эртанги кунга сочи малла Шоп билан?!

Шеърга айтмай кимга айтсин Жонибек арзин, замон
Гар юракка солса чангал бир чимирган қош билан!

1991

ЗАНГЛАДИ

Боқа-боқа, ёр, нигоҳим занглади,
Мен нағал бўлдим-да, лоҳим занглади.

Ёру дувдан умидим қолмагач,
Дилдаги иймон — плоҳим занглади.

Кўа ёшимдан ортди осмон тарлиги,
Шунча ёғду бирла моҳим занглади.

Шода куртакдай эди орауларим,
Очмайин гул сўлди — шоҳим занглади.

Қолмади кўксимда оташ яллиғи,
Тоблана олмасдан оҳим занглади.

Негаки майл айладим излаб савоб,
Бўлибон қат-қат гуноҳим, занглади.

Қайга бошимни урай бориб, ахир
Мен сиғинган қиблагоҳим занглади.

Айтдилар, нолийди бир дўст: «Жонибек
Билмасин, йўлида чоҳим занглади!»

1991

ҚОШИНГМИ

Қошингми ёки қаддим бўлди ёроқ?
Наҳот севги дегани ғам-жафороқ?

Сену мени никоҳга олдимни ғам,
Тўшагида хаёлнинг учтамиз — тоқ?

Бўлибмен афтидан ишқингда банда,
Вафодан беҳабар сен-чи, худороқ.

Этарга сувратин бахтимни тасвир
Керак топилса ранг тундан қаророқ.

Менинг дардим нечоғликдур, сезишга
Топилса дил дилимдан серяороқ.

Десам, бир менмидим қайғуга ботган,
Ўзи дунё экан мотамсаророқ.

Дедиларким, азал одам ва олам
Йўлини танлагандур ғам аророқ.

Бу ишқ йўлидаги кўп Жонибеклар
Висолга етмаган соч бўлмайин оқ...

1991

ДУНЕ

Хоҳи кеел ё хоҳи кет — дунё дили тўқдир бироқ,
Келмаган бор бўлса бордир, кетмаган йўқдир бироқ.

Ким таваллуд топдию дунёни излаб очди кўз,
У нишондир, барча дунё ғамлари ўқдир бироқ.

Сарсари чопқуси кас остоналарга бош уриб,
Бир уюм кул умридап қай бир йили чўғдир бироқ.

Дил, инон, дунё яралганмас вафо хайли учун,
Лутфи ким-кимларга, менга қилгани дўқдир бироқ.

Турса ҳам бошимда тазйиғи, пинакни бузмадим,
Бўлмагум кўз ёшда ғарқ, менга руҳим—Нухдир бироқ.

То юрак тешгай экан кўксимда — ғам зиндонда,
То оёғим ерда турғайки, бошим — кўхдир бироқ.

Қайда охир-аввали, моҳиятин айт, Жонибек,
Не турар дунёйи дун — дунё бўлиб уқтир бироқ!

1991

ТАСКИН

Ишон, дунё азалдан сохталикдур,
Ки тўғрилар иши қийноқдаликдур.

Яшаб дунёда ким дунёни топмас,
Қидирғон умри мисли чоҳдаликдур.

Азал дунё эгилган эгриларга,
Бу ростлик милтиғи бўш — пахталикдур.

Гоҳо шак келтириб бўлмайди: Қисмат
Тикан ва гул каби бир шохдаликдур.

Жаҳон-ку биз сифат кўпларни кўрган,
Умр тулпори бизга тахталикдур...

Ҳаёт шаънига арзирми саломинг —
Замин очса қучоқ — лойиқ алиқдур.

Жаҳон унвонларини қўмсовчи касга —
Буюги — хокбобо — тупроқдаликдур.

Умидлар берди таскин Жонибекка,
Тирикки, қисмати — чин роҳдаликдур.

1991

КАМ-КАМ

Жаҳон кўрган вафо аҳлини кам-кам,
Вафо аҳли аро бахтлини кам-кам.

Кўрибмен салтанат тахтида кўпни,
Муҳаббат мулкида — тахтлини кам-кам.

Риё тожини кўплар кийдилар, воҳ,
Танишди сидқига аҳдлини кам-кам.

Маром карвонига қўшиб ҳаёт, сўнг
Қуритар силласин шахдлини кам-кам.

Нетай, жонимга ортиқроқ азоб йўқ
Қўрардан толеи вақтлини кам-кам.

Берибдур кимга ипқи ташқи пардоз,
Юракка сезмаган дахлини кам-кам.

Бериб ипқ кимга гоҳ тиф сингари шахд,
Гаҳи айлар талон ақлини кам-кам.

Ажабланманг, қилиб ипқ шукрини мен
Чиқарсам толеим жаҳлини кам-кам.

Вафо айлаб, жафо захмини тортиб,
Йўқотур Жонибек шаклини кам-кам...

1991

МАДАД

На мададкор бўлди ёр, на бўлди осмондан мадад,
Не замон бу, келмагай ўз жонима жондан мадад?!

Ҳар маҳал кутдим мурувват битта чанқоқ майсадек,
Саргайиб ўтдим кутиб ўткинчи найсондан мадад.

Неча иқлим бўлса етди чин таваррум оҳлари,
Ки бу умрим кечди истаб турфа ёлгондан мадад.

Мен умидим боғлаган, дўстман деганлар аллади,
Мен ўтибман ахтариб ўткинчи ҳар ондан мадад.

Тарқади ўйдан туманлар, чун зилоллик фасли бу,
Келди танга — шу заминдан, дилга — иймондан мадад.

Кетди боқишдан ҳаволар, фикру ўйдан кетди гард.
Балки ҳақдан бўлди имдод, балки «Қуръон»дан мадад.

Жонибекка ҳар қачонки етса етқайдир фақат
Якка ёру бир худо, бир Ўзбекистондан мадад!

1992

МАШРАБОНА

Қўлимда не сабаб тош йўқ?
Ё шунданми, бир издон йўқ.

Келар дуч йўлда тилдошлар,
Лекин бир дона дилдош йўқ.

Замон рўйим сомон қилди,
Ки унда кўз билан қош йўқ.

Бўлиб Моний, юзимга ранг
Сурувчи зукко наққош йўқ.

Дилимдан қон томар тинмай,
Кўзимда номига ёш йўқ.

Хаёл довдир оломондек,
Солувчи йўлга бир бош йўқ.

Одам зотин элаш-чун ё
Хаёт илгида бир чош йўқ...

Кетар гар Жонибек, дунё
Демасми: «Битта авбош йўқ!..»

1992

КЕЛГАН ЭКАНМИЗ

Тарихдан бош олиб келган эканмиз.
Не бош олиб, нолиб келган эканмиз.

Бору буддан бўлиб етмиш йил айро,
Хаёл, ўйда голиб келган эканмиз.

Қизиллик гоёси макрини билмай,
Гўё гофил қолиб келган эканмиз.

Курашга чап бериб, гўё курашга
Фақат тилда — толиб келган эканмиз.

Бериб ўтмишга бор карнай, довулни,
Созин кимнинг чалиб келган эканмиз?

Ажаб, дунёни чин иймонга элтар
Йўлин чапга солиб келган эканмиз.

Ҳаёт шу: ўзгудай ким Жонибекдан —
Оёғидан чолиб келган эканмиз...

1992

СИҒМАГАЙ

Ишқдаги оҳим газалга сиғмагай,
Дил кезар роҳим газалга сиғмагай.

Сизмаган янглиғ жаҳонга гоҳ ўзим,
Севган ул моҳим ғазалга сизмагай.

Айладим жойида ўзни мисли тоғ,
Шунда ҳам оҳум ғазалга сизмагай.

Унга не арзим, на тухфам кор этар,
Мағрурим — шоҳим ғазалга сизмагай.

Қилса ҳам кўнглига ишқ, дардимни жо,
Сирли оллоҳим ғазалга сизмагай.

1992

БЕАДАД

Бу ҳаётда ўзлигин минг кўйга солгон беадад,
Ўз йўлида бу ҳаёт пандини олгон беадад.

Ҳар гиёҳу гул, ниҳолнинг бор қадимий ҳикмати,
Англамай токи унинг пойида қолгон беадад.

Бор машойихким йигит шаҳдин қиличга тенглатур,
Ҳар хатоси чун рақиб, пойини чолгон беадад.

Нечалар бор, ўзлигин кўнглида билгай шаҳсувор,
Лек ҳаёт сўқмоқларида салту толгон беадад.

Пасту рости кўп замоннинг ҳар саси мушкул илм,
Қушга дом янглиғ одамга сирли ёлгон беадад.

Бу ҳаёт мушкул ҳадислар мажмундур, Жонибек,
Аҳли даврон англамас дардингни, тўлгон беадад!

1992

СИРЛИ БАЙТЛАР

Нечун руҳим бугун ғавалга мойил?
Қаердан унда бу янглир тамойил?

Шивирларми табиат сирли байтлар,
Ки бўлса бу сатрлар менга ноил.

Бу балким оташин ишқ мўъжизоти,
Кўзим ўнгида балқир бир шамоийл.

Замон қилган экан бизларни даҳрий,
Этиб ҳайрат ҳисига бизни сойил.

Гўзаллик қошида мудрайди туйғу,
Наҳот сеҳри билан шеър қилса қойил?

Очиқдур кўзлару лоқайд ниҳоят,
Гоҳо мен шубҳада: «Е қолмади дил?»

Муҳит-ку, қилди гунг, лол Жонибекни,
Зеро битса эди байтимга ҳам тил...

1992

ҒАМЛАР

Писанд этмай, мени ҳатлаб ўтар ғамлар,
Дилимда неки бор, хатлаб ўтар ғамлар.

Гўё ҳар одимим янги хатар пойлар,
Билолмасмен, недир матлаб — ўтар ғамлар?

Қувиб солса эшикдан гоҳи огоҳлик,
Келар бот дарчадан додлаб, ўтар ғамлар.

Кўнгулдан кун-бақун қувғин эрур рағбат,
Гўё қаддим букиб — қатлаб ўтар ғамлар.

Мени у изғирин ҳисларга дуч айлаб,
Дилимни орзуга ёглаб ўтар ғамлар.

Бошимни тенг қилиб йўл тошлари бирлан,
Ғанимлар кўнгини шодлаб ўтар ғамлар.

Хайрли ишларим бир-бир этиб барбод,
Хатомни жаҳд ила ёдлаб ўтар ғамлар...

Жаҳон корин деса гоҳ Жонибек бадъ,
Ўзидан гоҳи ҳайҳотлаб ўтар ғамлар...

1992

ДУНЁ ЭКАН

Аҳли одамни элаш-чун қўли чопи дунё экан,
Кимга айлапти вафоқим, бу талош дунё экан.

Не мунофиқларга ҳомий, не палидларга сахий,
Бир мурувват мустарига бағри тош дунё экан.

Ким берар бой бахти нақдин, ким-чи, йўқ бахтига
зор,

Во ажаб, дилда кадарлар, кўзда ёш дунё экан.

Кўрмадим ҳақ расмидек бир адлу додли тақсимот,
Тахтада чориқли оёғу тигда — бош дунё экан.

Устиворлик қилди ҳар ерда жафоқаш хайликим,
Бир-бирига бевафо кўз бирла қош дунё экан.

Кўнгли очиқларга ёшиқдур бу дунё қопқаси,
Ким мунофиқроқки, унга сирри фўш дунё экан.

Кўҳна дунё, деб олармиз ушбу ёлғондан ҳузур,
Биз — қариб ўтгувчи, афсус, мангу ёш — дунё экан.

Янглишур, енгил қилай дер кимки дунё ташвишин,
Жонибекнинг устига дарди қалош дунё экан.

1992

ДЕЙДИЛАР

В оажаб, ипқ расмидин кўплар ипкоят, дейдилар,
Ишқдаги розу қасамлар сохта оят, дейдилар.

Миндириб чўп отга сўнгги йўлга шоптирганда эл,
У саодат юртига етди ниҳоят, дейдилар.

Мен ётай тупроқда хор, кўз тапламас бир карра ёр,
Ушбу хулқни гарчи ишқ хайли жиноят, дейдилар.

Кимсалар бор, ипқдаги жами садоқат қиссасин
Барчаси уйдирма, мозийдан ривоят, дейдилар.

Неча ошиқ бор жаҳондаки, баногоҳ бер савол,
Ҳар бири ўз ишқидан янги ҳикоят дейдилар.

Ишқда мажнунлик каби неча тариқат бор азал,
Кимга — Мажнун, кимга — Фарҳоддан ҳимоят, дейди-
лар.

Ишқни шарҳлаб, охири мадҳи учун шеър ёзди бир,
Ишқ расмин Жонибек англапти шояд, дейдилар...

1993

РАЙХОН ҲИДИ

Сайдулла Абдуқодировга

Не учун райхон муаттар? Чунки унда ёр ҳиди.
Севгим ортар унга бадтар — унда ёрпинг бор ҳиди.

Ёққанидан ёрга райхон бўлди райхонзор очун,
Мен очунга боққаним он анқиди дилдор ҳиди.

Ўхшашин ҳеч топмадим, бул сингари хуш ҳид нечун?
Келмагай монанди ҳеч гул, чунки у дийдор ҳиди.

Топмасам дунёда мангу хуш бўйи армон эрур,
На гиёҳ, на гулда бор, у — бир ошиғи зор ҳиди.

Кўрсатур наздимда таъсир унга на йил, на фасл,
Айлагай ёш дилни асир, ул наҳотки хор ҳиди?

Мен ғарибки етти иқлимдан-да уни топмадим,
Ростми, ёлгон изладим то эсди бошдан қор ҳиди.

1992

ЙИРОҚ

Қанчалик ҳис қилдим ўзни мен сарв қаддин йироқ,
Шунчалик дилда тало-тўш, қилди роҳатдин йироқ.

Билмадим, не бўлди содирки, мену ёр орамиз
Ўй-хаёлнинг йўлидек бўлди ғоят ҳаддин йироқ.

Ҳолимиз балки забундир, кўзларимиз ёши хун,
Гарчи биз бахтдин йироқ, лек ҳар кори бадъдин
Йироқ.

Солмади не кўйга бизни ёрдин айролиқ гами,
Во ажаб, ул айлади май бирла улфатдин йироқ.

Розидурмен, якка менга боқса неча дард, бало,
Матлабим шу: бўлса дунё турфа кулфатдин йироқ.

Ўз-ўзимга йиғлагаймен, ҳам бериб таскин, юпанч,
Зорланурмен, қилма деб умримни хилватдин йироқ.

Бош қўйиб дилбар оёғига қилар дам рози дил,
Илтифот айлаб, забонин тутса бас раддин йироқ.

Тутса ҳам у ўзини гоҳо чунон беилтифот,
Ким кўрунбдур боғ аро гулни тароватдин йироқ?

Дейдилар: икки гўзаллик рамзига хислат будир —
Тушмагай холи лаби устидаги хатдин йироқ...

Майли, мен парвона янглиғ ўзни шамга урмасам,
Жонибекни бир қуёшча айла зулматдин йироқ!

1992

ДЕР ЭДИМ

Ким мени келгай сўроқлаб, дер эдим,
Шартини дўстликнинг оқлаб, дер эдим.

Тонг улангай тунгаю дил — шубҳага,
Кетди ошнолар йироқлаб, дер эдим.

Сўзи лофу аҳди ёлғонлармиди,
Кимки дил боғловди хоҳлаб, дер эдим.

Во ажаб, жоним нисор этсам, улар
Завқ оларми дилни доғлаб, дер эдим.

Шувчалик тақдир риекорми, ҳаё
Пардасин тиккан қуроғлаб, дер эдим.

Қилмайин пушмон, десанг гар, Жонибек,
Қўйма ҳеч кўнглингни боғлаб, дер эдим...

1992

САМО

Оҳ, бу тун нечоғли юлдузлик само!
Мунчалар синчков, хумор кўзлик само!

Туймагандим меҳрини ҳеч бул қадар,
Меҳрибонки, мисли ўз-ўзлик, само.

Бўлмаган ҳеч англамакка эҳтиёж,
Ул экан, мисли шуурсўзлик само.

Бу не бахт, ёғилса бошинг узра нур,
Бўлмасин бошингда ҳеч музлик само.

Қўл дуодаю тилимда илтижо —
Қуч мени доим дала-тузлик само.

Жонибекнинг дилу элу йўлига
Қасб бўлсин шутлаафрўзлик, само!

1992

КИМ БИЛАР

Ким билар севмай бу севги — гамлигин.
Ҳам бу ғамда неча шодлик жамлигин.

Ер билармикин, ғазабнок кибрининг
Ўқлари учган нишон — сийнамлигин?

Ёш эмас, кўзлардан учқун сочамен,
Чун рақиблар кўрмасин деб намлигин.

На кўрар ёр, на ўлим кўргай, бу бош —
Битта оллоҳдан бўлакка хамлигин.

Кимни қойил айлагай парвоналик?
Кимга исбот айлай умрим шамлигин?

Шартми дуч келганга айтмоқ, ҳайқириш,
Сен билан ҳар бир нафас байрамлигин.

Тан олурсен, Жонибекнинг, ҳар тугул
Сен учун жони фидо маҳрамлигин.

1992

ДЕМАГАЙ ЭЛ

Кирдикорин кимнинг эл айлар сазо,
Қилмяпин кимнинг ёнар бир кун қазо.

Кетмагай изсиз бирон яхши, ёмон,
Барчасига бор мукофот ё жазо.

Ким ўтар ўз айбларидан боши хам,
Ким жаҳонга келганидан норизо.

Норизодир қайси баттол, нега ҳам
Сочмадим эл ўртасига, деб, низо.

Ким яшар дунёда битта қорни деб,
Истагай ким руҳу иймонга ғизо¹.

¹ *Ғизо* — озиқ.

Лаҳза холи бўлмадим эл дардидан,
Тингласа ҳамки суханларим казо.

Демагай эл Жонибекнинг ортидан:
«Гарданида кўпдур айбу ҳоказо...»

1992

ОҚСАРОЙ

Бунда ҳиссиз замона уқмас мазмун ётипти,
Оқсароймас, мозийдан фарёду ун ётипти.

Замон зайлларида, ғаним майлларида
Бобокалоним Темур олмаган хув ётипти.

Бу ерда мозий билан Моний аралаш хокдур,
Ачомлаб бир-бирини тун билан кун ётипти.

Ҳар бир ғиштида нидо, ҳар бир нидода — худо,
Доди етмай худога ерда гардун ётипти.

Бежизмас бу манзара, инсон, орқангга қара,
Сенинг, менинг ўтмишим — рўйи зардим ётипти.

Бу — бекафан кўмилмоқ, ўз қонида чўмилмоқ.
Гўрталар, дахмабузар ёвуз очун ётипти.

Бузган — ўз хели-хептим, ўзлар ташиди ғиштим,
Дея нолаю дарди пича маҳзун ётипти.

Гарчи мангулик бебок, йиллар унга солар чок,
Саройми, қадим замон кувшайкун ётипти?

Бу улуғвор харобот гарчи дилим қилур шод,
Лек Жонибек дилида тарқалмас тун ётипти...

1992

БАНОГОҲ

Сезилгач дилда хушторлик баногоҳ,
Бу элда ошди ҳушёрлиғ баногоҳ.

Ишқ деган сирли ўйинлар бор экан,
Яна у бирла хумморлиғ баногоҳ.

Яна ёрнинг ҳаво, кибри бўларкан,
Осилсанг қилгуси дорлиғ, баногоҳ.

Таниб бўлмас, сени не қуршагандир,
Олар бағрига ёт борлиғ, баногоҳ.

Нигоҳимга жаҳон гофилдек эрди,
Яна касб этди у торлиғ, баногоҳ.

Издан юрмагим учун нигоҳи
Берарми менга бир ёрлиғ, баногоҳ.

Бошим оstonасин меҳробин билди,
Демай ўзи учун хорлиғ, баногоҳ.

Суриштир, Жонибек, Мажнунми, Фарҳод
Чекипти бу қадар зорлиғ, баногоҳ?!

1992

АРЗАНДАМАН

Гарчи тақдир мулкида арзандаман,
Бахт бўлинган дам кечиккан бандаман.

Йўқ эрурмен қайда шодлик жунбуши,
Қайда сирқир қон юракдин, анда — ман.

Дилни дилга ишқ магар пайванд этар,
Ё раб, ишқ боиси парокандаман.

Берди гарчи ишқ нури менга жило,
Ётти ётга — яхши, ёрга — гандаман.

Йиғлагай дил мен кулиб юрган билан,
Кимга—кўз ёш, кимга — ҳоли хандаман.

Гарчи фикрим эгнида зарбоф эрур,
Наздида кимнинг — чопони жандаман.

Гоҳи-гоҳ осмонда Жонибек руҳи,
Бу гуноҳкор жопи асли тандаман.

1992

АЙБИМИЗ

Сўз бериб, қилдик вафо, шу айбимиз,
Оҳ демай чекдик жафо, шу айбимиз.

Аҳли дўстдан кечмадик, дўст кечса ҳам.
Айладик бурчини адо, шу айбимиз.

Танлади қай дўст хиёнат роҳни,
Қилмадик лек биз хато, шу айбимиз.

Ким имонни сотди-ю, бизга имон
Айлади тоқат ато, шу айбимиз.

Етказур тазийе фалакнинг шумлиги,
Дилда йўқ шум муддао, шу айбимиз.

Дўст учун минг жонни қилсаж ҳам фидо,
Қилмадик ҳеч иддао, шу айбимиз.

Тўғриси ёруғ жаҳоннинг айшини
Кўрмадик жонга раво, шу айбимиз.

Камтаринмиз, хоксормиз ер қадар,
Хулқимизда йўқ ҳаво, шу айбимиз.

Қилсалар ҳам Жонибекка минг фасод,
Тилда доим бир наво: «Шу айбимиз!»

1992

НИГОР

Бўлса айбим ё гуноҳим, айт, нигор!
Айтмасанг бўлғуси кеч ул пайт, нигор!

Тун ва кун ҳаққингга айларман дуо,
Қисматимга бўлма деб лоқайд, нигор.

Якка-ёлғиз мисралармиз иккимиз,
Кел, бўлайлик бир мукамал байт, нигор!

Бизни ҳар ён бошқарар кибру ҳаво,
Ки муҳаббат дер: «Ўзингга қайт, нигор!»

Сиздириб тақдир пешонагга мени,
Манглайимга қилган исминг қайд, нигор.

Севги шахди балки сор этди сени,
Айладингми дил қушимни сайд, нигор?

Жонибекни асра вақт тазйиғидан,
Умрим ўтгай бир дегунча «Ҳайт!» выгор!

1992

ҲАҚ СЎЗ

Демай ҳақ сўзни бизга қиссагўйлар,
Заҳил бўлди неча йил рангу рўйлар.

Тутиб домида етмиш йил басирлик,
Ниқоб тортди юзига фикру ўйлар.

Тузум қотил экан, жаллод — даҳоси,
Риё бўлган экан бор гуфту гўйлар.

Бари ёлгон, деди, ахийри ровий,
Ким ўтмиш номидан шодона сўйлар.

Тубанга ботинан мункипти даврон,
Баладга зоҳиран ўсганда бўйлар.

Ётувди салтанат четда ичиб қон,
Деди амрин замонга кўча-кўйлар.

Ниҳоят, Жонибек покланди даврон,
Юзини ҳаққа бурди феълу хўйлар...

1992

КИТОБ ГЎЗАЛИ

Қошларинг олдида чин меҳроб ололмайдн алик,
Битта меҳроб — сенчалиқдур, битта сен — меҳробча-
лик.

Оқсарой меҳробларин бой берган эрди бирма-бир,
Шукрилла, сен бўлибсан икки меҳробга молик.

Бўлди меҳробин йўқотмоқ кўп замон машқи, ва лек
Ўтди меҳробсиз замонлар мисли зумлик хобчалик.

Зоҳиран меҳробларингга сажда этдим, сезмадинг,
Бўлса ҳам икки аролик мисли кўҳи Қофчалик.

Қўлларингдан туз едим — меҳроб қадар бўлдинг азия,
Ки сўзим қадрин ҳисобга олмагин бир лофчалик.

Асли шоир қавми ишқ бобида ҳаннос моҳири,
Дил каломи Жонибекнинг, ҳар тугул, инсофчалик.

1989 — 1992

СЕВМОҚ ИШИ

Қаерда қилди ишқ илк бор дучор сену мени охир?
Ки шу дамдан сезилди қанчалик севмоқ иши оғир.

Ўзинг солдинг кишанга аввало бор ихтиёримни,
Оёғу қўлларим боғлаб, қилиб ноз-ғамзалар моҳир.

Ривоятдек эди менга азал мажнунлари ҳоли,
Жаҳон кўрди: бугун менда замон мажнунлиги зоҳир.

Улуғлай ишқни деб келганмидинг оламга сен асли,
Кўзимга сен туфайли бу жаҳон—соҳир, янаш—соҳир.

Тушундим мен бугун ишқни: нечун Зухро кўзи ёшли,
Нечун сандиқни ишқ бешиги деб оққан экан Тоҳир.

Ҳаёт кўз олгудек ранга ва йўллар интиҳосиздек.
Бу туйғудан ўзим кайфу қўлимда бу жаҳон — чоғир.

Башарти Жонибек ишқ бирла ҳамдам, ҳамнафас
эркан,
Руҳи енгил унинг доим, тани—собир, дили—шокир!

1992

ЭТСА

Келар омад йигитга қўнглини гар шахд сўроқ этса,
Умидим ўтган умримни келиб бир вақт сўроқ этса.

Дилим — кулбам эрур, бир кулбадир, эшиклари ланг-
дир,
Демай оқшом, демай кундузки, дўсти нақд сўроқ
этса.

Ҳаётда токи ишқ бордир, вафо бор, бевафолик бор,
Қани, қўнглини ҳар ошиқнинг келиб чин аҳд сўроқ
этса.

Аламдан дейди бир ошиқ: кетарди чокидан дунё
Келиб Фарҳоду Мажнунни агарда бахт сўроқ этса.

Шикоят этма тақдирдан магар шоҳликни бермас ул,
На биз Дорою Искандарки тожу тахт сўроқ этса.

Замона зайлини гар Жонибек англар, асабданмас,—
Ақлдан, денг, дилин исёнга чорлаб жаҳд сўроқ этса...

1992

ЎЗБЕГИМ ЗУРЕДИДАНМАН

Биливгики, ўзбегим зуредиданман,
Қадим қипчоқларим ҳур ёдиданман.

Эдим мозийда мен отлик, қиличлик,
Бугун шахд тоғининг Фарҳодиданман.

Бошимга солди соя неча гоя,
Бир алданган аср авлодиданман.

Қоним сочилмади беҳуда қайда?
Куюкбағир она фарёдиданман.

Замини жаннату раййати пок
Ки эртанги кунни ободиданман.

Бир айёмлар бўлиб юлдуз билан эл,
Очилган фолидан ношодиданман.

Нетонг, тегди бу тонг кўксимга эпкин,
Дедики: «Яхши кунлар бодиданман!»

Урар гоҳ Жонибек бошини ҳар ён,
Қочай дебми дилим оҳ-додидан-ман?!»

1992

ҲАР ДАМ

Қилиб йўлимни банд ҳар дам,
Ҳаёт бермоқда панд ҳар дам.

Неки орау эди бир пайт,
Этар менга каманд ҳар дам.

Ҳаёт дер, зулму озорга
Этарман орзуманд ҳар дам.

У умрим хулқи хуш бирлан
На этди аржуманд ҳар дам.

Рухим, бошим гурур янглир
Нетар этсанг баланд ҳар дам?!

Доғ ўлгач қатма-қат бу дил
Калом бўлғайми қанд ҳар дам?

Шукр, дилга берар таскин
Еру дўст, Тошканд ҳар дам.

Барин қўй, Жонибек, бўлма
Маъюсу мустаманд ҳар дам!

1992

КАМЛАРДАН

Ўзинг оламда камлардан,
Кўзингни асра намлардан.

Фараҳли доимо дунё
Сенинг янглиғ санамлардан.

То бу оламга сен зебсен,
Ўзингни тий ҳашамлардан,

Муҳаббат — бу умрбодлик,
Нишона нузли дамлардан.

Муҳаббат қасри — бу тангри
Уйидек муҳташамлардан.

Шу боис у мудом юксак
Турар турфа қасамлардан.

Топар бахт, ким уни олиб
Ўтолса қайғу-ғамлардан.

Бўлай парвона мен сенга,
Ҳаёт — ёнишда, шамлардан.

Илоҳим, асрагин, боши
Вафо қошида хамлардан.

То сен бор, Жонибек роҳат
Олар ҳатто аламлардан!

1992

БИЛМАДИМ

Дўстми ё душманлигинг бу, билмадим,
Кулганингми ё йиғинг бу, билмадим.

Менга юз нозу фироқ-ла тутганинг
Гулмиди, пинҳон тиғинг бу, билмадим.

Нечалар маккор деганди сени хўб,
Раддиявг ё тасдиғинг бу, билмадим.

Лабларингда жилмайиш, кўзда қаҳр,
Ё райинг, ё тазйиғинг бу, билмадим.

Кипригингми, ё юрагимни кабоб
Этгани тайёр снхинг бу, билмадим.

Қилмишинг гоҳи ғазаб, гоҳ илтижо,
Ё гадо, ё шоҳлигинг бу, билмадим.

Завқ олурсен мен азоб чеккан сайин,
Севгидан ё мастлигинг бу, билмадим.

Тилларингда гоҳи-гоҳ қисматга шак,
Жонибекка ё дўгинг бу, билмадим...

1992

СИҒМАС

Ғамим юклогли карвон йўлга сиғмас,
Бу карвон оҳи ҳам ўнг-сўлга сиғмас.

Дилим орзулари — оққуш мисоли,
Кўзим ёшига лиқ қўш қўлга сиғмас.

Яқомни чок этиб ташлапти тақдир,
Шу боисданми, у ҳеч қўлга сиғмас.

Тегирмон бу ҳаёт-ку, айланар, лек
Бошим унга қўйилган дўлга сиғмас.

Кишанни кўрмаса ҳам қўл-оёғим,
Нодон руҳ дерки «бўйним гулга сиғмас!»

Менинг кифтимдаги вазмин азоб-дард
Кини тортган бирон мушкулга сиғмас.

Бироқ кўнгилда ярқ этган умидлар
Ҳали лаб очмаган ҳеч гулга сиғмас.

Бу кенг юрт ҳаммани оғушга олгай,
Демаг: «Бу Жонибек тоғ-чўлга сиғмас».

1992

КУТАРМАН

Кутарман, ёр келиб маҳзун дилимни шод этарму, деб,
Умидсизлик хароб этган уйим обод этарму, деб.

Ганимлардин ниҳон ёшим кўриб кўнгилда ул ногоҳ,
Бўлиб жўр меш билан бирга, у ҳам фарёд этарму, деб.

Келиб тун кулди устимдан, қара кўнгли қаролигин,
Келар такрор синашга, дилбари ҳеч ёд этарму, деб.

Ўзим — кўзларга эркиндек, бироқ кўнгул кишанбанд-
дур,
Нигорон ул, кишан-ғулдан келиб озод этарму, деб.

Ахир кибру ҳаво лойиқ ровийлар сўзлаган ишққа,
Кутарман камтарин ишққа мени имдод этарму, деб.

Менинг қайноқ дилимдан ўзга мулким йўқ, адашгай-
сен,
Магар десанг келиб олтин тоғин бунёд этарму, деб.

Сенинг янглиғ рақиблар ҳам кутар, бу Жонибек
шаксия
Муҳаббат бир баҳона, бор жаҳондин дод этарму, деб.

1992

БИР КУН

Қолар кўҳна жаҳон сендан-да бир кун,
Кетар ширин бу жон сендан-да бир кун.

Токи дунё, ҳаёт сирларга ҳилқат,
Бўлар бир сир аён сендан-да бир кун.

Сенга меҳр билан лиц дийдалар ҳам
Бўлар шаксия ниҳон сендан-да бир кун.

Нечоғ ҳақмиз ва пок қошида ҳақнинг,
Кутар шарҳи баён сендан-да бир кун.

Бугун илкингда гар бор молу дунё,
Кетар аллақаён сендан-да бир кун.

Наҳот биздан қолар дунёйи дунга
Етар захмат-зиён сендан-да бир кун.

Тилинг болин кўриб, ўйлабмидим, деб
Чиқар қалби чаён сендан-да бир кун.

Дегил, эй Жонибек, кетсанг ризойинг
Бўлармикин имон сендан-да бир кун?

1992

БИЛСАМ

Ҳаёт сиррин қадим қавми — машойихдан сўраб бил-
сам,
Гуноҳимни кечарми ҳақ — малойикдан сўраб билсам.

Кетар албатта ҳар келган, бироқ кетмоқда гап кўпдир,
Ўзим қандайлигим, кетмай халойикдан сўраб билсам.

Кеча ким эрди аждодим, улуғларми уни ёдим,
Энасой бир томон, бир ёни Ёйиқдан сўраб билсам.

Нечун саҳройилик руҳимдаю, кўнгилда бир кенглик,
Қонимда оққан ирсият — ҳақойиқдан сўраб билсам.

Бобо қавмим падарлик қилганин жаҳон фунунига,
Жафокаш ўзбегим — эъзозга лойиқдан сўраб билсам.

Бошим қаттиқлигин қисса қилар билганча ҳар бир
тош.
Ширинлигин бу жон кўксимдаги тигдан сўраб билсам.

Ҳаётдан қанчалик ҳикмат уқибдур Ҷонибек, борин
Хаёли—эрк, дили—иймонли машриқдан сўраб билсам.

1992

КУТДИМ

Бежон руҳим тирилтир, деб Масиҳдан бир нидо кут-
дим,
Нидо келди, дилимдан шу нидо монанд садо кутдим.

Гиёҳу майса борки қанча мустар шамси анварга,
Саҳар бедори булбулдек санаб кун беҳато, кутдим.

Умр-ку, елдирим, безовталиқ ундап-да ўзгирроқ,
Бсрар сабру қилар руҳимга иймон, деб, ато, кутдим.

Башарти юз хатолик сендан ўтди баҳсида ишқнинг,
Ишингдан ҳақлигу ўз қилмишимдан юз хато кутдим.

Очиб бағримни. кенг, турдим, жаҳон ёзгулиғи борки,
Сенинг лутфинг билиб, остонада мисли гадо, кутдим.

Келиш — кутмак, кетиш — кутмак, умр кутмак билан
ўткай,
Кутарга бўлмагач васлингдан ўзга муддао, кутдим.

Ҳаёт гирдобига отса синаш-чун Ҷонибек сабрин,
Этар шафқатга ноил, деб, яратган бир худо, кутдим.

1992

КЕТГУВЧИ БИЗ

Келиб-кетгувчи — биз, дунё — қадимдур,
Кўнгул қаъри — ягона ҳилқатимдур.

Бу ҳилқатда эрурмен лаҳза озод,
Ки ундаги ёруғ йўл бир қатимдур.

Бисотимнинг бори — кўнгли синиқлик,
Руҳим-да ўзлим монанд ятимдур.

Ҳаёт ёлғизлатиб қўйган деманг ҳеч,
Фироқ ҳамдардим-у ғам — улфатимдур.

Қачон деманг, бу кулбам эшиги ланг,
Сўроқловчи мени — бир кулфатимдур.

Зулумот тўшагимдур, шубҳа — болиш,
Тилим — соқов бўлиш-чун тилхатимдур.

Ҳаҳонга боқа олмасмен нечун тик?
Кўзим — дардим сизар битмас латимдур.

Умр йўлимни бил достони фожеъ,
Наъти бошланмайин битган — хатмдур.

Менинг ҳар бир шеърим — чин сийратим-да,
Менинг борлиқ ҳаётим — узлатимдур.

1992

ИСЁН

Қўзғалур исёни руҳимда менинг?
Не синоат бор шукуҳимда менинг?

Ёғилур ойдан-да, юлдуздан-да нур,
Йўқ бугун қон ранги туғимда менинг.

Элни қилганда аламлар мавжи ғарқ,
Сўрса ким ҳолимни, муҳим-да менинг.

Балки бу исён менинг кўп кутганим —
Қавмпимиз асровчи Нуҳим-да, менинг.

Кезди кўп йил у халоскор сарсари,
Дилга сиғмай, бору йўғимда менинг.

Ол аланга, ён, оловлангин исён,
Руҳ деган ўйноқи, шўхимда менинг!

1992

КИБР

Кибрни дебмиз-а, ёшлик,
Қилиб доим бағиртошлик.

Бировни сочи йўқ, дебмиз.
Бировни деб қалам қошлик.

Наҳ урдик нечани, гўё
Мисоли якка биз — тоғлик.

Жаҳонда неки бор, топдик,
Йўғи бизларда — дилдошлик.

Боши йўқ битта биз, гарчи
Алам — бошлиқ, ситам — бошлиқ.

Йиқитди бизни рост йўлда
Кибр даштидаги очлик.

Насиб этмади ахирин
Бирор гул бирла сирдошлик...

1992

ХАТО АЙЛАЙ

Ҳаёт, майли, хато айлай,
Дил амрин лек адо айлай.

Мени ҳиссиз билан дуч қил,
Зеро бир ҳис ато айлай.

Мени юзсиз билан учрат,
Ки бор мулкин ҳаё айлай.

Башарти кимса тилсиздур,
Дилин сўзга садо айлай.

Йўлиқтир, ким паршон ҳуш,
Ҳушин қайт, деб нидо айлай.

Ожизга бўлмасам-да кўз,
Ўзим унга асо айлай.

Жаҳонда одамийлик бор
Экан-ки, жон фидо айлай.

Менга ким ҳарф сабоқ берди,
Бериб борим ризо айлай.

Кўтар бошинг, дейин, мулзам,
Ғуруринг мен само айлай.

Не қилсанг, Жонибек, миннат
Этардан, де: «Ибо айлай!»

1992

НАЙСОН

Не мужда келтирар найсон фалакдан?
Бу бир таъкидми мен бандага, ҳақдан?

Бу найсонми ва ё ҳолимга бир руҳ
Тўкарми ёш гўё мен бирла яктан?

Наҳот бир кимсанинг афтода ёши
Хабар олмоқда мен жони ҳалакдан?

Аламдан ё қувончдан тўкди ким ёш —
Тилимни тиймагайман хуш тилакдан.

Томиб кўксимчи тешди тонг қадар то
Жазо келдими ё аҳдимга шакдан?

Нетонг, умрим томар ё томчи-томчи,
Иноят кўрмагач ёлғиз малакдан.

Кўнгул дер, айланай найсонга, гоҳо
Чала ёзувларим тутгай билакдан.

Чаларми Жонибекка сўнги йўқ куй,
Ё найсон қийналар недир демакдан...

1992

САНЧИЛУР

Тўхтади бир зум юрак ё тиги мужгон санчилур?
Мардумиға кўзларимнинг йиғи — исён санчилур

Бир қўлим тутти юракни, болга кафт босди бири,
Тоблайин деб ғам ўтида сихи туғён санчилур.

Мен муқаддас деб юрувдим ишқ йўлида бош билан,
Бошни товоп билдим ё михи ҳижрон санчилур?

Менга кўнгил розини айтгайм деб қилсам умид,
Ул илғоҳми, менга ё ялдин члқоп санчилур?

Кўрмагач ёрдан мурувват, дил ўзин айлаб писор,
Жонибек бўғзига жон атчиги бир жон санчилур.

1992

ЗОРИМ

Муаззин сасидан барвақт, саҳарлаб тарқалур зорим,
Мени шундай яратганми азалдан ё Биру борим?

Менинг ҳолимни ё абгор жаҳон дардин солар куйга,
Ўзининг қатма-қат захмин унугганча юрак торим.

Неча йилдир, ажиб бир ҳис мени шарпа каби пойлар,
У бўйнимга камад бўлса, қаерда, билмадим, дорим.

Бу шарпа гоҳ — сатр, янграр, гоҳо армон — чекар аф-
сус,
Баҳолай олмадим: омадми бу ё бадълиги корим?

Руҳим арзандаси бўлган сатрлар гоҳ берар таскин,
Ўзи таскинга муҳтож бўлса ҳам борлиқ аро хорим...

Мени — хованишинни ул тополмас оломон ичра,
Ки дуч келганга арзим айтгали йўл қўймагай орим.

Саҳарлаб Жонибек шеър сатрига жойлар алам-оҳин,
Ғамим юкига дош бергай фақат шу шеърларим —
норим!

1992

ВАФО

Деса кимки расм бўлди вафолар,
Бу ёлгондан ўзи чеккай жафолар.

Вафо расми жаҳондин Мосуводир,
Таомил бўлганидан айни, сафолар.

Вафо истаб магар ким этди хонини,
Туюлгай мисли мозийдан наволар.

Риё қўлига ишқ мулкни олғач,
Садоқат дадбадар, излаб маъволар.

Ҳаёт сирларини ё англагандан
Дилмидан армоним оҳи ҳаволар.

Хиёнат ўқлари кўнгилни тешди,
Ишончми ё умид уни даволар?

Ишонч нетсин жаҳонда Жонибекка,
Тошилас токи пок пирлар, даҳолар...

1992

ҲИЖРОН

Ўтди бу оқшом яна ҳижрон билан,
Тан видолашди бамисли жон б"лан.

Дема видолашди, бадтар бўлди ҳол,
Қирмизи бўлди уфқлар қон билан.

Мени қилгай мазах ё меҳри қаттиқ,
Қилгали кўксимни чош мужгон билан.

Ўзни қилди шам у, парвона — мени,
Ёнмагунча ёнамен армон билан.

Жуфтладим лаб неча карра айтгали:
«Бўлма, — деб, — ёр, ҳамсабоқ шайтон билан!»

Дерми, бўлмайди бузиб ишқ расмини,
Бир имо ёинки бир фармон билан.

Бермагай рўйхуш йўлин ё қўшгали,
Ишқидан ўзин ўзи ҳайрон билан.

Ким висол юрти хокин юзга сурар,
Ётса гар орзу деган сарбон билан.

Ёрига йўлланг магар дуч келсангиз,
Жоншбек янглиг дили вайрон билан.

1992

МУСТАРЛИК ЁМОН

Магар кувлар ўтар ҳамки шоҳона,
Замон олдида мустарлик ёмон-а!

Ҳавойи елларига очмагин дил,
Тарозу босмагай сўнг ҳеч баҳона.

Замин осгай қулоқ, тинглайди осмон,
Лекин солмас қулоқ сенга замона.

Нопокдир ёқаси, қўл етмас алҳол,
Бошинг етган билан чўнг қаҳқашона.

Эшигин қоққали унинг ҳазар қил,
Разолатга ҳарамдур бу кошона.

Ишонма, Жонибек, мурувватига,
Табассум ётса ҳам ул маҳвашона!

1992

ГҮЁ ҒТДУР

Ишим то ишқда фарёддир,
Санамга ҳар оҳим ёддир.

Ўзин бегонадай тутгай,
Гўё ишқ у учун ётдир.

Муҳаббатни писанд этмас,
Дили ё ўзи шаддоддир.

Не қийлу қол бу шаккоклик,
Бу ишқ урғига исноддир.

Шу хил таҳқир этиб туйғум,
Яна хомуш кўриб шоддир.

Гоҳо бир ўй берар таскин,
Бу, деб, ўткинчи бир боддир.

Бўлибдур макри бир дунё,
Наҳот парига зурёддир?

Ниҳоят, Жонибек сўзи —
Фақат ҳайратда: «Ҳайҳот!»дир...

1992

УЙНАР

Бугун бўғзимда жон ўйнар,
Кўзимда мисли қон ўйнар.

Жаҳон ўйингаҳим эрди,
Бу кун мени жаҳон ўйнар.

Олар таскин гапимим то
Мен узра бу замон ўйнар.

Ҳасадда ўртаниб, мадҳим
Қилиб печа забон ўйнар.

Ўйинлардан-ку мен кечдим,
Мени тақдир ҳамон ўйнар.

Ўйин экан ўзи дунё,
Қилиб ҳолим ёмон, ўйнар...

Мен айлар бир хато, айбга
Тиқиб ўзин имон, ўйнар.

1992

БИР РУҲ

Мени гоҳ дол этар бир руҳ,
Хаёлим шол этар бир руҳ.

Дилим айлаб карахт. ҳиссиз.
Тилимни лол этар бир руҳ.

Сўзим аввал, кейин ўзим
Гўё ишғол этар бир руҳ.

Десам, кескир қилич айла,
Мени ашқол этар бир руҳ.

Ўзим рад айлару ўзга
Сўзини фол этар бир руҳ.

Ҳаётни менга гоҳ оғу,
Ғаҳи бир бол этар бир руҳ.

Кўзимга кўҳна оламни
Не қийлу қол этар бир руҳ.

Жаҳонга гоҳ қувонч, гоҳ ғам
Ташир ҳаммол этар бир руҳ.

Не бўлгай, Жонибек, охир
Сени не ҳол этар бир руҳ?!

1992

ЯССАВИЙ — ЁЛҒИЗ ҲАМОН

Ерга кирди кўп тириклар, Яссавий — ёлғиз ҳамон,
Бўлмас аждар ғорда қирқ йил ухлаган ҳар бир илон.

Қанчаки бордир қамиш, ундан ясангиз шунча най,
Ҳеч бири шоҳ сиррин очмас, қанчаки чалсин чўпон.

Топмагай ҳеч ким Юсуф ҳуссин қудуққа ташланиб,
Бу жаҳонга ул Юсуф келди-да кетди бир замон.

Қанча чорланг, босмагай бу юртга Гўрўғли қадам,
Келди бир пайт Чамбилига бергали ул ал-омон.

Ишлади қирқ йил, Сулаймон ўлса ҳам қирқ мингта
дев,
Кетгани-чун ҳассасига қўндириб салла-чопон...

Балки кўҳна бу жаҳон мўъзижа содир айлагай,
Сиз ишонинг, Жонибекнинг йўқ ишончи, шу ёмон!

1992

ЙИРОҚ

Қанчалик ҳис қилдим ўзни мен сарв қаддин йироқ,
Шунчалик дилда тало-тўш, қилди роҳатдин йироқ.

Билмадим, не бўлди содирки, мену ёр орамиз
Мисли ўй бирлан хаёл йўли каби ҳаддин йироқ.

Ҳолимиз балким забундир, кўзларимиз ёши — хун,
Гарчи биз бахтдин йироқ, лек ҳар кори баддин йироқ.

Солмади не кўйга бизни ёрдин айролиқ ғами,
Во ажаб, ул айлади май бирла улфатдин йироқ.

Розидурмен, якка менга боқса неча дард, бало,
Матлабим шу: бўлса дунё турфа кулфатдин йироқ.

Ўз-ўзимга йиғлагаймен, ҳам бериб таскин, юпанч,
Зорланурмен, қилма деб умримни хилватдин йироқ.

Бош қўйиб дилбар оёғига қилар дам рози дил,
Илтифот айлаб, забонин тутса бас раддин йироқ.

Тутса ҳам у ўзини гоҳо чувоп беилтифот,
Ким кўрибдур боғ аро гулни тароватдин йироқ?!

Дейдилар: икки гўзаллик рамзига хислат будир —
Тушмагай холи лаби устидаги хатдин йироқ:..

Майли, мен парвона янглиғ ўзни шамга урмасам,
Жонибекни бир қуёшча айла зулматдин йироқ!

1992

ТОПОЛМАССАН

Еқуб Амет ўғли Мустафоевга

Ватанни-ку топардинг, энди сен онанг тополмассан,
Хазон бўлган бу гул янглиғ табаррук ранг тополмас-
сан.

Ҳали кўз очмайин тошган эдинг пок сийвасин искаб,
Тўқарга ёш—кўзинг, тиғ ургали сийнанг тополмассан.

Узилди дафъатап жон созининг тори сени қўмсаб,
Қаломни алладек жонбахш азиз оҳанг тополмассан.

Қадалганча йўлингга кўзлари охир очиқ кетди,
Магар қоцлар кўзингви йиғламоқдин занг, тополмас-
сан.

Ватап армон эди кўнглинг учун токи туғилмишсен,
Ботар кўксингга бир армон аталмиш санг, тополмас-
сан.

Ватап деб оҳ уриб ҳар икки онангдин жудодурсен,
Недур беоналик, англаб, қотар дийданг, тополмассан.

Эдинг ёлғиз ўғил, беролмадинг онангга кафт тупроқ,
Ки ивсон қотилур ерга бамисли чанг, тополмассан.

Кишини қисмати аҳён шу янглиғ бепичоқ сўйгай,
Ҳаётда беқилич, қонсиз бунингдек жанг тополмассан.

Ҳазир бўл, Жонибек, тақдир магар гирдобига тортса,
Бўлиб гум нам аро ҳаттоки роҳи танг тополмассан.

1992

ГАМИМНИ КЎРМАДИМ

Ғамимни кўрмадим ҳеч бир кишидин,
Азобимни — бирор йил ёз-қинидин.

Юракни тилкалар гар юзта санчиқ —
Улар ортиқ эмас дўстлар нишидин.

Ғофилликдан бузилгай қасри дилининг,
Ғасод аҳли таратган миш-мишидан.

Аросатда ўтармиз шубҳа билан,
Тало-тўпли жаҳоннинг кўп нишидин.

Юрак павди турарми ёдда ҳар он:
«Яна қўрқув билан эл қарғишидин!»

Ажабланманг, ўзим остонадан-да,
Оҳим ошса фалаклар гардишидин.

Эмас бу Ғолиббек айби, жаҳонга
Магар боққап кўзин тор тирқишидин...

1993

ЁТАДУР

Ёр, нигоҳинг маймидурким, тамшаниб лаб ётадур,
Билки, холи бўлса майдин шипа агнаб ётадур.

Кўнганим чоғ айтайин розимни дерман, йўқ илож,
аҳанда айлаполмас, чунки қақраб ётадур.

афсонавий ишқ майининг бир жомисен,
унга бир, кўп ошиғинг дафъ ётадур.

Тўсмасин кафтинг ёноғинг, кўзларим қонсин шимиб,
Фозамин гулгун ёноғда ё майи таъб ётадур?

Чархи кажрафтормудир ё меҳрибонмудур фалак,
Дилда васлингга етишдек битта матлаб ётадур.

Бу замонлар одати майхўрга ушмундоқ эрур:
Ўзига муғбачча ҳар ким, заб уриб, заб ётадур...

Ул нигоҳинг майиндин умрим хуморликда ўтар,
Токи жонин таңда, ким дер: «Жонибек хаб ётадур!»

1993

БЎЛ ДЕДИНГ

Не умид бирлан яратдинг, эй худо?
Бўл дедингми қайси гулга ё фидо?

Мен юз очдим қайси бўстон саҳнида,
Менга қайси субҳи содиқ ибтидо?

Қай аср қатрпда қолган аввалим,
Қайси руҳдан мен жаҳонга бир садо?

Қайсидир меҳробга етмас оҳми мен,
Қайси оҳ амрин ё айларман адо?

Ўзлигимни айладим ҳар дам сўроғ,
Топмасин ғайри назар мендан хато.

Одамийлик урфини қилгин дебон
Менга келгай қайси гулдан ё ниндо!

Жонибек менгзайди бир гул жонига —
Этма бемаврид ўшал гулдан жудо...

1993

АЙЛАБ ЭДИМ

Мен фалакдан бир соат шоҳлик даъво айлаб эдим,
Ки хаёлан арш мулкени маъво айлаб эдим.

Неча ошиқ, неча маъшуқ ўртанар ишқ даштида,
Мен уларга бир-бири васлин раво айлаб эдим.

Амру фармон гарчи дил майлига кор этган эмас,
Эзгу дардга эзгу фармонни даво айлаб эдим.

Гарчи фармонларда шоҳлик кибри бор ё марҳамат,
Беғубор ўйлар қаноту мен ҳаво айлаб эдим.

Балки мавруди эмасдур, дейди кимлар, ишқ сабаб
Амрини дил туйғусин мен бир наво айлаб эдим.

Сигмагай умрим ғазал авзонига ҳеч пайт, валеқ
Матлабига мен ғазал вазнин вафо айлаб эдим.

Ишқ аъмолида мен анча ҳаволанган сабаб,
Жонибек — шоирни жонига жафо айлаб эдим.

1993

УТИНЧ

Садо кутган каби сасдан,
Мурувват кутмадим касдан.

То солмай чўғни бир дилга
Кутар ким ўтни бехосдан?!

Меҳр кутсам заҳар тутса,
Мени дўстим, деган қасддан.

Қулоғимда, деган огам:
«—Ўзинг олисда тут пастдан.

Ўзингдек тенгу тўш топгил,
Касофат теккуси насдан.

Кибрлининг кўпин кўрдим,
Етар пастроқ бўлиб хасдан!..»

Ўтинчи Жонибекнинг: тут
Йироқроқ дилни вас-васдан.

1993

ИШҚ ГУЛШАНИДА

Гулшанида ишқнинг, айт, қайси ёр
Кўрди мендек камтарину хоксор?

Айтинг, ушшоқлар, бу ишқда мен каби
Ўзлигин ким айлади озурда, хор?

У замонда битта Жажнун ўтди, мен —
Бу замон Мажнун, деб айтганча бор.

Еридан кўрмай мурувват заррача
Мен сифат ким айлаган жонин нисор?

Тушмасин дейман бироқ ғайри нигоҳ —
Ғайри бодлардан тўсиб бўлдим ҳисор.

Бор ғубору ғамни қувгай Жонибек,
Бир келиб илкимни тутса ғамгусор.

1993

АРАЗ

Неча кундир, мен аразман дил билан,
Боисни сўзлай ахир не тил билан?

Турса ҳам кўксимда жисми, асли у
Солди қийноққа сирни махфиял билан.

Эттириб парвоз уни нашъу намо,
Мен гўё кўксимда санги зил билан.

Неки бўлса бўлсин, аммо қўрқамен
Келма дуч, деб, ишқ қўри камчил билан.

Хоҳишимга дил гоҳо солмас қулоқ —
Ё зерикди мепдайн ғамчил билан.

Ростлаёлмас шахдини ё мен каби
Умри куйлаш машқига мойил билан?

Жонибекка қилмасин у неча поз,
Йўқ демай ўлнон тўларман йил билан...

1993

ҲАЙРОНЛИГ ФАҚАТ

Бўлди касбим сенга ҳайронлиг фақат,
Касби дилнинг бўлди вайронлиг фақат.

Сенга сайёдликни берди бу ҳаёт,
Менга — кўкси ўқли жайронлиг фақат.

Сенга собирлик-да ипқ майдонида,
Менга дайдиш — тирн парронлиг фақат.

Сенга қушлик қисматин бермиш худо,
Кўзларим мардумига — донлиг фақат.

Ё буюрган сенга қурбонлиг учун
Ихтиёрингда бўлиш жонлиг фақат...

Бизни ё ипқ қарғади — бўлди ато
Менга — гунглиг, сенга — бийронлиг фақат.

Жонибекка бўлди тақдир тамгасп —
Ёғида афсусни бирёнлиг фақат.

1993

ЙЎҚ

Таваллуд бор экан, ўлмайдиган йўқ,
Кўзи хок бирла бир тўлмайдиган йўқ.

Келиб дунёга, сўнг маҳшар қадарлик
Жаҳон йўлларида бир дайдиган йўқ.

Умр гулдир, кини гулдир, умид — гул,
Бу гул қавмида бир сўлмайдиган йўқ.

Ўлим бор банданинг бағрини тўлғар,
Ўлимнинг бағрини тўлгайдиган йўқ.

Ажал ҳам тангрини хос шарбатидир,
Ки ундан баҳраманд бўлмайдиган йўқ.

Наҳот дунёда бир мард қолмаган ҳеч,
Бирон лойиқ ажални — май, деган йўқ.

Наҳотки, Жонибек, сендек ҳаётин
Жаҳон айши учун бўл бай, деган йўқ?!

1993

ГУЛДИР МЕН

Мени чўғ билма, кулдур мен.
Не бемаврудки, шулдур мен.

Жаҳон жабрига бир бефарқ —
На йиғлатгин, на кулдир — мен.

На тонг, на хониши булбул
Очар пинҳона гулдир мен.

Замин қаъридаги титроқ,
Само солгувчи гулдур — мен.

Дилим зарбоғни кийган, лек
Ўзим — наздларда жулдурмен...

Нетонг, мен кимга эртан-да,
Бировга балки бултурмен.

Замон хуш кўрмаган, эртан
Суйиб юргувчи улдирмен.

Диним — ишқу дилинг — Каъбам,
Садоқатдан расулдир мен.

Жами Жон аҳлига — бек-да,
Фақат оллоҳга қулдир мен!

1993

ЕР ЙЎҚ

Менга сен сингари ёр йўқ,
Сенга мен сингари зор йўқ.

Жаҳонни сару по кездим,
Сенингдек битта дилдор йўқ.

Пари зурёдисан шаксиз,
Ки ҳеч макрингга инкор йўқ.

Сенинг васлинг эрур жаннат,
Анга етгувчи зинҳор йўқ.

Сени деб чеккашим хорлик,
Уни куйлаш учун тор йўқ.

Ё ишқ қасрига дарз кетган,
Наҳот тикларга меъмор йўқ?!

Мени кибрингга осгайсан,
Ки ундаи ўзга бир дор йўқ.

Бу ҳаддингдан тушиб бир кун
Дегайсан: «Жонибек бор?» «Йўқ!»

1993

ЕР ТОНСА

Магар ёр тонса ёрликдан,
Нетарман ушбу хорликдан?

Наҳот, дил, бўлмадинг огоҳ,
Ки ишқда беқарорликдан?

Наҳот бир мен ўзим, афғон
Чекувчи ёрга зорликдан?

Куяр ким ишқда кенгликдан,
Наҳот мен — кўнгли торликдан?

Ҳаёт, асра мени ногоҳ
Бировларга хуморликдан.

Билармен неча маъшуқни —
Ўтирган юзни орликдан...

Бу гар ишқ, Жонибек, бешак
Кечар ёлғончи борликдан.

1993

ЗОРЛИҚДА

У сен — шоҳ мулки борликда,
Гадо — мен, ҳоли хорликда.

Ўтар умринг сенинг сархуш,
Менинг умрим — хуморликда.

Япашга бир сўзинг имдод,
Нингоҳинг — менга ёрлик-да.

Наҳот сен юлдузим, ёнган
Самовотда — ғуборликда?

Сени асрай ғаним кўздан,
Юракдек кулба — торликда.

На сенсан — лайливаш — машхур,
На мен — мажнун шиорликда.

Наҳотки Жонибек ўтгай
Сенинг васлингга зорликда?!

1993

ГУРУНГ

Кўп соғиндим, кел, қурайлик, ёр, гурунг,
Неча ўфурат қилди дилни зор, гурунг.

Яхшиямки, ёзгали дил дардларин
Гарчи аҳён, ҳар қалайки, бор гурунг.

Умримиз ўтмоқда қистаб отини,
Бўлмади ҳар икки дилга тор, гурунг.

Мен десам ишқдан, фироқдан очма сўз,
Бўлмасин икки арода хор гурунг.

Не учун зинҳор гурунгга қонмадим?
Чунки бизга боиси дийдор, гурунг.

Шу гурунгдан олди сайқал севгимиз,
Қайда ўфурат қурғали такрор гурунг.

Ёр гурунги қадрини бил, Жонибек,
Токи бизни қилмасин инкор, гурунг!

1993

НИШОН

Эй ҳаёт, бер ишқи борлардан нишон,
Кўнглига иймонн ёрлардан нишон.

Бир нафис гул борми, айтгин, бўлса ул
Булбули нолонга зорлардан нишон.

Бўлмасин кўздан гулига қатра нам
Бермаган ёлғон хуморлардан нишон.

Тиғларин кўксимга санчсин, бўлса гар
Ул кўзин асровчи хорлардан нишон.

Бўлса ҳам кўзларда гар кибру ҳаво,
Ки у бор орзуга дорлардан нишон.

Мен қаён бош урмадим шодликни деб,
Кўрганимдур дардли торлардан нишон.

Мен гунаҳкорманми, ошиқ хайлида
Қолмаса гар номус, орлардан нишон?!

Матлабим топмоқ эди дил маҳрамин,
Топганим — бошимда қорлардан нишон.

Ҳен-ку, кўрдинг, билди эл ҳам, Жонибек —
Ёр учун жони нисорлардан нишон.

1993

ЁР ЭТИБ

Мен кўзи ёш дилбаримнинг бир сўзин инкор этиб,
Неча йил афсусдадирман ғам-аламни ёр этиб.

Мен бу кун не толеъга бўлдим муяссар, ул сабаб,
Тама бирла бахтга етдим дилбаримни хор этиб.

Қайси йўлдан чопадурсен, бандам-эй, деб сўрмади
Холиқим теппамда турган кўйи йўлим тор этиб.

У келар ортимда зору мен ўзимдан қочамен,
Оҳ, иложи борми, кибримга осилсам, дор этиб?

Бу жаҳоннинг куйлари шундап туюлгай ёт каби,
Мен ризо, чертса юракнинг нардасидин тор этиб.

Менга айларми вафо ўткинчи бахтлар, билмадим,
Ким етибдур муддаога ўз ҳабибин зор этиб?

Кимни тақдир қанча қилсин имтиҳон бўлмас ёмон—
Аввали тангри яратган гар уни аброр этиб.

Мен туриб айни саҳарлар ҳаққа тавба айладим,
Наслимиз оҳ чекмасни деб, пснимиздан ор этиб.

Эҳ ҳаёт, бу Жонибек гоҳ сенга ҳам келтирди шак,
Қилмади шукрин яратганларни, йўқдан бор этиб.

1993

АХТАРИБ

Неча йилки, йўлдадурмен ўз пизимни ахтариб,
Неча дил кўзгусига боқдим юзимни ахтариб.

Сирли дунё сийратига мен каби боққайми деб,
Жовдирарман ҳар гўдақдан ўз кўзимни ахтариб.

Гоҳ юрак очдим шамолга, майсага тутдим қулоқ,
Ҳеч бири такрор этарми, деб сўзимни, ахтариб.

Мужда келтиргайми менга деб заминдан лоақал,
Ҳар баҳор боқдим нигорон паргизимни ахтариб.

Гоҳи-гоҳ ортимга қайтгайман хаёлим отида,
Йилларимдан тизганим тасбеҳ-тизимни ахтариб.

Не ажаб, кирсам заминга Яссавийдек бир куни,
Ота-онамдек муқаддас илдизимни ахтариб.

Ногаҳон келса кетар дам, мен дегум: «Пайсалга сол!»
Токи топай шеърятдан юлдузимни ахтариб.

Сўнгра дерсиз: «Жолибек етди муродга охири!»
Сиз кўрарсиз топганимни мен ўзимни ахтариб.

1993

САДО МУНЧА

Қаёқлардан келар сирли садо мунча?
Юракданми келар мунгли нидо мунча?

Садолардан юрак олдирганим боис,
Адо кўнглим эрур бадтар адо мунча.

Ўзим-ку, асли ким-кимлар садоси мен,
Садога умримиз бўлди гадо мунча.

Наҳот зоҳирлигим бир раҳнадур кимга,
Яралганим деса кимдур «хато мунча?» •

Кўзимдан кимнидир, кимни қабоғимдан
Топишни айлади ким муддао мунча.

Ҳаёт, ўз бахту ризқим берганинг басдир,
Бировлар бахтини этма ато мунча.

Ҳаётга Жонибек бергай саволини:
«Яқиндур ассалому алвидо мунча?»

1993

ГУЛ ЧЕҲРА ҚИЗ

Бир боқиб гул чеҳра қизга мен нигоҳ уздим аранг,
Гулми қизнинг чеҳрасидан, қизми гулдан олди ранг?

Ёнма-ён турганда гул чеҳра билан гул ногаҳон,
Чеҳрасидан ул савамнинг бўлди гулнинг ҳоли таңг.

Тебранарди боғда гул оҳишта оҳ тортган каби,
Ҳуснидан гул чеҳранинг ё тушди гул кўзига чанг?!

Англадим, гул чеҳра бу гулдан мени рашк айлади,
Ё ҳусн бозорида икки гўзал айларди жанг?

Жонибек бўлди талош афтидан икки гул аро,
То азалдан гулпарастлар қисмати шул, деб қаранг...

1993

КЎКСИМ ОҲИСЕН

Сен муножоти дилимнинг, ҳам бу кўксим оҳисен,
Бу гариблик масканида йўқлагувчи гоҳи — сен.

Бир назар солсанг бу кўнгилда тало-тўш бошланур,
Айт-чи, сен оҳиста елнинг, ё қуюн ҳамроҳисен?

Ўтганингда кўча-кўйни бир ифнинг қоплагай,
Сен атрул гунчасидур ёки райхон шохи — сен.

Сен келар куни кутарман, бу умид дунёсида
Кундузимнинг шамси бўлдинг, тунларимнинг моҳи—
сен.

Балки гулдан, балки сендан бу сифат сархушлигим,
Мен ризомен, бахрабахшим хоҳи гулдир, хоҳи — сен.

Бир сени солдим назмга, билгил, илҳом ёрлақаб,
Дема, дуч келган санамни куйлагич маддоҳи, сен.

Жонибекни қўллагувчи бир худоси бор эди,
Найлайинки, ишқ туфайли сирли бир оллоҳисен.

1993

ДИЛДА ҚОЛДИ

Дилда қолди бир гўзал чин севгининг ёди бўлиб,
Мен — фироқ тоғин қазиб юргувчи Фарҳоди бўлиб...

Бўлмади менга муяссар, афсус, оташ бўсаси,
Лабларимда қолмади ишқ бахтининг тоти бўлиб.

Вомиқу Қайслар гирифтор эрди севги домига,
Мен-да кирдим сафларига янги авлоди бўлиб.

Топиниб ишқ тангрисига бўлдим эл ичра сазо,
Розидурмен, қолса исмим севги имдоди бўлиб.

Мен вафо шарҳин кўзимнинг мардуми бирлаи битиб,
Ўйладим. етсин кўзимнинг сенга фарёди бўлиб.

Оқ қоғоз ёвган учун ҳар битта мисрам оҳидаи,
Қолди ўй авроғида байтлар юрак доди бўлиб.

Энга ошкор этмадим исмингни чин севгим сабаб,
Дилда юргай Жонибекнинг бир муножоти бўлиб.

1993

ЎША СЕН

Деса ким ишқ тавгриси бор — ўша сен,
Ёки дилни аврағич мор — ўша сен.

Ошиғи ҳолига бир солмай назар,
Бир қарашга айлаган зор — ўша сен.

Не сабаб ишқ тавгриси дерман, ахир
Очмаган бир мепга дийдор — ўша сен.

Кимга ҳам айтар бу телбанг шиквасни,
Банда бўйи етмаган дор — ўша сен.

Ишқ туфайли неки қутлуғ, муҳтарам
Барчасига сирли инкор — ўша сен.

Ишқ уволл тутмагидан қўрқмаган,
Қилган олий туйғуни хор — ўша сен.

Чин ошқ етгандир оллоҳ васлига,
Жонибекка бўлгуси ёр — ўша сен!

1993

КУТДИ ВАФО

Бу жаҳон қилган вафони кимга ҳам,
Кимда-ким кутди вафо — чектирди ғам.

Сидқ учун-ку, айладим умримни бахш,
Лек мурувват кўрдим умрим бўйи кам.

Тун-сахар зору тавалло айладим,
Кўрмади орзум ниҳоли қатра нам.

Мен чироқ ёқдим печовлар йўлига,
Ёқмади ҳеч бир тирик кўнглимга шам.

Гарчи қадди нечаларнинг ростладим,
Кўрмайин рўшнолик, ўтдим боши хам.

Томчи янглиғ ерга қотилдим, ва лек
Ғарқ этар тоғларни ёшим бўлса жам.

Эй, ҳаёт тошу тарозинг борми, айт,
Тортгали зикримни вазнин сўнгги дам?

Жонибек ёшин бу дунё кўрмади —
Чунки кўзлар қон сизиб турган ярам...

1993

ҚИЙНАЛУР

Ҳис қиларман, қайдадир бир гули раъно қийналур,
Англамай ошиқ дилин бир нурли маъно қийналур.

Ишқ аталмиш ҳис жаҳонда энг чигаллардан экан,
Бир танимда печавбош, неча доно қийналур.

Қийналур қай дилда рашку ёши селобида кўз,
Қайсида инграйди нозу лол таманно қийналур.

Ахтариб етмоқ учун йўл, гули раънога, вале
Шаънига ортиб қиёсдан ҳамду сано қийналур.

Жонибек не хил суханвар бўлмасин, ҳайрон қолур,
Етказолмай дилдагини тилга, имло қийналур.

1993

КЕКСАЛАР

Ўзбекистон кўрки бўлган кексалар, оҳ, кексалар!
Қай бири ўзича султон, қай бири шоҳ, кексалар!

Дийдасида ҳар бирин дунёга донишманд назар,
Икки дунё сирридан воқифу огоҳ кексалар.

Босса остонагини, бил, бу нури иймондан дарак,
Этмасин тарки қадам кублангини ногоҳ кексалар.

Не замон карвонлари ўтди уларнинг кифтидан,
Очди авлодлар кўзини кўксини қилиб роҳ, кексалар.

Ҳар бирин умри азал сабру қаноатдан сабоқ,
Тилда «Қуръон»и муайян, дилда — оллоҳ, кексалар.

Отажоним ёш кетиб, сўнг мен учун тонгда қуёш,
Шомда чиқмай бир умр ботган эди моҳ, кексалар.

Ифтихор этмасмидим, кулбамга файз айлаб ато,
Айлаганда бир умр кулбам гурунгоҳ, кексалар.

Ҳар каломидан заковат шуъласин олғай ҳаёт,
Бош эгиб, тут жон қулоғини берса панд гоҳ кексалар.

Менга ҳам пири бадавлатлик насиб этгайми, деб,
Хўрсинар бу Жонибек пинҳона, дилхоҳ кексалар.

1993

СЕНГА

Бўлди тақдирдан насиба асли лобарлик сенга,
Чун гўзаллик мулкда гулга баробарлик сенга.

Мен сенинг наздингда ўсган шўра янглиғ тик алаф,
Қуръада бўлди улуш бор хуш-муаттарлик сенга.

Зангидек токнинг жафокаш англадинг боғда мени,
Этгани ҳақнинг ато — сарви санобарлик сенга.

Бизда тақдири азал бедодлигига топди шарҳ:
Кўзи тарлик менга-ю сочи суманбарлик сенга.

Сенга зорлигимга эваз сен деддинг: «Безор-ку мен!»
Нола-афғон менга-ю қалби тамом карлик сенга.

Билмаган афтимни подоннома деб муҳрин босар,
Билмаган дер: «Ишқда теккан бор диловарлик сенга!»

Майли, бозорида ишқнинг Жонибек бўлсин касод,
Қийматимни мисча билдинг, бор симу зарлик сенга.

1993

СЎРАНГ

Кимлигим кўксимга ўқ отган паризоддан сўранг,
Ҳолатим кўксимдаги ул тийри сийёддан сўранг.

Кимменү жисмида ким, руҳида ким зоҳирлигин.
Бу юракдан ўт олиб чиққувчи фарёддан сўранг.

Кимдир у, қай бир замондир, топди сийнамда садо —
Шарҳини мен ҳеч китобдан топмаган доддан сўранг.

Ким эрур ёр^и вафалиг, дўсти содиқ ким эрур —
Сидқисиз ҳар инқисин, дувёси барбоддан сўранг.

Кимда дил олди диёнатдан хиёнат ёққа йўл,
Кимда акси — боисин иймони — сарҳаддан сўранг.

Умримизга бу ҳаёт шаксиз тамал тошини қўяр,
Не узун тун ҳосили бўлдики, бомдоддан сўранг.

Гоҳи нур, гоҳида нам кўпини аритгай дийдади,
Қайғунинг залворини бир лаҳзайи шоддан сўранг.

Гар фироқ тоғин қазиркан ҳар ошиқ билган қадар,
Сирларини сиз Жонибекдек янги Фарҳоддан сўранг.

1993

СЕН УЧУН

Не ситамга мен гирифтор бўлмадим, ёр, сен учун,
Бўлмади ё бу азиз бош қанчалар хор, сен учун.

Ер-ку, қаттиқ, лоақал осмон садо қайтармади,
Ҳатто тангрига таваллом қилмади кор, сен учун.

Обу гилдан лой қориш бирлан мени пайдо этиб,
Армуғон айлаб эди бир кун Биру бор, сен учун.

Шул сабабми, изларинг гарди билан тенг айладинг,
Менга илқинг тутмагинг ё бўлдимин ор сен учун?

Сен нечун бошинг тутарсан ҳатто кибрингдан баланд,
Бир куни оҳим менинг бўлгай баланд дор сен учун.

Етмайин васлингга ўтсам, бир куни олий кулол
Бари бир хокдан қорарди мени такрор, сеп учун.

Гарчи ошиқ розига қалбингни тор этдинг бугун,
Жонибек кетса магар олам бўлур тор сен учун.

1993

ҚОНГАЙ

Қачон ташна руҳим ёмғирга қонгай?
Нигоҳим бепоён дашт-қирга қонгай?

Баҳорий ранга қонгай кўзларим чин,
Магар Моний чизиб тасвирга қонгай.

Вужудим етти рангига қуёпнинг
Қачон ёнимда сенсан бирга — қонгай.

Жаҳон сирдир, яшаш — сир, ҳар одам — сир,
Буларга қонмайин ким сирга қонгай?!

Олов ёнғайми бу кўксимда зимдан,
Олов тушганми ё хотирга, ёнғай.

Замон то қилмагай муғбаччаликни,
Қачон ташналигим чоғирга қонгай?

Жаҳондан қонмади сабр билан дил,
Токи мен бор — жаҳон собирга қонгай.

Бошим дорда кўриб, гулда оёқни
Ҳаёт мен узра бу таҳрирга қонгай.

Ўйин деб билди кимлар тақдиримни,
Ниҳоят Жонпбек таҳқирга қонгай...

1993

МУРУВВАТ

Дилнинг айлайди токи эзгулик банд,
Хайр бирла яшнинг бўлгуси пайванд.

Хайрдир кўзга — пур, кўнгилга — меҳринг,
Ҳаётнинг хайридир, бил, сенга фарзанд.

У сенга тухфадир гоҳ, гоҳи — қамчи,
Ки фарзанд орқали сенга ўқир панд.

Удир сенга жаҳонда шами даврон,
Ўзича ёнгуси, ошиқма ҳарчанд.

Рухига экканинг гар эзгуликдир,
Тушмагай бўйинингга исноддин каманд.

Демангиз айтди-да қўйди Жонибек,
Деди англаб ҳаёт эмаслигин қанд.

1993

ГУЛ ИШҚИ

Менга ҳам борми биронта ногаҳон,
Гулларингдан тухфа этсанг, эй жаҳон.

Чарх урар ҳар битта гулнинг булбули,
Мен наҳот дайр боғида ёлғиз тикон?!

Кимга лола тафт берар гулхан бўлиб,
У туюлғай менга мисли бағри қон.

Борми шомда менга бир лаб очгани,
Қай бири айтар қулогимга азон?

• Қўймадим лаб гул лабига — төгди тиг,
Е тилида бор у гулнинг устихон?

Бир гулим кимдир ниҳон этган учун,
Бир куни гуллар мени айлар ниҳон.

Дейдилар, ўткинчидир гул жилваси,
Ким деди, гул ошиғин бахти — гумон.

Неча гул фасли ўтиб бормоқда, лек
Топмадим кўнглимга монаид гул ҳамон.

Жонибек шул кўйда бўлди гулпараст,
Не ажаб, бир гулни деб у берса жон?!

1993

КЕЛИБ ЙЎҚЛАР

Сезарман гоҳ мени кимдир келиб йўқлар,
Ва ё чорлар гурунгига тирик руҳлар?

Тало-тўш бошланур фикру хаёлимда,
Дегайлар, табакай қалбинг ўлик, ухлар.

Кўзинг оч, эй бу гафлатлар залолатдир,
Дедилар, домига ютгай бу андуҳлар.

Тугилганки, ўлар одам, аролигда
Дилнингга топмасин йўл плки макруҳлар.

Демайди эл, сени осмонга устун бўл,
Ва лекин демасин кетганда: «Мажруҳлар!»

Деди бот: букмасин руҳингни ҳорислик,
Эмас матлаб яшайдан айшу гулруҳлар.

Руҳинг, ўзинг, сўзинг озод эмасдир то
Кўтармассан бошинг узра мовий туғлар.

Тўфондир бу жаҳон, эй Жонибек, билгил,
Бедор бўлмас экан қалбинг, керак Нуҳлар...

1993

ЁР ҚҲЙМАС ҚАДАМ

Магар кулбамга ёр қўймас қадам — у шул куни
барбод,
Ешунса чеҳраси кўздан, дегил дил мулкени
барбод.

Упингсиз хўрсиниқдан кўзларим бошлар йнги
унсиз,
Этар мижжаларин кўзнинг уриб ёш тўлқини,
барбод.

Бошимни қоплагай андуҳ рутубат атридай зум-
да,
Ки чеҳрамни қилиб тунд, айлагайдир кулкени
барбод.

Дилим туйғуларин айлар баногоҳ шубҳалар
тафтиш,
Келиб жаҳли, киши қилгай жами хуш хулқини
барбод.

Бу ҳижронда синашдир ёки дил ўтига сув сец-
моқ,
Ва лекин бўлмагай асло муҳаббат ёлқини барбод.

Мен ўз руҳимдаги ишқ сувратин мисрамга бит
гаймел,
Қани, ким қай замён кўрди бу чин ишқ халқини
барбод?

Топар аччиқ-чучуги севгининг байтимида ўз
шарҳин,
Токи бор Жонибек, бўлмас садоқат талқини
барбод!

1993

ДИЛДАН

Севар бўлсанг нигорингни агар дилдан,
Чяқармассан ёдин шому саҳар дилдан.

Унинг зикри билан ҳар бир онинг ўтгай,
Бўлар бегона андуҳу қадар дилдан.

Ҳаётинг матлаби бўлгай унинг васли,
Туялгангай бол, берар бўлса заҳар дилдан.

Умид юлдузидек кўзингга нур сочгай,
Ки тушқунлик руҳи бўлгай бадар дилдан.

Ризодурсен қабогингга қадам қўйса,
Туялгангай пози ҳам кўп жылвагар, дилдан.

Кўзингга бу жаҳон жаннатнамо шаксиз,
Қилар бўлсанг эъзоз жонинг қадар, дилдан.

Имо этса кечарсаи ўзлигиндан ҳам,
Қиларсен ихтиёрига сафар, дилдан.

Сеннинг холингга у қилгайми ҳеч парво,
Қиларми унга имодинг асар, дилдан.

Бу бобда охири йўқ айтилар сўзинг,
Каломи Жошибекнинг мухтасар, дилдан.

1993

МАТЛАБ

Сени топмас эдим гар бўлмаса ошволигинг матлаб,
Дилимга бўлмаганда гар дили рўшнолигинг матлаб.

Ҳаётда печа дўст топдим, улардан кўп ризодурмен,
Баридан камтаринлигинг ва зери полигинг матлаб.

Мени дўстим деганлардан меҳри қилмадим тама,
Менинг — сендек, сенинг мендек дилимга жолигинг
матлаб.

Менинг кибримга сабрингни табассум-ла фидо этдинг,

Гадоларга гадою шо йўлиқса шолигинг матлаб.

Нигоҳинг гулга тупганда кўзинг яшнар менинг ян
лиг,
Баҳор оғушига мен сингари шайдолигинг матлаб.

Муруват кутмадим дўст қавмидан мен ҳеч қачон,
винҳор,
Демай шому саҳар қопимда сен шайдолигинг матлаб.

Бошидан не замонлар ўтмагай одатда инсоннинг,
Мени букканда ҳам балким сенинг асолигинг матлаб.

Азал тақдирдан инсон олар, неки буюргандир,
Ризомен, менга кам бўлсин, сенинг расолигинг матлаб.

Неча йилки яшарсан, Жонибек, дўстлик йўлин тутгил,
Сенинг дўстлар учун хизматда қадди ёлигинг матлаб.

1993

ДИЛ БИЛАН

Дарк этиб оламини ёлғиз дил билан,
Сарҳисоб этмабман умрим йил билан.

Ўзга кўргач дил ва тилни, шул сабаб
Айлаганлар кўзни ошно мил билан.

Балки шул боис дилимнинг арзи йўқ,
Кўрмадим фарқ шарҳ этарда тил билан.

Ёқа тутдим: кимда кўзни кўз сотар,
Кўзлари то тўлмагунча гил билан.

То вафодин дарс олибмен неча йил,
Қолган умрим ҳам ўтар таҳсил билан.

Сизними ёки унинг кўзда шуур
Учраган чоғда мурод ҳосил билан?!

Эҳтимол бир кун келарсиз рўбарў,
Жонибекдек орзуга восил билан.

1993

ИНКОР

Магар дил айласа дилликни инкор,
Содиқ маҳрам — неча йилликни инкор,

Эта олмай ҳаёт шарҳини чиндан
Тилим ҳам айлагай тилликни инкор.

Башарти сотмаса чап кўзни ўнги,
Диёнат қилгуси милликни инкор.

Агарда тавба йўқ сатримда ҳаққа,
Сочим оқи қилар элликни инкор.

Қувонч чўғин ҳаёт солганда дилга
Қилар кўзим ёши селликни инкор.

Ҳаёт кўксимга гаҳ бир тош яширгай,
Этар бирда руҳим елликни инкор.

Қайирса ҳам ғам-андуҳ Жонибекни,
У этмайди чайир белликни инкор!..

1993

ДЕВОН ЭМАС

Мен қилиб ҳиргойи, гаҳ-гаҳ юлқиниб чиққанда сас,
«О, бу дилдан нола-ку!» — деб айтмади ҳеч битта кас.

Мен-ку, бу дунёи дунни ҳар қалай англаб эдим,
Битта тирноғимга ҳатто арзимас ул хору хас.

Мен олиб бир ўтдан ўзни ўзгасига солмадим,
Бўлмагил қанча фидойи, шунча урғай ерга пас.

Келса илқингдан мабодо сен ўзингни сев экан,
Минг ҳавойи лутфу лофинг, сидқу онтингдир абас.

Сенга — булбул ноласи — дом, жилваси гулнинг —
ниқоб,
Ки бу дунё сирли тўр, туйғунг учун нузли қафас.

Сочса ҳам бошингга зар дунё, берилма кибрига,
Ютганинг — ҳақ, лек омонат ташга чиққувчи нафас.

Гоҳи инкор айладим дунёни, гоҳ айтдим ғазал,
У магар дунёю мен — шоир, бу ҳеч девон эмас.

Мен азал сатримга солдим пенки дарк айладим,
Ҳеч маҳал ортиқча лофни Жонибек Субҳон демас.

1993

ЭЙ, ЧАРХ

Менгами, эй чарх, кажрафторлигинг?
Менгами водон дейилган ёрлигинг?

Мен эдим ҳақ ҳаққига бир саждагўй,
Ки сезилди менга тапгу торлигинг.

Дер машойих: кас топар ихлосидап,
Кўрмадим ҳеч топганин бахт орлигинг.

Қанча меҳрим қўймай, ортар кун-бакун
Менга ҳам жумбоқлигинг, асрорлигинг.

Эриши — алдоғу арқоғи.— фириб
Бир мато оша ё хуш дийдорлигинг?

Мен ризодурмен насиб этган учун
Кимга найсовлигу менга — қорлигинг.

Қанчалар шаънингга айтмай эътироз,
Майли, шукронамга лойиқ борлигинг.

Демадим ушбуни ҳеч таъла этиб,
Элга онкор гарчи кўн ночорлигинг.

Сенга зорман, чарх, зоҳирлик ҳақи,
Гарчи йўқдир Жонибекка зорлигинг.

1993

ОВОРАЛИК

Мен учун бўлгач насиба ишқ аро оворалик,
Авгладим: ушбу туюлгай кимга юзи қоралик.

Тан олай: балким қаро йўллик сабаб, келмас барор,
Лек юракнинг доғи йўқдир бўлса ҳам минг ёралик.

Шу юрак амри билан тикдим ҳаётим ишқ учун,
Бир санам гирдида жисмим қисмати — сайёралик.

Меҳварида меп шу ишқнинг балки ёниб сўнамэн,
Ўйламанг ҳеч дед буни исён каби ошқоралик.

Ҳамма тадбирқорми бирдай, ёр дилига топса йўл,
Ким қачон кўрганки, шоир аҳли тадбир-чоралик.

Ўзидек айлар нафис туйғуни бизда бу ғазал,
Авалло парм қўлни тутгай, эвази — дилпоралик.

Хушда, тушда беқарормен, васлини ўйлаб ҳавуз,
Жонибекнинг тахти-бахти — икки дунёоралик.

1993

ДЕРМИСАН

Мен сени дерман-ку, сен ҳам дермисан?
Мендек ишқдан чекканим ғам, дермисан?

Кўзларим-ку, нчга ютгай ёшларин,
Қилди ёшим ишқ йўлин нам, дермисан?

Дил сенинг васлинг хаёли бирла банд,
Севмагимши ёки мубҳам, дермисан?

Дилни дилга боғлаган жон риштаси —
Бу учун жон риштасини кам, дермисан?

Кўзларим ёғига — киприклар пиллик,
Сен уларни ҳам сўнар шам, дермисан?

Мен юракни сенга тутсам, деб, ишон,
Ол, макондир унга сийнам, дермисан?

Тонгда гулга кўзларим сачратса қон,
Сен олиб илкиннга, шабнам, дермисан?

Сенга ё кибру ҳаволар берди дарс,
Нописандлик ишққа малҳам, дермисан?

Эҳтимол, сен ишқига содиқ учун
Жонибекнинг бошини ҳам, дермисан...

1993

АРДОҚЛАЙ САНИ

Мен нигоҳим бирла ардоқлай сени,
Кўз қарочугим аро сақлай сени.

Сенга боққанларга цайкон кипригим,
Ғайридан ғайб сиридек поклай сени.

Майли, ишқ бобида ўзим айблайин,
Бўлса ҳам кибру ҳавонг, оқлай сени.

Олганимда илк нафас зоҳир эдинг,
Токп сўнггиси қадар чоқлай сени.

Билмадим, келдимми мен кўнглингга хуш,
Дил дегай: мен то тирик — ёқлай сени.

Асли биз кимлар — яратганга аён,
Сен гадо этсанг-да, мен шоҳлай сени.

Қўл берарсан менгадир ё ўзгага,
Лол этиб тўйингда ўйпоқлай, сени.

Мен умид бирла эшиб меҳрим ишин,
Бир умр айлаб каманд, боғлай сени

Гарчи солдинг дилга сен доғ узра доғ.
Демадим ҳеч, бир нафас доғлай сени.

Бир сенинг бирла яшаб ўтсам, яна
Гар тугилгаймен, фақат хоҳлай сени.

Жонибек дер, сенга етсин-етмасин:
«Кўз-ла ёшлай, дил ила — оҳлай сени!»

1993

ГУМРОҲ БИЛУР

Бу руҳим сийнамни отанигоҳ билур,
Гамгузор умримни сўнгсиз оҳ билур.

Мен саҳарларда санамни ёд этиб,
Куйласам, печун мени маддоҳ билур?

Ҳар мусулмон Каъба сори тутса юз,
Ишқда мажнунликни кўнгул роҳ билур.

Мен дедим ишқни тариқат, лек ҳаёт
Кўҳна очунга буни ислоҳ билур.

Аҳли ушоққа дилим — ишққададир,
Кимки ишққа ёт, уни бир чоҳ билур.

Мен биларман ишқда ҳолим, кимлигим,
Фарқи йўқ, ким хоҳи билмас, хоҳ билур.

Ошиқ ишқ тахтида ўзини шоҳ билур,
Ҷонибекни балки бир гумроҳ билур...

1993

ЖИЯНИМ БОБУРГА

Ўртар иссиқ истаранг жонни бугун,
Кўр қийиқ кўз бирла жаҳонни бугун.

Ерга урса сапчигаё шаддодлигинг,
Кўзлагайми шахдинг осмонни бугун?

Сен ўзинг пай айла, қалтисдир замоц,
У қиличдек тутмагаё понни бугун.

Тахти вайрону харобат мамлакат,
То эли севмас шоҳу хонни бугун.

Тожу тахт аввал-азалдан ёрлақар,
Гап билан лол айлар инсонни бугун.

Жажжи дўстим, шоҳ бўлишдан ҳам қийин
Покиза тутмаклик иймонни бугун.

Шоҳи бўлгин сен кўнгиллар мулкининг,
Олмасанг-да ҳинду афгонни бугун. •

Устивор ҳар қандайин шоҳ тахтидан
Ким сўрар бир кўнгли ваёронни бугун...

Мияг ризодур Жонибек ўз умридан,
Омадингдан кўрса ҳайронни бугун!

1993

ҚАРАНГ

Гарчи топдим мен ғазалдан дилга шодмонлик, қаранг,
Солмади кўнглига хоҳиш беклигу хонлик, қаранг!

Бора-бора мен кприб сиру сипоат қаърига,
Сен, деди, ғариб эмас, чин ўзбекистонлик, қаранг.

Менга собир бўл, деди, берди қапоатдин сабоқ,
Қувди шаккокликни, этди дилни иймонлик, қаранг!

Мен ғазаллар орқали дунёга туйнук изладим,
Тутди қўлдан, қилди маъонийда дostonлик, қаранг.

Мен аруз хаймида кўп сармасту сархуш онларим
Бошим эрди бир нафас фериуза осмонлик, қаранг.

Дер ғазал: ўтди замонлар ўзни ўзга тиг этиб,
Ки дуойинига очибдур кимса қўл, қонлик, қаранг.

Мен ғазал шарҳ айлаган шарқона кўзни изладим,
Неча шахло кўзки, сўнган нури, армонлик, қаранг.

О, ғазал сеҳри экан, не мўъжизот кўрсатмади,
Мил — сатрга зер забар, мардум қилар донлик, қаранг!

Мен ғазал гирдобини дебман гўзаллик мавжпдур,
То шоир бўлмай омонлик топмаган жонлик, қаранг!

Дер Фузулий: бўлмасун кофурга мусулмон асир,
Дилда оллоҳ бўлмагач қайда мусулмонлик, қаранг!

Кўрсатиб ким шода дурни, ким эса йўл, қилдилар
Жонибекка неча ғазал пири сарбонлик, қаранг!

1993

БЎЛАК

Бул жаҳонга йўқ муносиблик худоликдин бўлак.
Бизга йўл йўқ унда чанги интиҳоликдин бўлак.

Кўрмадим ё англамакка менда идрок этмади,
Хуш амал йўқ бандаларга сернизоликдин бўлак.

Не сабаб йўқдир муҳаббатда нурафшон интиҳо,
Ким фидойи ишқда — қисмат йўқ сазоликдин

бўлак.

Сийратим сувратга айланди нигоҳинг ўнгида,
Борлиғимнинг машқи йўқ аксу садоликдин бўлак.

Қонталош кўксим кўриб айлар сўроқ мажнуни дайр,
Ё яратмайди илоҳ ёри жафоликдин бўлак?

Бу ҳаёт кафғири кимни ёғида доғ этмади,
Бўлмади ҳеч бахт муяссар бир индоликдин бўлак.

Интиҳо шул: кимни боши гарчи аршга етса ҳам,
Йўқ нажоти бир кунг ерга ғизоликдин бўлак.

Билмадим, ведин иборат бу фано машғуллиғи,
Касб-ҳунар йўқ менда ҳеч сенга фидоликдин бўлак.

Шул йўсин васлингши то мевдан дариг тутгайки сен,
Чора қолмас сенга ҳам мевдан жудоликдин бўлак.

Торта-торта оҳни оздим токи бир кыприк қадар,
Ҳамқаламлар шарҳи йўқ «қадди дутолик»дин бўлак.

Кундузи рўшнолигин мендан яширса дайри дун,
Тунга ҳам иш қолмади менга қаболикдин бўлак.

Кўйида саргашталики менга ишқининг, ё азал
Ё нотинч руҳимга кор йўқдир саболикдин бўлак?

Гарчи ўз кўнглига шохдир Жонибек, ишқ мулкида
Қисматига бўлмади фол бир гадоликдин бўлак.

1993

ПАНЖАЛАР ЙИҒЛАРМИДИ

Панжалар йиғлармиди ё панжадин тор йиғлади?
Ёки оҳанг бўзлади, ё жўр бўлиб ёр йиғлади?

Не сабаб ўртанди оҳанг сеҳридан ошуфта дил,
Ёрми йиғлар ёки дилда ухлаган зор йиғлади?

Йиғлагувчи ўзгалар-да, ёш менинг кўздан сизар,
Нам кўриб дийдамни, таъна этма: «Бир бор йиғлади...»

Мен дедим: «Йиғлатмагин, кўй!» «Ишқда бир сенмас,
— деди,—

Неча Фарҳод, неча Вомиқ, неча Қайс хор йиғлади!»

Йўқми бирда ўз-ўзидан, гоҳ ҳаётдан кулмаган?
Кулди кўзи ишққа ётлар, кўзи хуммор йиғлади.

Йиғлади тоғ ногаҳонда бўлса мажруҳ сорлари,
Қай маҳал топталса тоғи, чўққида сор йиғлади.

Аҳли ушшоқ ғайриларга ёшидан бермас нишон,
Дилни тўлғаб хўрсиниқ, кўз ёписиз ор йиғлади.

Балким оҳанг чертди хушнуд хотироти торларин,
Унга боққан кўйи дема: «Ҳоли душвор йиғлади!»

Бўлди қондин баҳравор бўйним камади орқали —
Қоқ оғоч ҳам ёзди хасрат баркларин — дор йиғлади.

Во дариғ, остона ортида турар ёр васли, лек
Айлаёлмай икки дил розини изҳор, йиғлади.

Бир замон ишқ созига билмай оёқ босган эди,
Жонибекнинг авфидан балким умидвор йиғлади?!

1993

КЎКДАГИ МОҲ

Мисли кўк тоқидаги моҳ йиғлагай,
Ўртаниб сийнамда бир оҳ йиғлагай.

Бевази шаршам хаёлдан ахтариб,
Изларим муштоғи — бир роҳ йиғлагай.

Ким юпатгай ушбу оҳимни келиб,
Жўр бўлиб оҳимга дил гоҳ йиғлагай.

Билмадим, қайдан бинодир ушбу оҳ,
Ки нигоҳим унга ҳамроҳ йиғлагай.

Йўқ ҳаётнинг бандаси бирлан иши,
Фарқи йўқ ким хоҳ кулар, хоҳ йиғлагай.

Бир куни оҳлар мени айлар ниҳон,
Бир санам бўлғай-да огоҳ, йиғлагай.

Ҳар томирга тола-тола сингди оҳ,
Ҳар аъзонинг ўзи ногоҳ йиғлагай.

Чирмади танин шу кўй оҳ оташин,
Мен қолиб, тап чун оташгоҳ, йиғлагай.

Дер: рапйят оҳидап огоҳи йўқ,
Бир куни ҳар қандайин шоҳ йиғлагай.

Бир замон менда тивар ҳам балки оҳ,
Сенда кўзлар ўрнида чоҳ йиғлагай.

Жонибек бирлан кўмилмас оҳи ҳеч,
Руҳи сиз бирлан баногоҳ йиғлагай.

1993

БОҒИНГ БИР КЕЗГАЛИ

Боғбон, эрк бер нигоҳимга боғинг бир кезгали,
- Мен дилимни ҳар гулингнинг кафтида бир сезгали.

Ногаҳон гуллар ёноғида кўриб у қатралар,
Не ажабки, этса хоҳиш шабнам ичра сузгали.

Гулларингдан излаб у ўзинга монанд бир жаҳон,
Незмагай боғинг нигоҳим бу жаҳондин безгали.

Балки менап олган у пинҳона бирон топшириқ,
Билмадим, ёр қошига у ўсма излар эзгали.

Гул нигоҳидан қиёс изларми ёр кўз қиррига,
Ҳай бири авлодигин сўзларми келса ё гали.

Изларин ёрнинг шу боғдан топмағига шубҳа йўқ,
Жонибекдай ё кўзи қиймайди уммид узгали?...

1993

ҲОЛ ҚАЙДА

Сенга етмоққа ҳол қайда?
Нигоҳингга мажол қайда?

Сени қўрсам адашгайман,
Амал қайда, хаёл қайда?

Бу дунё корига мендек
Ажаб ҳайрону лол қайда.

Йўқотгайман ўзим, билмай
Нажот қайда, завоқ қайда.

Тегибдур кимга гал сўзда —
Жавоб — кимда, савоқ қайда?

Кириб эллиққа, хом лойим,
Пишитмоққа кулоқ қайда.

Кўнибмен шунча таҳқирга,
Ки жонимга малол қайда!

Ўтарми Жоппибек излаб:
«Нигоҳи пок — зилоқ қайда?»

1993

ЧАНГИМ ҚЎНАР

Билмадим, қайга ахийри бир куни чангим қўнар,
Қайси гулга, олми, заъфар сингари рангим қўнар.

Мен муқиммен, кўкдами оққай хаёл дарёларим,
Билмадим, кифтимга қай бир куни Кўҳи Тангим қўнар,

Эҳтимол, хатга тушибми ибтидою интиҳом —
Билмадим, бошимга ё хокимгами сангим қўнар.

Кўрди кимдир кўзларимда ё хинонинг рангини,
Қай вигоҳнинг тигларига қон каби зангим қўнар.

Ҳеч юракка оташин додимни ошкор этмадим —
Қайси дилбар сийнасига оҳли жарангим қўнар.

Гарчи олам кўҳналикдур, кўҳнадир ишқий баёз,
Шарҳи ишққа кўҳна байтим ва ёки янгим — қўнар.

Гар висоли муҳрини босмас лабимга лаблари,
Лабларига чўг бўлиб ҳар мисра — оҳангим қўнар.

Не ажабким, бир маҳал ялдолиғидан тонса тун,
Жонибек дер: «Кўзларимнинг ўнгига тонгим қўнар!»

1994

ҚҶЛЛАРИНГДА

Қанча султон келди-кетди, қолди доим тахт, ва лек,
Рух ўзип ёшман, дегайдур, гарчи кетган шахд, ва
лек.

Бу ҳаёт кўп оқилу довони кўрди, сўрди ҳол,
Қайга кетди бахтиёрлар, қолди хомуш бахт, ва лек.

Қанчадир оташ нафасга ваъданўшлик бўлди касб,
Ким мени ижро этар, деб тентирайди аҳд, ва лек.

Салтанатлар вақт оти пойида урвоқ гардчалик,
Беғубор дил то абад иймон учун пойтахт, ва лек.

Яхшилиқдур ё ёмонлик қилди ким, тақдирга қўй,
Не ҳакам бордур, улардан одили — бир вақт, ва лек.

Бу жаҳон қотилвашу қарсақнавоз, томошабоз,
Ёсумандир дил билан у, тилда болу шахд ва лек.

Эй ҳаёт, етказмадинг гарчи муруватдин садо,
Жонибекнинг жони тургай қўлларингда нақд ва лек.

1994

III. Афсона, ривоят, баллада ва дostonлар

ОНА ВА НОН

Афсона

Кун кўриш жуда оғир
Бўлган қадим замонда,
Бир ўғли билан кампир
Ўтган Зомин томонда.
Ғарибгина кулбада
Оллоҳдан тилаб нажот,
Қапшоқ, юпун-увада
Кечирининги ҳаёт.
Қушдай териб машоқ-дон,
Бойларга бўлиб оқсоч,
Ўғлига топибди нон,
Қолдирмапти уни оч.
Эри-ла кечган шодон
Қисқа дамлардан ёдгор —
Ўғлини ўйлапти ҳар он,
Қилмай дея уни хор.
Тирикчилик кўйида
Йиллар ўтиб бирма-бир,
Сирли севги бўйидан
Тапвешга тушди ўсмир...
Асов қалби боғланиб
Бир сулувнинг домига,
Ўртанди тунлар ёниб,
Сигиниб қиз помига.
Кампир қиз остонаси
Оқ сочи-ла сукурди.

Кўндиргунча онасин,
Оёғига бош урди.
Ниҳоят, қилгач келин
Рўё бўлди армони.
Ўғли-ла қўшди йўлин
Қишлоқнинг энг жовони.
Ўғли бахтидан сархуш,
Шу хилда йиллар ўтди.
Азобларни гўё туш,
Кампир тамом унутди.
Қарол ҳамки, билмай мунг
Ўғил тинмас туну кун,
Бир этак болаларнинг
Нони бўлсин деб бутун.
Болалар ўсган сари
Форга айланди рўзгор.
Ҳаловат қочди нари,
Қолмади нажот зинҳор.
Топса беш газ бўз, алак,
Тошмай пону ошига,
Отанинг жони ҳалак.
Йўқлик тушиб бошига.
Остонадан ҳатласа
Тундликка келарди дуч.
Уйда йўқ деб ҳеч нарса
Хотин бошларди хуруж.
Тўшакда, тунги дамлар
Қулоққа қуйиб оғиз,
Дерди, топганинг ямлар
Онанг гўё ялмоғиз...
Аввал ишонмай сира
Бепарво бўлди ўғил.
Ниҳоят қалбин яра
Этди бу тош. Тошки, зил.
Кун сайин андишани
Унутиб келин тамом

Топтагандай гулшавни,
Кампирни қилди бадном.
Ўғил-чи? Қолди икки
Ўт аро лол ва ҳайрон.
Изтиробларнинг чеки
Кўринмас эди аён.
Кўзи олдидан лип-лип
Ўтди муштинар шу чоғ.
Қачон бўлса кавшаниб,
Қимирлаб тургувчи жағ..
«— Хотин алдамайди ҳеч,
Балки барча гапи рост,» —
Дея ўзича бир кеч
Онага кирди бехос..
Кўзи ногоҳ тушди ю,
Онасинияг лунжига:
«— Болаларим очдир, у
Кавшанар тун ҳам, нега?»
Она боқди: рағ, ғурбат
Ўғли қаддин қилмиш дол.
Қашшоқлик, сўнгсиз меҳнат
Қаритипти гўё чол.
Келиннинг гапларидан
Хабардор мушфиқ она,
Қутилиш-чун баридан,
«— Кел,—дер эди, — наймона!»
Қошида турар ўғли,
Ўғли эмас, йўқ, сурат!
Боқиши аянч, мунгли,
Тилаган каби шафқат.
Ҳамма гапга тушунди
Меҳрибон она қалби.
Пайти шу, дея, энди
Гапга жуфтланди лаби:
«— Ўғлим,—деди,—кел яқин,
Кел, ёрлақасин худо.

Овалик сутим ҳаққи,
Бир талабим эт бажо.
Ҳув адир этагида
Овлоқ Сурмон жари бор.
Сен чақалоқ чоғингда
Бир боргандим йиғлаб зор.
Қисиқ кўзли ёв — Сурмон
Босиб келиб қилди жанг.
Мардларча берганди жон
Ўша қирғинда отанг.
Элтиб ташла шу жарга,
Ғажисин қашқир, қузғун.
Кўзларим ўйсин қарга,
Элт гувоҳсиз ушбу тун!
Сендан рози бўларман
Мен ана шундагпна.
Қийналмас асло имон,
Берганим учун сийна.
Ўша жарда мен отанг
Руҳига бўларман эш.
Кўз юмай демай аттанг,
Оқ сутим қилмасдан пеш!»
...Бир зум тинч қолди она
Эрк бериб ўйларига.
Нигоҳ қадаб ягона
Ўғлининг бўйларига.
«Шу ғақир тинч, осуда
Яшасин, юрсин омон.
Сабр-тоқат бер, худо,
Ахир жўжа-бирдай жон».
Бир амаллаб турди-да,
Ўзини олиб қўлга,
Ўғлига этди нидо:
«— Қани, туш, болам, йўлга!»
Сўз-сухансиз, бесадо
Кифтин онага тутиб,

Талабни этди адо..
Қайтди маҳзун, қон ютиб.
Ўтди кун, ўтди ҳафта,
Унутилмади алам.
Қалбини ўртаб тафти,
Ловуллади бадтар ғам.
Ўттиз кун ўтди роса,
Уйда аҳвол шу ҳамон.
Аввалгича ним коса,
Аввалгича нимта нон.
Кун ўша, тун эскича,
Уйда эскича ҳаёт.
Ўзгарипи йўқдир пича,
Онасиз ҳам шу, наҳот?
Чидамай ўғил мутлоқ,
Жар томон борди яна.
Сочларин ёйиб оппоқ,
Ўтирар эди она.
Оналик меҳридан ё
Ҳайиққанми қашқир, зоғ,
Ўтирар она танҳо,
Фаришта сингари, соғ!
Ажин босган лунж таранг,
Шимарди ниманидир.
Ўғил бўлиб ҳангу манг,
Сўради, бу қандай сир.
— Ҳе, ўғлим, — деди шунда, —
Лунжимда ўрик қоқи,
Бир ой сўрдим чап лунжда,
Келтиргунингча токи.
Бугун бўлди нақ бир ой,
Ўнг лунжимда ўша қоқ.
Ҳали бутуп ҳойнаҳой,
Ишопмасанг агар боқ!
Боқди-ю, шунда билди —
Биронта тишсиз ағзи.

Ниш отиб кетган эди
Ўрик данагин магзи...
Оҳ, деб пешонасига
Урди-ю, ҳушдан кетди.
Ўз узрин онасига
Жон бериб, изҳор этди.
...Тирикчилик кўп оғир
Бўлган қадим замонда,
Шундай воқеа содир
Бўлган Зомин томонда.

1980

ОТА ЧИРОҒИ

Баллада

Отам Сувонқул Ашурбек ўғли хотирасига

Чангга ботиб данту адир
Йўлларида ҳар замоп,
Ўғлиг сенга талпинадир,
Қишлоққипам, сен томон.
Ҳаёт шу-да, ёшлик — шаддот
Сиямай қолиб тоғларга,
Фарзандларинг қўйинди от
Сендан олип ёқларга.
Улар кетди ўжар, саркаш
Уфқлардан ҳақталаб.
Улар кетди мисли оташ,
Урф закирин парчалаб.
Кетди ҳар гал, қолавердинг
Мушфиқ онам каби лол.
Гўё ортдан тилар эрдинг
Фарзандларга бахт, пқбол.
Ҳа, сенга ҳам эмас осон,
Қайларда деб ҳар шунқор,
Уфқларга термуласан
Шому саҳар интизор
Фарзандларинг ёзса қавот,
Чўллар бўлди кенг само.
Синов қилар янги ҳаёт —
Чўлдаги ҳар муаммо.
Бўлишмасин улар қайда,
Бўлма зинҳор хавотир.
Сенинг ёдинг ҳамма жойда
Уларга сув, ҳаводир.

Кечагидай ёдда ҳамон,
Езда эди, йўл гарди,
Отландимки тақдир томон,
Кипригимга қўнарди.
Шундан буён — йўллар ҳамдам,
Менга сирдош йўл чанги.
Ўша кундан топди барҳам
Ўспиринлик оҳанги.
Ўтиб кетди маана, ўн йил,
Арғумоқдай елдирдим.
Суворийлик инқида дил
Ҳамон ёпар бстиним.
Ўн йилдирки, аҳён-аҳён
Чидай олмай фироққа,
Интиламан, қалба тугён,
Қадрдоним, сен ёққа.
Чунки сенда менга қутлуғ,
Менга азиз, мўътабар,
Бағри илиқ, нурга тўлиқ
Бир муқаддас кулба бор.
Оддийгина бу кулбамиз
Кексаликдай беҳашам.
Деворларда ёмғирдан из —
Бамисоли беқасам.
Ёниб турар унда чорлаб
Отамизнинг чироги —
Умид каби бизни чорлаб
Ёнганидай юраги.
Атрофида соқчи мисол
Қатор терак чўзган бўй.
Еллар билан айлаб висол
Не ҳақдадир сураб ўй.
Ҳали қуёш сочмасдан зар —
Жилмаймасдан уфқдан,
Бу тераклар фойдаланар
Ҳаёт берган ҳуқуқдан:

Чекинишиб тарих томон
Улар талай қадамга,
Хотирада бағишлар жон
Марҳум, азиз отамга.
У бир зотга нолимасдан
Пешонаси — тақдирдан,
Яккаликка гўё қасддан
Жон койитиб тақирда,
Саратонда лойни қориб,
Ўзи қилиб панжакаш,
Терак кесиб, васса ёриб,
Уринган-ку яккабош.
Сўнгра бир-бир биз туғилдик,
Уй-чи, бозор — серсурон..
Ҳа, бир уюм бола эдик,
Ташвини эдик бир жаҳон.
Ўша йиллар ҳатламоғим
Мушкул бўлган остона,
Бугун гўё ёшлик чоғим,
Олисдаги афсона.
У чорлайди мени ҳамон,
Ҳамон муштоқ кутади.
Келдингми, деб, борсам, омон,
Пойимга бош тутуди.
Уни ҳатлаб ўтгум шу он,
Ҳатлагандай замонни.
Симирганча мангу армон —
Таниш ҳидни — ҳавони..
Тўрдан турар гўё отам,
Қўлни тираб тизига.
Сўнг қўяди пешвоз қадам
Нигоҳ қадаб юзимга.
«— Яхшимисан, ишинг қандай?»—
Дея қучиб кифтимдан,
Отам руҳи кузатгандай
Туюлади нақ зимдан..

Бироқ булар бир ўй-орзу,
Ушалмас бир хаёлот.
Оқиб кетди қапчалар сув,
Кетга оқмас бу ҳаёт.
Отам тирик дамлар ҳақда
Сўнгсиз-сўнгсиз ўй қолди.
Қалб аталмиш тубсиз чоҳда
Акс-садо куй қолди.
Неча йилки, хаёлларим
Йўлларимдай тарқоғу,
У йилларга саволларим
Хотиротим арқоғи.
У йилларга айлаб қиёс
Бугунги ҳар дамимни,
Шодликларни айлаб ниёз
Унуттирар ғамимни.
Мени қанча ўз домига
Тортса шаҳар муҳити,
Сажда қилиб шеър номига
Телбадирман гоҳ худди.
Қўшолмадим шеър шаънига
Гарчи бирор сўз, бешак,
Лек хотирот виждовига
Келтирмадим асло шак.
Бораянман чуҳлаб ҳамон
Вақтин хивчин тойимда,
Чарх урса ҳам гарчи замон,
Собитлигим — қопда.
Ҳар келганда бўлишиб жам
Қўни-қўшни, ёп-қари,
Қисқа келиб узун тун ҳам,
Гурунг силжир тонг сари.
Суҳбат кетар: «Бизлар у чоқ
Отанг билан Фарҳодда
Елкамизда таниб тупроқ
Ўтган кушлар хўб ёдда...»

Аравакаш илар гагни:
«Колхоз ҳали янги кез,
Кўтармоққа қўш жуи қопни
Баҳслашиб қолдик биз.
Ҳа, тўққиз-ўн норғил ёшлар
Жам эдик-да хирмонда.
Гиз-гизлардик: хўш, ким бошлар?
Ким қўрқмайди ботмондан?
Елкаларга ҳа-ҳалашиб
Ортиларди юк бирров.
Кифтимизда қон қалашиб,
Маррага етдик икков...»
Тилга кирар полвон бобо,
Мақтов сўзин қизганиб.
Суймаса-да жини ҳатто
Бир ўзидан ўзгани:
«— Кўн бақувват эди, аттанг,
Ҳеч кимга бел бермаган.
Бу обравда фақат отанг
Елкаси ер кўрмаган.
У тинмаган шамол эди,
Аямасди дўстдан жон.
Каттақўрғон каналида
Меҳнатидан тонди шон.
Қизиқ бўлди бир кун ҳатто,
Гувоҳиман нақ ўзим.
Биласанми, унга атаб
Қўшиқ айтди дейсан ким?
Бағишлади отангга, ҳа,
Қўшиғини Ҳалима.
Минг-минг одам қарар, эҳ-ҳа,
Мана, омад, бахт нима!»
...Шундай, йиллар қаъридаги
Кул қоплаган ҳар лахча,
Жўн, қишлоқча мавзу чоғи
Елқинланар ҳар лаҳза.

Секин, бир-бир ҳижжаланар
Епиқ умр дафтари.
Шу баҳона, тўлиқ санар
Чоллар ҳамон сафларин.
Панжалари оипоқ, узун
Соқолларин тараб гоҳ,
Ўтган йўлга — шод ё фузун,
Солар ўйчан бир нигоҳ.
« — Чархпалақдир, — дерлар, ҳаёт
Айланади бетиним.
Кимдир кетар, ўрнига бот
Қўним топар унда ким.
Давраимизда бугун гарчи
Отанг этмас иштирок,
Енишини билар барча
Кулбасида шамчироқ.
Ўша ўчоқ, ўша мўри,
Ўша меҳмон кутишлар.
Ўша сада, ўша сўри,
Ўша кўк чой тутишлар.
Ўша очиқ дарвозада
Тинмайди от дупури.
Улгуролмас ҳам баъзида
Келинлар уй супуриб...»
...Авж оларкан суҳбат чўғи
Чоллар чўкиб ўринга,
Хўрозларнинг қичқириги
Нуқта қўяр гуруннга.
Олдинда тонг. Яна жўнаш,
Яна ҳижрон, ўртаниш.
Онам, синглим юраги гаш:
Мен гўёки бир таниш,
Бору йўғи бир кеч тунаб,
Қонмай ҳатто меҳри ҳам,
Кетаяпман яна жўнаб,
Тонг бўзарган субҳидам.

Қолар яна бу қўналға
Мени ташна кутганча.
Мени сўраб, юз саволға
Ўтганларни тутганча.
Ораликдан ўтмай ҳафта
Онам кезар тушимда.
Ендиради соғинч тафти —
Айриларман ҳушимдан.
Хомуш онам дийдорини
Ҳис қилганча фироқда,
Ахтаради дил дорини
Отам ёққан чироқдан...
Шу камкўрим, лойсувоқ уй —
Биз — ўн жоннинг бешиги,
Очплаганда таратар «куй»
Кесакили эшиги.
Ҳар болори хоссасини
Сақлагандай хотирот,
Ҳар қаторнинг вассасини
Сапай-санай этдик ёд...
Шу кулбада ёлғиз чироқ
Ёнар эди бир замои.
Ёгдусидан — йўлимиз оқ,
Қалблар эди нурафшон.
Ўша чироқ ёнар абад
Ёлғиз эмас, ўн жойда.
Ўн кулбани қилиб обод,
Отам — тўрда ҳувайдо!

1972

ПАРИҚИШЛОҚ

Ривоят

Қанча рост бу ёки ёлғон.— билмадим,
Бул тарихни мен ривоят қилмадим.

Нотаниш бир оқсоқол сўзлаб эди,
Билмадим, не муддао кўзлаб эди.

Унга ҳам ёш чоғлари бир чол деган,
Афтидан бу қисса кўн кўҳна экан.

Дерлар, Олмосда Пари қишлоғи бор,
Ўтмишин қишлоқни сирли ёғи бор.

Воқеа бўлган қадимги пайтлари,
Бу — ажиб ишқдан ҳикоят байтлари.

Ки этар эл бу тарихдан ифтихор,
Аҳли қишлоқ руҳидай тоғда виқор.

Шу боис тоғ чўққиси осмон қадар,
Чашмаларда сув пиринмиш жон қадар.

Пинжида тоғнинг ажойиб кўл эмиш,
Мавжлари инжу мисоли ёзу қиш.

Кўл эмиш сирли париларга ватан,
Бари одам кўзидан пинҳон зотан...

Ушбу тоғда бор эди бир ёш чўпон,
Кимсаси йўқ, якка-сўққабош чўпон.

Езу қиш қўлда таёғи шай эди,
Қасби — чўпонликка умри бай эди.

Содда, оддий эрди ҳамда кўнгли оқ,
Кўнгли қитмирлик ё фитнадан йироқ.

Ҳамдами ҳар лаҳза ёр ўйи эди,
Кўзлари ўнгида ёр бўйи эди.

Унга ўйлардан бўлак маҳрам қани,
Дилга куйлардан бўлак малҳам қани.

Дардларин куйга солар — найга солар,
Сирдоши найдан бўлак қайга солар!

Дили дардин найи сўзлар сурувга,
Хаёллар гарқ этар боққанда сувга.

Бахtimi ё омадими, бир куйи
Бир ажиб ҳол қилди-қўйди лол уни.

Тушиданми ё кўлдан чиққани кўй
Қараб тургай эди унга парирўй.

Нигоҳидан нигоҳи бўса олди,
Бирини ўзгасининг кўзида қолди.

Шўнғиди қиз, кўл юзида қолди из,
Суврати кўнгилда қолди шубҳасиз.

Кўрганидан ул чўпон ҳайратда, лол,
Ўлтирар эрди очиб тақдирга фол.

Бу хаёлми, тушми ёки мўъжизот?
Бир ҳазилми қилди унга ё ҳаёт?

Қиз одам қавмидан эрди ё пари?
Инсу жинсга тушдими ё кўзлари?

Кўрганин кимга бориб бир-бир десин?
Кўрганин ё бир илоҳий сир десин?

Ким унинг ҳамдардидир тилдан бўлак?
Ким унинг ҳамдардидир дилдан бўлак?

Ўлтирарди чорасиз, афтодаҳол,
Ки савол устига ёрилгай савол...

* * *

Қиз парилар шоҳлигига қайтди зуд,
Кўрди нелар, онасига айтди зуд.

Этди ошкор кўл сувидан чиққанин,
Кўзларига бир йиғит кўз тикканин.

Ҳам дедиким, ёнади бағримда ўт,
Не бу бағрим, бу тиниқ баҳримда — ўт!

Ўртади она пари кўксин кадар,
Англади: тушди париликка хатар...

Ушбу дардга бор парилк макри — кам,
Йўқ, даво топмас парилик сеҳри ҳам.

Сўнг деди: «— Бўлдинг хатойингга фидо,
Билки, биз — сендан-да, сен — биздан жудо!»

Бил, пари қавми одам зотига — ёт,
Солмаган бизга нигоҳ одамизот.

Ташламиш танингдаки одам нигоҳ,
Қолмади сенга парилар ичра роҳ.

Энди тутмассан парлик расмини,
Айлагунг ижро у одам азмини.

Сен учун битмиш буни асли азал,
Эҳтиётсизлик ҳаётинг қилди ҳал.

Нетай, сен бирлаким шу ҳол бўлипти,
Қисматингдаким бу чин фол бўлипти.

Парлик расми шу тахлат бузилмиш,
Парликдан сенинг ринитанг узилмиш.

Бор энди, тақдиринг одам билан қўш,
Замин ташвиши, иши, ғам билан қўш!

Йўқ ўзга чораси, одам билан бўл!
Парилар масканига қайта йўқ йўл!

Нечоғлик мўътабар пари эурсен,
Бориб одамга чин кўнгил берурсен.

Бун тангрим иши, тақдир бил энди,
Бориб одамга маҳрамлик қил энди!

Неки хуш хотира ёдингда қолғай,
Бари пари деган отингда қолғай.

Сенинг бунда қолувинг нораводир,
Одам олган ҳаво сенга даводир.

Насиб этмайди энди қайта дийдор,
Париликни унут, одам сари бор!»

Шу лаҳза чайқалиб, тўлқинланиб кўл,
Пари олди ўшал чўпон сари йўл.

Узатди қўлларин: «— Мен сенга ёр! — деб.—
Етаклаб мени ўз кулбанга бор! — деб.

Нигоҳинг тушди, бас, биз ёқда урф шул,
Чўпон ҳамки, шохимсен, сенга мен — қул.

Пари эрдим, парилик топди барҳам,
Сенинг ишқинг бўлур дардимга малҳам!»

«— Е фалак!» — дерди чўпон бу бахтидан.
— Не шараф бу, — дерди.—Шоҳлик тахтидан

Устивор бир бахтни келтирди пари,
Чин вафога аҳдни келтирди пари.»

Қанча тоғ кезганди афтода, ғариб,
Бир пари сиймоли ёрни ахтариб.

Шод эди ул, қилмади бахти хато,
Бу мовий кўл айлади ёрни ато.

Бир парияким, ер тугул у моҳда йўқ,
Бундайи ҳеч тожу тахтли шоҳда йўқ...

* * *

Дейдиларки, яхши турмуш қурдилар,
Яхшилардай даври даврон сурдилар.

Ул пари куйдирди жонин ёр учун,
Қўйди бор меҳрин ширин рўзгор учун.

Англади тез кунда ёрнинг ҳолини,
Очди унга шунда омад фолини.

Бир кун эри бозор йўллапти у,
Уқтириб бор шартини сўйлапти у:

— Ушбу ҳамёнимда ҳикмат кўп жуда,
То бозорга етмай, очма беҳуда!

Токи савдонг битмагай, қўл урмагил,
Не бор унда, дея оча кўрмагил.

Бесабрлик ёки шопқин иштиёқ
Айлагай бу сирли ҳамёнимни қоқ!»

...Қатнади ҳамён билан бозорга эр,
Қайтди хўржун тўлдириб рўзгорга эр.

Турмуши, ҳамён сабаб, бекам эди,
Рўзгори ташвишидан беғам эди.

Сирли ҳамён хизматига шай эди,
Қанча савдо қилса ҳам етгай эди.

Ўтди шу аснода ойлар файзёб,
Эрди ҳамён ҳиммати хоҳишга боп.

Кўнглига тушди ғулуми, бир куни,
Балки шайтон йўлдан оздирди уни —

Эсламай ҳаттоки ёри пандини,
Йўлда ечди сирли ҳамён бандини.

Кўрди: донм тўла ҳамён — қоқ эди,
Унда икки қора қумалоқ эди!..

* * *

Қайтди уйга эр бозордан, мунғайиб,
Қилмиши учун ўзи ўзин койиб.

Шу йўсинда битди ҳамён хизмати,
Топди барҳам сирли ҳамён ҳикмати.

Қайтганида эр бозордан, боши ҳам.
Кулди ҳам, бундан пари қайғурди ҳам.

«— Бундай ишнинг бўлмоғи эрди аён,
Йўқ, — деди, — энди пушаймондан ҳаён.

Бизга сўнгги битта тадбир бор яна,
Тебратармиз у билан рўзғор яна.

Аслида ул ҳам парилар коридан,
Бўлмаган бир кас огоҳ асроридан.

Ўйланиб, не еймиз, ичгаймиз, дема,
Ҳеч масаллиғ бобида ташвиш ема.

Токи дастурхонга келмас ризқ-рўз,
Ташлама зинҳор ўчоқ бошига кўз!»

Шул тариқа қўйди қатъий шартни ул,
Ютди ичга дилдаги бор дардни ул.

Ўтди тўкин-тўкис ою йиллари,
Декда қайнар не тусайди диллари.

Қайси бир овқатни ёдга олса бас,
Тахт қилар сеҳри парининг шул нафас...

* * *

Бор азал бир хислат инсон зотида,
Тез чиқар оғир, қаро кун ёдидан.

Гарчи ёри беқийёс пайкар унинг,
Сидқу меҳрин ҳар нафас пайқар унинг.

Қуйдирар жонин пари рўзгорни деб,
Турмушига берди меҳру сеҳри зеб.

Босди қисмат ё нодонлик муҳрини,
Қилмади нодон чўпон ёр шукрини.

Шубҳа ўйлари аро ёнгай эди,
Сеҳрига ёрнинг шак уйғонгай эди.

Ўзи бир бор бесабрлик қилгани,
Иштиёққа дил асирлик қилгани,

Кору аъмолига гарчи берди панд,
Гарчи бозор ёққа йўли бўлди банд,

Ўйлар эрди кўн билай деб ёр сирий,
Чунки йўқ дунёда ҳеч сирдек ширин.

Иштиёғин боса олмай ногаҳон,
Боқди ёрга у ўчоқ бошида он.

Кўрди, ўчоқ ичра бамисли маёқ
Ёр узатган ҳолда ёнгай жуфт оёқ...

Ҳайрато, сирли қозон қайнар эди,
Машқидан пари эса яйрар эди...

Турди сакраб ўрвидан шул дам пари,
Бўлди барбод, неки сеҳри бор, бари.

Чунки шартни эр яна бузган эди,
У пари сеҳри ипин узган эди.

Энди йўқ тақдирга таян бермай илож,
Унмагай энди парилиқдан хирож.

Ўтди шу аснода кунлар, ҳафталар,
Дейдилар, ишқдан юраклар тафт олар.

Бир куни деди пари айлаб ибо,
Ки ато этмоқчи бир фарзанд худо.

Бу хабардан иккиси ҳам эрди шод,
Дил уйи фарзанд ила бўлгай обод.

Ўйлари бўлди ширини ўй бирла банд,
Дилга тил тобора бўлди пайванд.

Билдики, пари, яқиндир ой-куни,
Ёнига чорлаб эрин, дер ушбуни:

« — Мен агар кирсам кўзим ёрмоқ учун,
Кел, десам ҳам жонни қутқармоқ учун,

Илтижо этсам-да, айласам-да дод,
Чорласам юз бора айлаб сизни ёд,

Сиз бўлинг бегона янглиғ кўру кар,
Ёки кирсангиз раҳм айлаб агар —

Икки бор аввал хато этган каби,
Яъни сеҳримга зиён етган каби,

Етгуси фарзандга ҳам заҳмат-зиён,
Бойси бўлдимиз шартимнинг аён?

Илтимос, ташланг мени ўз ҳолима,
Ташламанг ҳеч кўзни қийлу қолима.

Гарчи қийнар «икки дунё ораси»,
Оналар билгайки, жигарпораси —

Кўз очиб дунёга боқмоғи учун
Садқа этмайди экан жонин нечун?!

Жонталош қилган маҳалда икки жон,
Оналар айлайди асрорин ниҳон.

Неки бўлса кўраини танҳо ўзим,
Тушсин илк бор гўдагимга ўз кўзим!»

Иккиси шу шарт учун аҳд қилдилар,
Аҳдни фарзандга зарурат билдилар.

Келди шу фурсат ўтиб бир неча кун,
Тутди юз охир ечилмоққа тугун:

Ичкари кирди нари тўлғоқ тутиб,
Бор азоб, оғриқники ичга ютиб.

Охпри дод солди, нола айлади,
Кўзлари ёниб у ёриш пойлади.

Жонидан ўтгач азоблар, чекди оҳ,
Ёр йўлига боқди, ёшдан ҳўл нигоҳ.

Илтижо этди кейин зорлик билан,
«Қисматим қўшмабминдим орлик билан?»

«Бу жаҳон кўзимга тор бўлган маҳал
Севганим-чун жисми хоримми бадал?»

«Оҳ, наҳот келган чоғи ҳалқумга жон
Эр юзини ўгирса бамисли жаҳон?»

Ё одам зоти диёнат билмагай?
Ёки аҳдига хиёнат қилмагай?»

Таъналар айтилди жон аччиғида,
Эр эди мисли қиличнинг тиғида —

Бир ёғи — бахтга хиёнатдай эди!
Бир ёғи — аҳдга хиёнатдай эди,

Гарчи сўз берган эди ёрига у,
Топмади тоқат пари зорига у.

Ичкарида нола зум тинган эди,
Гўё ёр жон шишаси синган эди.

Кўнглига ғулғула тушди: бу не ҳол?
Ё нафасдан тўхтади соҳибжамол?

У унутди ўзлигин ҳам аҳдини,
Ичкари кирди босолмай шахдини.

Кўрди ул, ёр қўлида суқсур эди,
Не гўдакки, кўсларида нур эди.

Юзига тақдирми, нур сурган эди,
Ҳам пари йўргаклаб улгурган эди.

Тинглаганми ҳақ парининг додини,
У падарга тутди ўз зурёдини.

Деди: «Сиз аҳдга вафо қилган учун
Берди тангрим қизга парилик кучин.

У яшар танда одам қони билан,
Кўксида сирли пари жони билан.

Қанчаким авлод берар тангрим агар,
Барида бўлгай париликдан асар...»

* * *

..Ишқилиб, ўтди азоблардан пари,
Йил сайин ўсди ўғил ҳам қизлари.

Бахтидан, кўрган кувидан шод эди,
Давраю даврони ҳам обод эди.

Барча одамдай тириклик қилдилар,
Меҳнату ранж йўлини йўл билдилар.

Билса ҳам авло парилик сеҳрини,
Боғлади фоний ҳаётга меҳрини.

Эқдилар ерга умид бирлан уруғ,
Кув-бакув солди ҳаёт бўйинтуруғ.

Кўрдилар очликни ҳам, тўқликни ҳам,
Кўрдилар борликни ҳам, йўқликни ҳам.

Ер суриб кетмон билан, боғ қилдилар,
Мевасидан эл дилин чоғ қилдилар.

Ризқу рўзни танҳо ердан кутдилар,
Эл қатори қора тердан кутдилар.

Кечиришди йилларин шундай қилиб,
Ки одамлар урфини урфи билиб.

Аҳли қишлоқ шу пари насли эмиш,
Шул сабаб бу жой чирой фасли эмиш.

Қизлари машҳур парирўйлик билан,
Эрлари номдор сухангўйлик билан.

Бўлди шу бирла ривоят ҳам тамом,
Унга не қўшмоқчи ким, этсин давом!

1992

ТОШЛАР НИДОСИ

Достон

Ховос туманидаги Намангон қишлоғи адирларида қадимий сўқмоқ бор. Бу сўқмоқ четида — тошбўрон қилиб ўлдирилган Буви билан Ғуломнинг қабрлари. Сўқмоқ севги қурбонлари номи билан «Буви-Ғулом» деб аталади. Бу ердан ўтганлар ҳалигача қабрларга биттадан тош ташлаб ўтадилар. Қабрлар тош ғарамига айланган...

Бир сўқмоқ бор қадим чоқдан,
Чиққан Усрушанадан¹.
Ўтиб келар кўп қишлоқдан,
Қанча адир, ёнадан.
Санглоқларни босиб келар
Оёғига ботиб тош.
Нақ тарихдан қочиб келар,
Ўтмиш сириш айлаб фош.
Ривоятлар каби сирили
Асрларда қолмай у,
Ортиб келар неча турли
Даврлардан бир қайғу.
Уни кимга сўзлайин, дер?
Қулоқ тутар унга ким?
Осмон йироқ, қаттиқдир ер,
Йиллар эса соқов — жим.
Ўз дардида ёниб ўзи,
Минг оҳангда тўлғанди.
Уфқларга боқди кўзи,
Адирларга чулғанди.

¹ Ғратепанинг қадимги номи

На Жўлангар, на-да Чакав,
Бекат бўлди бирор дам.
Бир дард уни тўлгар экан,
Шундан таскин, юпанч кам!
Баладчақир боғларини
Оралади паришон.
Эшиттирмай оҳларини
Кетаверди ғарб томон.
Ҳамдард излаб, олиб кетди
Зомин ёққа сўнгра бош.
Қиплоқларни огоҳ этди,
Беланди деб қонга, тош...
Ўша лаҳза унут бўлмас,
Унутилсин қандай у?
У лаҳзанинг оҳи сўнмас,
Жисмин ёқар у мангу.
Шунда унинг тошларига
Сачраганди иссиқ қон.
Икки ёшнинг бошларига
Ёғилганда тошбўрон.
Бунга қандай чидасин ул,
Қандай чекмас у озор?
Нақ бўйида икки ёш гул
Бўлса зумда қўшмозор...
Бу сўқмоқни шундан буён
«Буви-Ғулом» дейишар.
Кимнинг йўли тушса у ён
Қалби ғамдан уюшар.
Не ситамлар чекан дунё,
Не зўрликни кўрган эл,
Бундан ўтар тилсиз гўё,
Изтиробдан букиб бел.

* * *

Мана, икки шаҳид қабри,
Икки ғарам тош.

Муҳаббатга ўтмиш жабри
Бўлиб турар фош.
Қабрлармас, йўқ, йўқ, улар —
Ўтмиш хирмони.
Бунда абад сукут қилар
Ошиқ армони.
Бунда ётар ишқий қўшиқ,
Висол ва орзу.
Бунда ётар қанча ошиқ
Дилларнинг дарзи.
Тош дарзидан сизиб оқар
Муҳаббатли қон.
Тош қатидан синчков боқар
Севгидай армон.
Тошда ишққа туғма ёвлар
Қаҳри намоён.
Ва ишқ учун синган ғовлар
Шарҳи намоён.
Тош қаърида — ғалабаси
Севги хайлининг.
Унда тирик тантанаси
Юрак майлининг.

* * *

Бу кеч ҳарир пардалари
Ёпилмади ҳарамнинг.
Қайнаб эшон зардалари
Унутгандир оромни.
Ҳарамдаги парқу болиш —
Болиш эмас, энди тош.
Рўй бергандир бир машъум иш —
Унга қули қўймиш бош...
Айладилар бундан огоҳ,
Аён бўлди барча сир.
Ҳайрон эди эшон, эвоҳ,

Ғуломдан-а бу таҳқир.
Наҳот шунча зар, шоҳига
Буркаб қўйган хотини,
Қулви олган қучоғига,
Қулдан тубан деб уни.
Бу тўшакда анқимайди
Энди анбар хушбўйи.
Энди унда висол пайти
Такрор бўлмас шу кўйи...

* * *

Кўп сирлидир кўҳна олам,
У ечилмас жумбоқдир,
Оламдайдир ҳар бир одам,
Юрагида қанча сир.
Кўп йилларнинг нарисида
Қолиб кетган ёшлик кез,
Икки маъсум, норасида
Қалбга солди сирли ҳис.
Мурғак дунё уйқусидан
Уйғотгандай жуфт қалбни,
Соф болалик туйғусидан
Юлқиб тортди ишқ зарби.
Бирини бўлса қуш каби ҳур,
Бирини туғма қул эди.
Бирини ишқдан бўлса масрур,
Бирини топдай зил эди.
Чунки икки оралиқда
Ётар эди тубсиз жар.
Бу жар узра кўприк йўқ-ди,
Ўтиш мушкул, муқаррар.
Қушлар ўтиб борган сайин
Қўнаярди хавф-хатар.
Ишқ гулларин узар тайин
Билса замон — рақиб гар.

Ишқнинг пинҳон печаклари
Юракларни чирмади.
Бироқ баҳор чечаклари
Рўшно кунни кўрмади.
Вақти келиб бир эшонга
Тутдилар қиз қўлини.
Ва бердилар армуғонга
Югурдаги — қулини...
Шу бўлди-ю, янги даргоҳ
Маҳв этай дер бу ишқни.
Бироқ сўнмай қалбларда оҳ,
Қўшиқликка ошиқди..

* * *

Энди нима қилмоқ керак?
Эшон ҳайрон, лол эди.
Ор-номусдан ёнар юрак,
Қадди унинг дол эди.
«— Нима бўлса — бўлар, майли,
Интиқомга йўқ пайсал.
Лекин қўлим қул туфайли
Қон қилмайман ҳеч маҳал.
Хотинимнинг эътиборли
Беш оғаси бор, ахир.
Бўлса агар номус-орли,
Топишар-да бир тадбир».
Дарҳол кетди совуқ хабар —
Айб номаси сингилга.
Маълум эди қонли хатар,
Ғулу тушди кўнгилга.
Ошиғини топиб Буви
Қутар эди бир чора.
Кўз ёшларин тўкиб дув, у
Бўлдим, дерди, юзқора.
Қолиб бўлмас бунда зинҳор,

Ўлим билан юзма-юз.
Беш оғамни номус ва ор
Жаллод этар шубҳасиз!
Сас-шарпасиз, шу тунги он
Чиқиб боғнинг четидан,
Нажот излаб кетди пинҳон
Ботган қуёш кетидан...

* * *

Бирин-кетин ортда қолди
Қанча қишлоқ, неча эл.
Ўзга уфқлар қарши олди,
Ёт кулбалар деди: «Кел!»
У замонлар кам эмасди
Нон дея эл кезганлар.
Олмоқ учун жондан қасдин
Ҳаётдан безганлар.
Даврларнинг тош товони
Ўйдим-чуқур қилган йўл,
Бу дунёнинг саргардонин
Ўз кифтида кўрди мўл.
Ҳеч кўрмаган қалби бутун,
Ишқдан сархуш бўлганни.
Кўрди бахт деб, қора тутун
Оғушида сўлганни.

* * *

Чиққанидай ғилофидан
Замон қиличи,
Келди виждон азобидан
Беш оға учиб...
Не гап бўлса юзга солди
Эшон шу заҳот.
Не кўргилик? Ўйга толди

Акалар, ҳайҳот!
«Тошбўрон!»—дер, муҳаббатга
Тош отган замон.
«Тошбўрон!»—дер, разолатга
Бош тутган замон.
Замонаси тош тутқазди
Беш оғага ҳам.
Қора ҳукмин нақд ўтказди
Шариат — ҳакам.
Номус — ўлим! Ўлимдан бад
Қулнинг таҳқири.
Бошин эгди беш дев келбат;
Наманган ери —
Бўлди, деди, бизга ҳаром,
Суви-чи заҳар.
Урмимизга келтирди шом
Иснод — шум хабар.
Довруғ солмай, сездирмасдан,
Йўлда ҳеч кимдан,
Сўроқламай, ёниб қасддан,
Қувдилар зимдан:
«— Е ўлайлик бешимиз ҳам,
Иккови ёки!
Эзар бизни номус ва ғам,
Тирикмиз токи.
Тириклайин кўмди бизни
Ерга синглимиз.
Қора қилиб кетди юзни,
Абад мунглимиз...»

* * *

Наманганнинг боғларидан
Булбуллар учди.
Наманганнинг зоғларидан
Булбуллар қочди.

Муҳаббати иккисига
Куч-қанот эди.
Лекин ғаним тушган изга —
Бешафқат эди.
Наманганда балким буни
Унутгандирлар.
Унутгандай ҳар қайғуни
Одамлар, ерлар.
Неча кунки, ўша-ўша,
Боради қувғин.
Нур қочади излаб гўша,
Зимдан қувар кин.
Қувар кўзда қони тошган
Мисоли беш ёт.
Бир сийнадан сут талашган
Акалар наҳот?
Қувар эди ёвуз ажал,
Қувар изма-из.
Гоҳ етай деб қолади сал,
Чўқтиргали тиз.
Ҳорғин танга берар қанот
Муҳаббат, умид.
Қир ортидан гўё нажот
Тарар гулдай ҳид.
Ярим титроқ қўлларидан
Бувининг Ғулом —
Тутиб, бошлар йўлларидан
Севгининг мудом.
Ҳорғинликдан нолимасди
Гўзал Ғуломга.
Чўчитолмас ўлим қасди
Тортса ҳам домга.
Ёнидадир севган қули,
Эзгу матлаби.
Қўшди қулга умр йўлини
Уфқлар ҳатлаб у.

Ёнидадир шарнатдан,
Диндан кучли ҳис.
Қул бўлса ҳам, муҳаббатда
Шоҳона, ёлғиз!
Ичкарининг занжирини
Уни деб узди.
Никоҳни-ю, тақдирини,
Удумни бузди.
Ишқ ўтида эллар оша
Ёнган жуфт юрак,
Тополмади илиқ гўша
Дунёдан бироқ.
Чунки замон муҳаббатга
Балад дор эди.
Куч, разолат у ҳаётга
Иқтидор эди.
Ошён эди давр оғуши
Қора кучларга.
Кулгу эди севги ҳисси
Қалби пучларга.
Мана, қувғин интиҳоси —
Епирилар ёв.
Қора гуруҳ келар босиб —
Оғалар, бешов..
Ёғилди тош. Тошлар ёғди
Сингил бошига.
Йиртқич каби нақ шу чоқда
Гўзал лошига,
Ҳиссиз тошни итқитдилар
Бамисоли дўл.
Сўнг қулни ҳам йиқитдилар,
Адирлар, ўнг-сўл —
Бўлиб қолди тилсиз гувоҳ
Бу қонли ишга.
Қўл ургандай ўзи ногоҳ
Қабиҳ қилмишга.

* * *

Мана, охир номусни ҳам
Ювдилар қонда.
Алам ўрнин босди алам —
Бу ёт томонда,
Ожиз сингил фарёдлари
Қулоқда ҳали.
Тошни ёрган вой-додлари
Қандай ларзали!
Тош қаърида қолди бари,
Севги ҳам, ёш ҳам.
Севги қанот берган пари,
Исёнкор бош ҳам.

* * *

Ўтиришар қирда бесас
Беш оға-ини.
Бир лаҳзага кўтаролмас
Ҳатто бошини.
Қўлларида жигарининг
Қотмаган қони.
Қулоқларда — энг сўнгги мунг,
Сўнгги армони:
«— Кеча кимлар оғам эди,
Бугун-чи, жаллод!
Кимлар суянч тоғим эди,
Бугун қалби ёт!
Гуноҳ бўлса мен шўрликка
Севганим наҳот?!
Маҳкум этди бу зўрликка
Оғамлар, ҳайҳот!»
Гўё унга бўларди жўр
Шаҳид кетган қул.
Кўриб ишққа содиқ, маррур

Ўлмоқни мақбул:
«— Гарчи қуллик сиртмоғи-ла
Келдим дунёга,
Бироқ қалбим лим-лим тўла
Ишққа, зиёга.
Жасадимни тошлар гарчи
Ётса ҳам эзиб,
Асрларни гўё жарчи,
Ўтарман кезиб!
Сўзлагайман ошиқларга
Ишқим тақдирин.
Солинг дейман қўшиқларга
Фожиам сирин!»

* * *

Ниманики ёзган бўлсам
Бари ҳақиқат.
Ундан зарра озган бўлсам,
Иккита «тош хат» —
Икки ғарам тош шу нафас
Ўтар гувоҳга.
(Гарчи тарих муҳтож эмас
Сира изохга)
Неча йилки, ҳар ўтганда
Бу тош салтанат
Мунгли ларза қўзғар танда,
Ўйлатар фақат.
Ўйлар эдим, неча аср
Ўтса ҳам ҳамон,
Йўловчилар тош отадир
Қабрлар томон.
Не қасди бор? Ҳар ўткинчи
Такрорлар буни?
Бузиб икки ошиқ тинчин,
Ғамли уйқуни.

Бу сўқмоқдан ўтсам такрор
Дилни эзар ғам.
Икки уюм тош ичра бор
Мен отганлар ҳам.
Нигоҳларим бу тошларда
Синарди буткул.
Билар эдим — у ёшларда
Англашим мушкул —
Неча турфа сир-сивоат
Тошлар ичра жо.
Шу важ, қилдим мен қаноат
Улғайгунча то.
Тош отмоқни кимдир бошлар,
(Мунча авом-эй?)
Булар — гўё ўша тошлар,
Бўрон давоми!
Икки шаҳид йўлимизга
Боқар гул кутиб.
Наҳот ўтмиш қўлимизга
Кетган тош тутиб?!

* * *

Адир аро бир сўқмоқ бор,
Икки қабр бўйида.
Бунда сукут топган қарор,
Сассиз мотам куйидай.
Бунда баҳор юм-юм йиғлар,
Ювар ўтмиш доғини.
Юлдузлардан тушар чўғлар
Чўғ кўзларни соғиниб...
Қалди роқлар сўниб кетган,
(Озми тошлар садоси!)
Қабрлардан қочган четга
Булбулларнинг навоси.
Қочди қонли манзарадан

Чўчиганлар ҳар томон.
Утиб кетди бу орадан
Неча аср бегумон.
Замон, тошлар этди тобе
Гарчи улар жисмини,
Улуғлайди севги каби
Сўқмоқ улар исмини!

1973

ЮЗМА-ЮЗ

Достон

Ховослик қаҳрамон Жураҳон Усмонов
ёдгорлиги ёнидаги ўйар.

Бир туйғу олдида безовта юрак
Совот қишлоғига чорлади ҳар зум.
Бугун сенга қанот беришим керак —
Қирқ йил сукут қилган армонли сўзим!
Қирқ йил — бир йигитнинг умридир зотан,
Шунча вақт кузатдинг меда, Жўраҳон.
Ғалабадан уч ой олдин дафъатак
Мангулик сари юз бургадан буён.
Бундай бўлишини ўйлапти ким ҳам,
Наҳот душман ўқи шошмай ўч олар?
Сен қайтиб, умидлар учқунланган дам,
Тўлганда ҳувиллаб қолган кўчалар,
Совот йигитларин бари бехато
Қирон солаяпти, дегандинг ёвга.
Бировга аталган ўқ учун ҳатто
Юрагинг тикилган экан гаровга...
Ким сени ўғлимдир деди ўшанда,
Сени акам деди чошган ўспирин.
Балки куёвдир?..—деб бўм-бўш гўшанга
Уша дам хўрсиниб қўйгандир ширин...
Кўксингда юлдуз-у, чўян — юракда,
Келгандинг қолдириб доғда ўлимни.
Кўриша олмадик, ҳали йўргакда
Қўлбоғ қисар эди жажжи қўлимни.
Айт-чи, келганмиди зотан хаёлга
Қирқ йил беридаги шу сўзсиз гурунг.
Саволлар улавиб кетар саволга,
Йиллар сўз қотолмас бамисоли гунг.

Ҳа, нима бўлшти, ўтса ўтди-да
Ўзининг кўп қадим изидаги йил.
Тобора улғайди қалбимда нидо,
Вужудан интилдим унга муттасил.
Диллар зориққанда бир тасаллига,
Таскинга суянган чоғда умидлар,
Гўдаклар етолмай пон висолига,
Ўчоқларда ўчиб битганда ўтлар,
Ғалаба эпкини бўлганда пайдо,
Ўлим кўзларингдан тўсди зиёни.
Бойчечак илк кулган чоғлар кунгайда,
Бизга мерос қилиб кетдинг дунёни.
Ўлим — хиёнаткор уруш қайлиғи —
Юрагингга ёзди чўяндан дастхат.
Ногоҳ титраб кетган жарроҳнинг тиги
Ҳамон ғазабимни қўзғайди гоёт.
Бизнинг учрашувни кечиктирган жанг —
Хавфсизроқ титраган жарроҳ тигидан.
Шум ўлим қолдирди бизни ҳангу-манг,
Сени ситиб кўзлар қорачиғидан.
Бизни ажратарди йигирма қадам,
Ҳа, йигирма йиллик ёвқур масофа.
Ундан ҳатламоққа ожиздир одам,
Шу ожизлик ҳисси қилади хафа.
Сакраб ўтолмадим ёшлар фарқидан,
Сендек тутолмадим гранатани.¹
Турар эдим сендан анча орқада,
Тургандай гўдаклар, чоллар ватани...
Болалик йилларим, ўсмир чоқларим
Келдим неча карра сенга эгиб бош.
Сездирмай қабрингга сочдим оҳларим —
Гоҳ дала гулларин, гоҳ эса кўз ёш.
«Шу менинг қабримми?»—ғалат ҳайқирдиқ

Ж. Усмонов жангда биринчи бўлиб душман гранатасини олиб олиб, у билан немисларни йўқ қилганига ишора.

Барқ уриб турарди маънос кўзларда.
Сенга — зарҳал ромдан чиқмоққа йўл йўқ,
Фақат хотиралар бунда сўзларди...
Синчков кўзлаирнгдан уқардим савол,
Еришиб борарди ёшлик идроки:
«— Мен қилган галаба топмасми завол?
Йшайдими дунё турганча токи?
Энди инграмасми уруш касридан
Кўкайи кесилган аламкаш замин?
Башар ўтармикан атом асридан —
Курранинг тинчлиги бўлганми таъмин?...»

* * *

Тирик сақлаб қолиб бизнинг дунёни
Ҳамон тирикларни ўйлар Жўрахов.
Мени таслим этар ҳислар туғени,
Менинг вужудимни тўлғар ҳаяжон.
Кимга қила олдим бирор мурувват?
Одамлар бахти деб тиколдимми жон?
Менга синчков боққан табаррук сурат,
Бўла олдимми сен айтганча инсон?
Қирқ йилки, ўзимдан кутаман жавоб,
Кутдим юрагимдан садо шу йиллар.
Умримдан қушга дон берганча савоб
Кўра олдимми, деб, беғараз диллар?
Руҳимда бошлайди ўй-хаёллар жанг,
Ҳар хаёл пеш қилар кафолатини.
Мени зиёратчи дея ўйламанг —
Ижро этгум имон ваколатини.
Кети йўқ саволлар тало-тўшида
Бошим гоҳ-гоҳида шунақа гангир.
Эртанги кунларинг нася тушидан
Келажак — болалик йўлидай чангир.
Инсонларга холис, ҳаётга танти
Бир буюк қудратни тан олиб шу тоб,

Бугуннинг ягона шиори, онти —
Тинчлик, деб қиламан дунёга хитоб.
Ғалаба байроғи йўрғаги бўлган
Тинчлик кириб қўйди, мана, қирқ ёшга.
Қалби тинчлик деган ниятга тўлган
Инсоният учун қисмат йўқ бошқа.
Паст-баланд кўчалар чангини ютиб,
Ватан ўтиб келар дуч келган ғовдан.
Қонталаш тонглари бўлмас унутиб —
Ки ранг олди қонга ботган яловдан.

* * *

Мен унга ёнма-ён қўйиб ўзимни,
Хаёлий қиёсдан изларман нажот.
Етти карра ўлчаб айтар сўзимни,
Бошлаб юбораман руҳий мулоқот.
У туриб келади сукутгоҳидан,
Қирқ йилни бир йигит қадами қилиб.
Назаримда келди Сож¹ қирғоғидан,
Беш қирра юлдузни кўксига илиб.
Билмай қолдим, ортга қайтдимми қирқ йил,
Ё тарих қаъридан қалқди Жўрахон,
Юзма-юз ва ошкор, виждонлар кафил
Гуруннга топдикми муаллақ замон?
Наҳотки қирқ йиллик йўл босмоқ керак
Авлодлар юзма-юз келмоғи учун?
Қирқ йилсиз топмаса ечимдан дарак
Наҳот юрагингда туғилган тугун?
Ҳайронман, бўларми шунчалар мушкул
Инсоннинг инсонни англаб етмоғи?
Ҳа, баъзида юз йил бўлсак ҳам машғул
Юракни ҳис қила олмаймиз чоғи...
Тўғриси, биз олиб қочмадик четга
Юрак таржимони — нигоҳимизни.

¹ Қаҳрамонлик кўрсатилган жойдаги дарё номи.

Дилдаги гацларни айтгани бетга
 Ҳаёт ўргатганга ўхшарди бизни.
 Ахир ўсмаганмиз бирор сояда.
 Замон шамолидан қакпаб вужудлар.
 Керагин танладик турфа ғоядан —
 Бизнинг суякларни тоблади ўтлар.
 У сизди — монандлик нафас олишда,
 Бир маромда тепар хар икки юрак.
 Қалбларни бегона кўргач нолишдан,
 Қисмат, қарашларни кўргач муштарак,
 Бир-бир ўтаверди кўзалар ўнгидан
 Она кишлоқларнинг хотиралари.
 Яшаб кўнинг, дебми, гўё янгидан,
 Тасодиף чорлади болалик сари.
 Нақ қирк чакиримлик олис уфқдан
 Хулқардай имларди бекат чироғи.
 Ховосда порлаган шу ғуж-ғуж чўғдан
 Биз илк бор хайратга тупганмиз чоғи...
 Чопдик баҳоридан йилнинг кузига,
 Қадим ипак йўлини чиқариб чангин.
 Хайрон бокдик Камширдевор¹ изига —
 Барвақт сарғайганда майсалар ранги.
 Бир булоқ сувини ичганмиз қониб,
 Бир бог олмасига бўлганмиз кашал.
 Каттасой селини кечганмиз ёниб,
 Бори-йўғи ўн йил олдин-кейин сал.
 Бир қирдан қийкириб тиладик омад
 Улоқда бир оту бир чавандозга.
 Ҳатто ўзимизча қилдик каромат
 Боқиб битта тўрғай қилган парвозга.
 Бўри боласини тутмоқлик учун
 Жарда сен эмаклаб кирган уяга,
 Мен ҳам сомон тиқиб, ўт қўйдим бир кун,
 Димоққача тўлиб тутун, қуяга...

¹ Совет қишлоғи яқинидан ўтадиган қадимий девор номи.

Қушлар ҳурқанида Совет боғидан,
Култепа дарахти тутди шохини.
Чоллар айтар, билиб иёздоғидан
Совет тўйқозонга солган ёғини.
Бир ёр-ёр бошланса агар Советда,
Бизнинг Култепада топарди якун.
Мактабда ёзардик битта доводдан,
Қалблар бундан ортиқ бўларми яқин?!
Биз фақат кетма-кет ўсдик ёшликда,
Бир хил ўй-хаёллар музофотида.
Фарқимиз шу эди қисматдошликда —
Уруш сенга аччиқ мукофот эди.
Сен отинг ўйнатган катта санглоқда
Қирқ марта ионармон гуллади абрик.
Шўрлик тош гуллари билсин қаёқдан,
Қирқ баҳор гул билан кўмганин қабринг.
Қизил тувукали кўҳна тегирмон
Каттасойда ҳўплар наҳанг каби сув.
Чархи кажрафтордай айланиб ҳамон,
Тоши юракларга солади гулув.
Дамбасида туриб чайқовдинг бошинг,
Бир туйғу қалбингда қиларди хуруж:
«— Дунёнинг бошида тегирмон тошин
Токай айлантлар даҳшатли уруш?..»

* * *

Ҳовуз гирдидаги баҳайбат толлар
Сен томон юролмай чеклар афсус.
Ариқдан оқади сим-сим хаёллар,
Жилмай ётишингдан ҳазин ва маъюс.
Сенинг армонингдан ёнар мармар тош —
Бу оғир ботади тирик одамга.
Ўлим ҳадисларин айлаганча фош,
Наҳот жиллолмасанг ўн беш қадамга?!
Бошингда кўк чодир тикиб бир пайтлар

Сенга ҳузур берган наввиҳол толлар,
Бугун елга айтар хотира-қайдлар,
Ҳорғин чайқалишиб бамисли чоллар.
Сен билан болалик лаҳзаларини
Ўтказган тенгқурдай шивирлар улар.
Чангаллаб уруш чўғ-лахчаларини,
Гўё бугун сокин соқолин силар.
Дунёнинг эврилиш қонуниятин
Умрида синади муқаррар толлар.
Бугун такрорлашар ҳайрат оятин —
Уларни толдирган гўё хаёллар...

* * *

Уруш оловидан она тупроқни
Авайлаб ўтказдинг жон кипригида.
Матонатинг асло билмас титроқни
Тинчликнинг чилустун чўнг кўпригидай.
Қирчиллама йигит умрича муддат
Ватан кўксин доғлар бир ўчмас алам.
Бу — минглаб эгасин тополмаган хат,
Бу — ёруғ кундузин йўқотган одам.
Ватаннинг тилида бир ҳазин шева,
Ватаннинг бўғзида бир намиққан дод.
У — гоҳ мажруҳ жангчи, гоҳ — ғамгин бева,
Гоҳ бедарак жангчи қолдирган зурёд..
Яхлит зиёратгоҳ бўлди-ку Ватан,
Ловуллаб йигирма миллион юрак.
Юраклар — ҳаётга тафт берсин зотан,
Бу учун инсонга тинч замон керак.
Тинчлик жарчисидай чоптирмоқда от
Қирқ йилни мардона ўтган жасорат.
Баъзи бир малъунлар гивирлар, ҳайҳот,
Дунёнинг тинчини қилгани ғорат.
Тўғри, замонамиз эмас осуда,
Еримиз юраги тепмас бир маром.
Сур булутлар сузар юртлар бошида,

Дунёни ямлай дер бир тўда гирром.
Бугун гўдакларнинг эзгу ҳисларин
Нишонга олмоқда қонга ташналар.
Унутиб қўйишар гоҳо ўзларин
Кўкнори хаёлга руҳан ошналар,
Бир «қўнғиз мўйловли» қилганди жудо
Эллик миллиондан инсоиятни.
Кўр бўлар унутса кимки мабодо
Тарихни булғаган у бадниятни.

* * *

Биз-ла одимларсан, азиз Жўрахон,
Ўзинг орзу қилган истиқбол сари.
Бизни кутаётир уфқда оқшоқ тонг,
Муқаддас заминнинг алвон гуллари.
Баҳорда ҳар лола бир байроқ қирга,
Мард ўғлонлар элга шарафдир ахир.
Сен билан қишлоғнинг боғ кезар бирга,
Болалар қалбига соларсан фахр.
Сени жанговар саф ҳар кун этар ёд,
Йўқлама бошида — «Н»-чи қисмингда.
Қишлоғнинг ёшлари олади имдод
Мардликка биргина азиз исминдан.
Сен яшаб улгурмай қолган баҳорлар
Менда давом этган умринг эмасми?
Мени қўшиқ бўлиб эртанга чорлар
Осойишта элнинг ҳар бир тўй, базми.
Биламан, ҳар авлод борки дунёда,
Ҳайқириб куйлаган қўшиғи бўлгай.
Келгуси авлодлар уни мабодо
Авжга чиқармаса у авлод ўлгай...
Ҳатто гимнларда биз бериб урғу
Не жирканч зотларни куйламадик-а!
Қонимизга сингиб ялтоқлик қурғур
«Ўзим» деб айтмоқни билдик таҳлика.

Умри қўшиқликка муносиб ва шан
Ботирлар кам эмас бу элда азал.
Бироқ дилимизда тош бор — яшовчан,
Руҳимизни эзиб, босиб турар сал.
То дилдан юлқимай шу қора тошни,
То покламай руҳни бир сарин ҳаво,
Мағрур тутолмасмиз бари бир бошни,
Кўҳна иллатларга топмасмиз даво!
Қаҳрамон руҳларнинг қошида сира
Биламан, жоизмас мотамсаролик.
Ювилмас гуноҳдир қутлуғ хотира
Ҳаққи қилинажак юзи қаролик.
Биламан, пайтимас қилични ўпиб
Китобий гап билан этсам қасамёд.
Даврим борар қабр тошларин тешиб,
Ҳар марҳум номидан ахтариб жаллод...
Бугун қалбимизда ажиб ғалаён,
Борар онгимизда қарашлар жанги.
Гарчи моҳиятан бу жиддий исён,
Ундан тиниқлашур келажак ранги.
Қилмоқчи эмасман сени безовта
Бу кун ғалваларин сўзлаб бирма-бир.
Етар сўлодинга жанг солган савдо,
Етар ўлим билан юзма-юз тақдир.
Руҳан юзма-юздир биз икки авлод,
Орада ҳеч қандай тафовут йўқдай.
Гарчи бир даврга бўлдик зурриёт,
Лек уруш айирур қонли чизиқдай.
Ўчириб ҳар қандай фарқ чизигини,
Йўқ деб ёшлардаги тафовутни ҳам,
Гоҳо боса олмай дардли йиғини,
Зиёрат этмоққа келарман ҳар дам.
Одамлар, бош эгиб ўтинг бу ердан,
Керак эмас сиздан ортиқча инъом.
У сизни, бизни деб жонини берган,
Бироқ тама нима, билмайди бу ном.

У билар, тинчликни қўриқлаб ётар,
Юрти дориломон, элати — омон.
Одамлар, имоннинг кетгани хатар,
Ўтганлар безовта бўлса, бу ёмон!
...Сўзсиз пичирлайман қошингда аста,
Қарздорлик ҳиссидаи бошим таъзимда.
Дардли мисралардан ясаб гулдаста,
Йўқлов — марсиямни айтдим назмда!

1985

..:

МҮНДАРИЖА

Шеър кишиси

I. Шеърлар

| | |
|---|----|
| Ўзлигин топган Ватан | 9 |
| Туркистон | 10 |
| Ватан | 11 |
| Халқ | 12 |
| Истиқлол қасидаси | 13 |
| Осмон | 15 |
| Шукрона | 17 |
| Бир кун | 18 |
| Қиз нигоҳи | 19 |
| Топарман | 20 |
| Раққоса | 21 |
| Умр | 21 |
| Азон | 22 |
| Алла | 23 |
| Умр йўли | 24 |
| Эртақдаги дулдуллар | 25 |
| Олам сири | 26 |
| Ватангадо | 27 |
| Деҳқон Жалп Ҳақимов фалсафаси | 28 |
| «Дўстим, сени гоҳо йўқлаб келаман...» | 29 |
| Эртақдан сўнг | 30 |
| «Гоҳ танамга сизмай қоламан ўзим ...» | 30 |
| Чорлов | 31 |
| «Одамлардан қочиб яшар бахт...» | 32 |
| Шавкатнинг бувиси | 33 |
| Навойга очиқ хат | 34 |
| «Одамки, таваллуд кунидан бошлаб...» | 36 |
| Таважжуҳ | 37 |
| Отлиқ бола | 38 |
| Муҳаббат | 39 |

| | |
|-------------------------------------|----|
| Ҳаёт | 40 |
| Хотира | 42 |
| Севги армони | 43 |
| Ўзбеклар | 45 |
| «Ошёнлардан учдик олисга...» | 47 |
| Исмим — Ўзбекистон | 48 |
| Кечаги кун | 49 |
| Чорраҳа | 52 |
| Қарз | 54 |
| «Ҳаёт севар ёрдай қучоқ очганда...» | 55 |
| Боғлар | 56 |
| Ҳаётнинг энг тотли лаҳзаларини ...» | 57 |
| Шоир | 58 |
| Дунё | 60 |
| «Нуроний чолларнинг дуоси ёдда...» | 61 |
| Она мадҳи | 61 |
| «Эшикли уй борки, бўлар ялоғи...» | 63 |
| Аёл орзуси | 63 |
| Ҳаққанинг фалсафаси | 64 |
| Мерос | 65 |
| Хотирот | 67 |
| Ишонганман гулларга | 68 |
| Тўртликлар | 69 |
| Ҳасби ҳол | 76 |

II. Ғазаллар

| | |
|-------------------|----|
| Навойга | 82 |
| Истадм | 83 |
| Қайтмагай | 84 |
| Сирли май | 84 |
| Ёндим ўтув янглиғ | 85 |
| Этмас | 86 |
| Этолмасман | 87 |
| Турфа оҳанг | 87 |
| Наврўз сабоси | 88 |
| Жилва этдинг | 89 |
| Сочларинг | 90 |
| Чайқалур | 90 |
| Утар | 91 |
| Ёлғиз | 92 |
| Бор экан | 92 |
| Севги мулки | 93 |
| Шоир — эл Қақнуси | 94 |
| Бу замин | 94 |

| | |
|---------------------|-----|
| Онам соғинчи | 95 |
| Бўлди туллаб | 96 |
| Қасам | 97 |
| Ёзайми мен | 97 |
| Ул аживму | 98 |
| Лола сайли | 99 |
| Кунларим | 99 |
| Келмади | 100 |
| Яхшироқ | 101 |
| Йиғлагай | 101 |
| Қарз | 102 |
| Алданурмен | 103 |
| Бирн кам | 104 |
| Тўсди бухрон | 105 |
| Занглади | 105 |
| Қошингми | 106 |
| Дунё | 107 |
| Таскин | 108 |
| Кам-кам | 108 |
| Мадад | 109 |
| Машрабона | 110 |
| Келган эканмиз | 111 |
| Синмагай | 111 |
| Беадад | 112 |
| Сирли байтлар | 113 |
| Ғамлар | 113 |
| Дунё экан | 114 |
| Дейдилар | 115 |
| Райхон ҳиди | 116 |
| Йироқ | 116 |
| Дер эдим | 117 |
| Само | 118 |
| Ким билар | 118 |
| Демагай эл | 119 |
| Оқсарой | 120 |
| Баногоҳ | 121 |
| Арзандаман | 121 |
| Айбимиз | 122 |
| Нигор | 123 |
| Ҳақ сўз | 124 |
| Китоб гўзали | 124 |
| Севмоқ иши | 125 |
| Этса | 128 |
| Ўзбегим зурёиданман | 126 |
| Ҳар дам | 127 |

| | |
|---------------------|-----|
| Камлардан | 128 |
| Билмадим | 129 |
| Сигмас | 130 |
| Кутарман | 130 |
| Бир кун | 131 |
| Билсам | 132 |
| Кутдим | 133 |
| Кетгувчи биз | 133 |
| Исён | 134 |
| Кибр | 135 |
| Хато айлай | 136 |
| Найсон | 137 |
| Санчилур | 137 |
| Зорим | 138 |
| Вафо | 139 |
| Ҳижрон | 139 |
| Мустарлик ёмон | 140 |
| Гўё ётдур | 141 |
| Ўйнар | 141 |
| Бир руҳ | 142 |
| Яссавий ёлғиз ҳамон | 143 |
| Йироқ | 144 |
| Тошолмассан | 145 |
| Ғамимни кўрмадим | 146 |
| Ётадур | 146 |
| Бўл дединг | 147 |
| Айлаб эдим | 148 |
| Ўтинч | 148 |
| Пиқ гулшанида | 149 |
| Араз | 150 |
| Ҳайронлиғ фақат | 150 |
| Йўқ | 151 |
| Гулдир мен | 152 |
| Ер йўқ | 153 |
| Ер тонса | 153 |
| Зорликда | 154 |
| Гурунғ | 155 |
| Нишон | 156 |
| Ер этиб | 156 |
| Ахтариб | 157 |
| Садо мунча | 158 |
| Гул чеҳра қиз | 160 |
| Қўқсим оҳисен | 159 |
| Дилда қолди | 159 |
| Ўша сен | 161 |

| | |
|---------------------|-----|
| Кутди вафо | 162 |
| Қийналур | 162 |
| Кексалар | 163 |
| Сенга | 164 |
| Сўранг | 164 |
| Сен учун | 165 |
| Қонгай | 166 |
| Мурувват | 167 |
| Гул ишқи | 167 |
| Келиб йўқлар | 168 |
| Ер қўймас қадам | 169 |
| Дилдан | 170 |
| Матлаб | 171 |
| Дил билан | 172 |
| Инкор | 172 |
| Девон эмас | 173 |
| Эй, чарх | 174 |
| Оворалик | 175 |
| Дермисан | 175 |
| Ардоқлай сени | 176 |
| Гумроҳ билур | 177 |
| Жияним Бобурга | 178 |
| Қаранг | 178 |
| Бўлак | 180 |
| Панжалар йиғлармиди | 181 |
| Кўкдаги моҳ | 182 |
| Боғинг бир кезгали | 183 |
| Ҳол қайда | 184 |
| Чангим қўнар | 184 |
| Қўлларингда | 185 |

III. Афсона, ривоят, баллада ва достонлар

| | |
|------------------------|-----|
| Опа ва нон (афсона) | 186 |
| Ота чироғи (баллада) | 192 |
| Нариқишлоқ (ривоят) | 199 |
| Тошлар нидоси (достон) | 211 |
| Юзма-юз (достон) | 224 |

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

Адабий-бадний нашр

Жонибек Субҳон

СИЛСИЛА

Шеърлар, ғазаллар, ривоятлар, дostonлар

Муҳаррир Абдували Қутбиддин

Рассом А. Бобров

Расмлар муҳаррири А. Кива

Техн. муҳаррир Т. Смирнова

Мусаҳҳиҳ Б. Сувонқулова

ИБ № 5282

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,
700129, Тошкент, Цавоний кўчаси, 30.

Босмахонага 24.02.94 да берилди. Босишга 03.05.94 да рухсат этилди. Бичими 70×90¹/₃₂. 2-нав босмахона қоғози. Адабий гарнитура. Юқори босма. 8,77. шартли босма тобоқ. 9,02 бўёқ нусхаси 8,5. нашр босма тобори. Жами 5000 нусха. 394-буюртма. Ваҳоси шартнома асосида. 15-94 рақамли шартнома.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикаси, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй.

Субҳон, Жонибек.

Силсила: Шеърлар, ғазаллар, ривоятлар, достонлар. — Т.: Ғ. Ғулом номдаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. — 240 б.

Минг йил аввалгидек яшаш қадри, мезони бугун нима билан ўлчанади. Минг йил кейин-чи? Ёхуд яшаш инсон руҳининг қарама-қарши ҳолати баҳосими? Нима дея оласиз ва нима дея олмайсиз. Жонибек Субҳоннинг янги «Силсила» деб номланмиш китоби руҳ ва тан оройиши, ғавғоси, такаллуфи, исботи ва инкори ҳис этилган мусиқалардан жамланган. Мусиқа шоирнинг ич-ичида, ботинида — юрағ ва вақт беркинган қалъаларидан оқиб тушган. Умидимиз борки, ушбу оҳанг тасвирлари сизни тафаккур этмоққа ва ҳақ сари йўлга тушмоққа даъват этар.

Уз 2